

Б. 22

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус  
таълим вазирлиги

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

«Фалсафа ва маънавий асослари»  
кафедраси

Э.Бозоров  
И.Жўрабоев

«ДИНШУНОСЛИК АСОСЛАРИ»  
(Маърузалар матни)



Наманган-2004

5-72

# 1-мавзу: Диншунослик курсининг предмети ва вазифалари.

Режа:

1. Халқлар ва динлар.
2. Ўқув курсининг мақсад ва вазифалари.
3. Диннинг жамиятда бажарадиган вазифалари.
4. Диншунослик курсининг асосий хусусиятлари

## Халқлар ва динлар

Ҳозирги пайтда дунёда 6 миллиарддан ортиқ аҳоли яшамоқда, улар турли-туман халқларга мансуб кишилардир.

Дунёда бирор-бир халқ йўқ-ки, у ёки бу динга эътиқод қилмасин. Динлар эса хилма-хил. Айни пайтда, улар жаҳон ҳамда миллий динларга бўлинади.

Ислон, христианлик ва буддавийлик динлари — жаҳон динлари ҳисобланади.

Жаҳон динлари — ўзлари пайдо бўлган ҳудуддагина амал қилиб қолмай, балки ер юзининг бошқа ҳудудларида ҳам кенг тарқалган.

Бу динлар ўз эътиқодчиларининг миллати, тили, ирқи, туғилган жойи, фуқаролиги каби хусусиятларни ҳисобга олмайди. Жаҳон динларининг пайдо бўлиши катта ижобий ҳодиса — бир динга эътиқод қилувчи турли халқларнинг яқинлашуви жараёни ҳам рўй бера бошлади.

Миллий динларга хиндуйлик, синкхийлик, конфуцийчилик, яҳудийлик ва бошқа бир неча динлар киради.

Бу динлар элатларнинг, кейинчалик эса миллатларнинг шаклланиши жараёнини акс эттирган ҳамда ўзлари пайдо бўлган ҳудудлардаги одамларнинг ўз миллатларига, давлатларига эътиқод қилишни ифодалаган.



## Ўқув курсининг мақсад ва вазифалари

Ҳар бир курснинг мақсад ва вазифалари бўлганидек, дунё динлари тарихининг ҳам мақсад ва вазифалари бор.

Демак, ушбу ўқув қўлланмасининг асосий мақсади ҳар бир инсонни динлар тарихи билан таништиришдир. Бу мақсадга қуйидаги вазифаларни бажариш орқали эришилади.

1. дунёвий динлар ва диннинг ўзаро муносабатлари ҳақида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунининг мазмуни тўғрисида маълумот бериш;
2. дин нима ва у қандай пайдо бўлган, нега у яшайди? деган саволларга жавоб топиш;
3. диннинг жамиятга ижтимоий, маънавий, руҳий таъсири ҳақида билим бериш;
4. миллий ва жаҳон динлари асослари ҳақида маълумот бериш;
5. диннинг моҳияти ва унинг кишилик жамияти тариққиётидаги турли босқичларида тутган мавқеи ҳақида маълумот бериш;
6. жамиятни маънавий жиҳатдан камол топтиришда диний қадриятларнинг аҳамиятини ёритиш;
7. ислом, Қуръони каримдан кейин иккинчи манба ҳисобланган ҳадис илмини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган ва бутун ислом олами тан олган улут бобокалонларимиз ҳаёти, ижоди билан таништириш, ҳадисларнинг тарбиявий аҳамиятини кенг талқин этиш;
8. улут ҳамюртларимизнинг тасавуф тақомилидаги буюк хизматлари ҳақида ўқувчиларга, талабаларга билим бериш ҳамда уларда фахрланиш ҳисларини тарбиялаш;
9. мустақил мамлакатимизда динга инсобиётан

муносабатнинг тубдан ўзгарганлиги, хусусан, ислом дини қадриятларини тиклаш йўлида қилинаётган саъй — ҳаракатлар ҳақида маълумот бериш;

10. диний ақидапарастлик, экстремизм ва фанатизм моҳиятини ёритиш ҳамда бошқа масалалар ҳақида тушунчалар беришдан иборатдир.

Бу мақсад ва вазифаларнинг амалда бажарилиши катта тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Хусусан «Диншунослик асослари»ни ўрганиш орқали сиз ислом ва бошқа динлар қадриятларига ҳурмат билан қараш, уларни қадрлаш, бошқа динларга ва уларнинг вакилларига ҳурмат билан муносабатда бўлишини ўзингизда тарбиялайсиз.

### **Диннинг жамиятдаги бажарадиган вазифалари.**

Ҳар қандай дин жамиятда маълум ижобий, маънавий руҳий вазифаларни бажаради.

Хусусан, диннинг жамиятда бажарадиган биринчи вазифаси — компенсаторлик. Яъни ҳар бир дин (ҳаёти, турмуш тарзи, табиат ва жамият билан бўлган муносабатлари жараёнида ҳаётий эҳтиёжий, мақсадларига) қавмлари учун тўлдирувчи, овутувчи вазифаларни бажаради. Масалан: инсонда доимий эҳтиёж ҳосил бўлиш ҳодисасини олайлик. Инсон иложсиз бўлиб қолганда, унда қандайдир маънавий — руҳий эҳтиёжга зарурат сезган. Бу эҳтиёж — диний эҳтиёж эди. Дин бу ўринда маънавий — руҳий эҳтиёжини қондирувчи, тасалли берувчилик вазифасини бажарган ва ҳозир ҳам бажармоқда.

Дин бажарадиган иккинчи вазифа, бу унинг бирлаштирувчилигидир. Ҳар бир дин ўзига эътиқод қилувчиларни ўз таълимотига амал қилишга ундайди. Уларни ўз таълимоти доирасида сақлашга

ҳаракат қилади. Бу ҳадисага диннинг бирлаштирувчилик вазифаси дейилади. Ҳар қайси дин ҳамisha муайян ижтимоий, этник ва маънавий ҳаётини ўз таъсирида тутишга ҳаракат қилади. Бу таъсирнинг мунтазамлигини таъминлаш мақсадида халқнинг ижтимоий ҳаётига ахлоқий муносабатларга, шунингдек, ҳатто адабиёт ва санъатига ҳам таъсир ўтказди.

Диннинг учинчи вазифаси — бу унинг ўз қавмлари турмушини тартибга солиш ва назорат қилиш. Динлар ўз маросим ва байрамларининг қавмлари томонидан ўз вақтида қатъий тартибга амал қилган ҳолда бажарилишини шарт қилиб қўяди.

Тўртинчидан, ҳар бир дин алоқа боғлашлик вазифасини ҳам бажаради, яъни ҳар бир дин ўз қавмларининг бирлигини жамият ва шахснинг ўзаро алоқада бўлишини таъминлашга интилади. Бунда у ёки бу динга эътиқод қилувчи кишиларнинг ўз динига бошқа кишилар билан боғлиқликда бўлиши, урф — одат, маросим ва байрамларни, ибодатларни жамоа бўлиб бажариш назарда тутилади.

Диннинг фалсафий вазифаси ҳам мавжуд. Бу вазифа — инсонга яшашдан мақсад, ҳаёт мазмунини, бу ёки у дунё масалаларига ўз муносабатларини билдириб туришни ўз ичига олади. Бундан ташқари жамият, гуруҳ ва шахс маънавий ҳаётининг муайян соҳаси бўлган дин умуминсоний алоқа меъёрларини ўзига сингдириб олган.

### **Диншунослик фанинг асосий хусусиятлари**

Диншунослик фани динларнинг моҳияти ва дин тушунчасини таърифлаб, изоҳлаб, тушунтириб беради. Дин ижтимоий онг шаклларида бири сифатида деб қарайди, тарихий ҳодиса деб ҳисоблайди. Уни доимо инсоният тарихи билан

боғлиқ бўлган одамларнинг динга эҳтиёжи туфайли келиб чиққанини, аста секин тизим қиёфасига утган.

Динларнинг келиб чиқиш тарихини баён қилади. Ҳеч нарса сабабсиз рўй бермагандек динлар ҳам одамлар томонидан вужудга келтирилган, ибтидоий жамоа даврида шаклланган. Динларнинг назарий, фалсафий томонларини ақс эттирувчи диний ақидалар ва тасаввурларни ўргатади.

Диншунослик фани динларнинг амалий томонларини, диний маросимлар, урф – одатлар, расм – русумлар хусусида фикр юритади.

Диншунослик фани динларда тарбияловчи сифатида ахлоқ – одоб ҳақида фикр юритади.

Диннинг асосий хусусиятларидан бир диний ҳуқуққа асосий эътибор берилади.

Динларнинг тарихий типлари; турлари, турли шакллари, йўналишлари, секталари ва маҳзабларининг ўзига хос хусусиятларини бир – бири билан боғланган томонларини ўргатади.

Диншуносликнинг яна бир асосий масаласи диний манбалар, муқаддас ёзувлар, ҳужжатлар, Таврот, Библия, Авесто, Трипитока, Ведалар, Қуръон ва ҳадислар кабилар муҳим тарихий ёдгорлик эканлиги ва бу манбалар ҳақида маълумот беради.

## **2-мавзу: Ибтидоий жамиятдаги**

### **дастлабки динлар**

#### **Режа:**

1. Ибтидоий жамиятдаги дастлабки динлар: Тотемизм, Анимизм, Фетишизм, Шамонизм, Магия.
2. Политеизм.
3. Зардуштийлик

Дастлабки диний қарашлар — инсонларни табиат кучларини илоҳийлаштириш асосида келиб чиққан. Уларда худолар, пайғамбарлар, илоҳий ривоятлар шаклланган эмас. Бу диний қарашлар табиатдаги ҳайвонларни, ўсимликларни, айрим дарёлар, тошлар, осмон жисмлари, авлодлар руҳини илоҳийлаштириб, уларга бағишланган турли маросимлар мавжуд бўлган.

Ўша даврда Тотемизм, Анимизм, Фетишизм, Зардуштийлик Магия (сеҳиргарлик) динлари келиб чиққан.

**Тотемизм** — сўзи америка хиндуларининг «О тотем» деган сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилида бу сўзнинг маъноси «унинг уруғи, қариндоши» демақдир. Тотемизм овчилар ва чорвачилик билан шуғулланган уруғ ва қабилалар орасида пайдо бўлган энг дастлабки диний қарашлар эди.

Ибтидоий одамларнинг тирикчилиги ўсимликларни ва ҳайвонларни овлаб истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган. Улар энг кўп овланган ҳайвон ёки қушларни, ҳайвонларни ҳурмат қилишган. Одамларни ҳайвонлар билан қариндош — уруғ бўлган, ҳайвонлардан келиб чиққанмиз деб ўйлаганлар.

Тотем ҳисобланган ҳайвон ёки ўсимлик уруғининг ҳомийси деб, тотемнинг ёрдамига куз тикканлар, рақс сеҳри билан баъзан эса маросимлар қилиш йўли билан тотемга таъсир қилиш мумкин. деб ўйлаганлар. Махсус маросимда тотем ҳисобланган ҳайвонни сўйиб, уни қони ва гўштини пишириб, муқаддас таом сифатида истеъмол қилинган. Асосий мақсад тотем билан қариндош — уруғликни янада мустаҳкамлаш бўлган. Ов ўнғидан келмаганда тотемни жазолаб, савалаш маросимини ўтказишган.

- Тотем бўлган ҳайвон ва қушлар турли минтақалардан турли уруғда турлича бўлади.

Уруғлар номи тотем ҳисобланган ҳайвон, қуш ва ўсимлик номи билан атаган.

- Австрияликлар туб аҳоли уруғлари кенгуру, ек хуроз, қора хукиз деб номланган. Америка квиду уруғлари Катта Илон, Бургут куз, Қора сиртдон каби номлар билан атаган.
- Ўзбек ва тожик халқлари орасида от, ит, мушук, лайлак, мусича, қарға, қалдирғоч, каби ҳайвон ва қушлар тотем ҳисобланган. ривоятлар туғилган.
- Рим шаҳрини қурган Ромул ва Ремларни она бўри эмизиб катта қилган, деген афсона асосида Рим шаҳрида она бўрига ҳайкал ўрнатилган.
- Рига шаҳрида хўрозга ҳайкал ўрнатилган, чунки латиш қабилаларига ҳужум қилаётган душмандан хуроз ҳабар қилиб, сақлаб, қолган эмиш.
- Россияда подшоҳ Романовлар сулоласи ҳукмронлик қилган даврларда давлат байроғида бургут расми бўлган. Бунларнинг ҳаммаси тотемизм билан боғлиқ бўлган. Ҳиндуизм динида оқ фил, маймун, сигир, илон, тотемлари ҳануз мавжуд.

**Анимизм** — одамларни синчғовлик билан табиат кучларини кузатиши натижасида вужудга келади. Ҳар йили баҳорда ўсимлик ва дарахтларда уйғонни юз беради. Одамлар ухлаб уйғонадилар, ҳушдан кетиб, яна ҳушига келадилар. Айрим ҳайвонлар қишда ухлаб ёзда уйғонадилар. Қиш фасли улик, баҳор эса қайта тирилишдир. Анимизм бундан 40 – 30 минг илгари пайдо бўлган.

**Анимизм** — лотинча сўз бўлиб, жон, руҳ деган маънони биладиради. У жон, руҳ ўлмайди, тана ўлади деган тасаввурдан пайдо бўлган. Жон, руҳ, ўсимлик, ҳайвонда мавжуд ва абадийдир. Жон ва руҳ инсон туғилмасдан олдин пайдо бўлади деб



таъкидлайди.

Агар қаттиқ момақалдироқ, кучли бўронлар, сув тошқинлари, даҳшатли zilzila, вулқон отилиши, одамларнинг ўлими каби воқеалар содир бўлса, ана шу ҳодисалар пайтида жон ва руҳ қаҳр — ғазабга кирадилар деган тасаввурлар келиб чиққан. Ҳозирги даврда Ўзбекистон, Тожикистон ва бошқа мусулмон мамлакатларида ўлган кишиларнинг арвоҳига атаб қурбонлик маросими ўтказилади, хайр — эҳсон, садақа берилади.

Вафот этган кишилар кийими, зеб — зийнатлари, озиқ — овқатлари, ҳарбий ва ов қуроллари билан, баъзан подшолар хизматкорлари билан (сурхондарё вилояти «Сополли тепа») дафн қилинган. Булар анимизм одатларидир.

Анимизм дини одамларнинг оламдан ўтган аجدодлари хотирасини унутмасликка ўргатади. Шаҳидлар хотирасига қўйилган хайкаллар, қабирларни тиклаш, рамзий қабирлар, мангу олов ёқиш қабилар анимизм билан боғлиқ.

**Фетишизм** — португалча «фетико» сўзи ўзбекчада «ясалган» дегани бўлиб, фетишизм динининг моҳиятини яққол ифода этади. Фетишизм яъни одамлар ясаган айрим нарса ва предметларда сирли илоҳий куч — қудрат мавжуд деб, ўшаларга сифинишни келтириб чиқарган. Фетишлар турли, хилма — хил предметлар: бут, афсонавий фаришталар, маъбудалар, авлиёларнинг расмлари, хайкаллари, пайғамбарларнинг соч толалари, кийимлари: тумор, кўзмунчоқ, тасбеҳ, айрим мақбаралар, қабрлар, чорвадорлар орасида ҳайвон суяклари, шоҳлари, кўз тикан, исриқ, дўлана каби ўсимликлар, Таврот, Инжил, Қуръон, Ҳадис каби муқаддас китоблар бўлиши мумкин.

Илми — амал, ирм — сиримларга оид; қайчини ошқ қолиши, супургини тикка қўйиш, кечки пайтда тирноқни олиш, кечасида сушириш, жасадни

қолиши ҳам фетиш бўлиши мумкин. Учбурчак шаклидаги туморлар, кўзmunчоқ, хоч фетиш ҳисобланади. Хочнинг кичик шакли бўйинга осиб олинади. Рухонийлар кийимига расм солинади. Айрим Туркия, Покистон, Саудия Арабистони, Эрон, Миср, Сурия каби давлатлар байроқларида Ярим ой, юлдузлар тасвири бор. Масжид ва мадрасалар устига ярим ой рамзи қўйилган. Қабрлар устига ҳам баъзан ой, юлдуз рамзи гуширилган тош ва ёғочлар ўрнатилгани, буларда ҳам фетиш маъноси мавжуд. Хайкал ва мавзолейлар, санъат асарларидан иконалар ҳам фетиш ҳисобланади.

**Шомонизм** — ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши даврида пайдо бўлган бўлиб, шамонлар (баҳшилар, фолбинлар, парихонлар, дуохон, азайимхонлар деб аталади) қобилиятига ишонишдир. Шамонларда касалликни даволаши, одамлар қисматини каромат қилиши, табиатда хоҳлаган ўзгаришлар киритиши каби қобилиятлар бор деб ўйлашган.

Шаманлар думбираси ёки муסיқий асбобларида куйлар чалиниб, сирли дуолар ўқиб, ғайриоддий рақс ҳаракатлари, турли расм — русмларни жазаваси тутган ҳолда бажаради. Масалан: Зикр гушиш хушдан кетгунича давом этади.

Шаманларни худди шу ҳолда маросим ўтказишини «Санников ери» деган фильмдаги шомоннинг оқ кийикни қурбон қилиш кадрларида яққол кўринади. Кашпировский Чумак, Фарғонадан чиққан Қизлархон каби экстрасенслар замонавий шамонлардир.

**Магия** — диний психологиянинг ўзига хос бир кўриниши бўлиб, бу дин соҳр, афсун куни билан инсонга, ҳайвонга ва табиат ҳодисаларига таъсир кўрсатиш мақсадидаги соҳрғар ҳаракатидир.

Муҳаббат сеҳри, ишлаб чиқариш магияси, душманни енгиш учун авраш каби ибодат ва ҳаракатлар кенг тарқалган. Мусулмон киши бир ишни бошладан олдин «Бисмиллоҳи — р — Раҳмони — р — Раҳим», яъни «Меҳрибон ва раҳимли Оллоҳ номин билан бошлайман» деб ният қилади. Дехқончиликдан олдин қурбонлик қилади. Экин — тикинларга аллоҳнинг баракаси ато қилинишини тилайди. Масалан, келин — куёвлар бошидан тангалар сочиш, қанд сочиш, оёқ остига пойондоз солиш, ширин чой ичириш, келинни оёғини куёв босиши ёки аксинча. Бу қизиқ одатлар келажақда оилавий ҳаётни яхши, ахл, ширин, бой — бадавлат бўлишига кўмаклашади деган мақсадлар кўзда тутилаган.

Овга боришдан аввал хайвонлар расмига ёки терисига усталик билан найза санчиш машқи ёки сеҳрли ҳаракат рақси овчилар ҳаётида кенг тарқалган.

Халқимиз ўртасида чиллаёсин қилиб касални даволаш одати ҳам тез — тез ўтказилади. Одатда бирор қўй ёки эчки, товуқ сўйишиб уни қонини бемор кишининг кўкрагига, қорнига, оёқ — қўлларига, пешонасига суртилади. Қуръоннинг ёсин сурасини 40 марта ўқилиб, беморга дам солинади. Хипчин билан беморни секин саваланади. Булар руҳига таъсир қилишга мўлжалланган.

Магия — ҳозирги замонда ҳам фолбинлик шаклида дам солиш, истма — совутма, қайтарма қилиш, илми — амал, олдини бойлаш каби шакллarda мавжуд.

Умуман олганда ибтидоий жамиятда тотемизм, анимизм, фетишизм, шовишизм ва сеҳиргарлик каби дастлабки динлар пайдо бўлган.

Афсунгарлик жоду, дуохонлик, авлодлар руҳига сизиниш ҳам ўша даврлардаги динларга хос.

**Политеизм** — ибтидоий жамиятнинг

емирилиши, яъни эрамиздан аввалги 2 минг йиллардан бошлаб, то эрамизнинг V асригача қулдорлик тузумини емирилишига қадар давом этган.

Қулдорлик тузуми даврида актоганистик муносабатларни вужудга келиши диний тасаввурда ҳам кескин ўзгаришлар юз берди.

Инсон томонидан англаб етилмаган, табиат ва жамиятда содир бўлаётган яхши ва ёмон воқеа ҳодисалар сабаблари одамлар учун номаълум бўлгани учун унинг сабаблари илоҳиётдан қидирилган. Шунга мувофиқ мифологик образлар, ривоятлар тузилган. Нагижада илоҳиётнинг олий образлари худолар тўғрисида, маъбудалар ҳақида тасаввурлар пайдо бўлган.

Полиитеизм, яъни грекча поли — кўп, теос — худо, кўп худолик динлари қулдорлик даврининг классик дини эди. Сиёсий ҳокимият, қулдор — задогонлар, саркардалар, подшолар сиёсатига, ижтимоий майдонга мос келадиган худолар ва хомийлар тўқилган. Нагижада осмон, қуёш, юлдуз, ёруғлик ва қоронғулик, ой, йил, фасллар, сув, шамол, ўрмон, тоғ, бўрон, денгиз, деҳқончилик, узумчилик, ўтлоқлар, ўсимликлар, ва ҳайвонлар, уруш ва адолат, омад, оила, муҳаббат, гузаллик худолари, маъбудалари, бош худолар, яхшилик ва ёвузлик худолари каби кўпдан — кўп худоларга сизгиниш вужудга келган.

Одамлар Ер юзида содир бўлаётган хукмронлик, тобелик, қон — қариндошлик, эр — хотинлик, вафодорлик ва вафосизлик, жиноят ва жазолар осмонда худолар ўртасида ҳам тўла равида мавжуд деб тасаввур этганлар. Ер юзидаги барча воқеалар худолар иродаси билан содир бўлади деб ишонганлар, худо ва маъбудаларга атаб кундан — кўп маросимлар ўтказилган.

Қадимги греклар дини кўпхудоликнинг

классик намунасидир. Осмон эгаси, бош худо Зевс қадимги Грекларнинг олий худоси эди. Унинг укаси Посейдон денгиз худоси, Ад ер худоси. Зевснинг рафиқаси Гера эр — хотинлик хомийси, Арес — уруш худоси, Афина — донолик худоси, Ашшолон қуёш худоси, Артемида ой мабудаси ва овчилик хомийси, Дионис узумчилик, виночилик, деҳқончилик худоси.

Римликлар эса бош худо Юпитер, уруш худоси Марс, Юпитернинг хотини Юнона, донолик маъбудаси Венера энг эозланган худолар ҳисобланган.

**Зардуштийлик.** Урта Осиёда қадим замонлардан бошлаб тағри номи билан якка худолик таълимоти бўлган. Булардан бири зардуштийлик дини бўлиб, унга Зардушт асос солган. Зардушт эрамыздан аввалги 660 йилда Хоразмдаги қишлоқлардан бирида туя боқар оиласида туғилганди. Отаси чорвадорлар ичида донишманд одам бўлган. Онаси диндор бўлган. Зардушт 20 ёшида диний оқимга босқичлик қилади. Якка худоликни тарғиб қилган. 28 ёшида донишманд сифатида элга машхур бўлади.

Ҳоким Зардуштни ушлаб қата қилшга ҳукм чиқаради. У 300 одами билан Афғонистонга қочади. Кунлардан бир кун Зардушт ғоявий йўлини асослаб, пайғамбар либасида 30 киши билан ҳоким олдига киради. Шоҳ саройида нутқ сўзлайди. Шоҳ ундан нима кароматинг бор деб сўрайди. Зардушт бир жомни олиб айлантиради. Натижада жомдан олов чиқади. Жом шундай ишланган эдики, у жонидан нур олиб оловга айланган. Бундан ҳаяжонланган шоҳ ибодатхоналар қуришга фармон беради. Шундан бошлаб у шоҳ саройида яшаб авестони ёзиб колдириб кетган. Балх шаҳридаги оташкабани очилиши маросимида эрамыздан аввалги 583 йилда кун худоликни тарафдорлари бўлиш душманлари томонидан ўлдирилади. Уни 3

ўғил ва 3 қизи бўлган. Кейинчалик Эрон, Турон, Кавказ халқлари зардуштийликни қабул қилган. Ҳозирги шам ёқиш, исириқ - солиш, келин туширишда гулхан ёқиш, гулхандан сакратишлар зардуштийлар динидан сақланиб қолгандир.

Араб, хинд, турк ёзувчилари асарларида зардушт биринчи олим, пайғамбар, шоир, донишманд ва нотик деб аталади. Авесто китобида байтлар 2000 дан ортиқ. У қўшиқ ва шеър билан ваз айтган.

«Авесто» зардуштийлик динининг муқаддас китоби эраиздан аввалги X аср бошларида ilk авеста ривоялари ёзилган IX—VIII асрларда такомиллашган. Олдин парчалар нақл этилган. Таълимот яратилгандан кейин Зардушт 30 уломоси билан 3 йил давомида Авестони китоб қилиб чиқарган. Китоб 12 минг хукуз тёрисидан тайёрланган қоғозларга ёзилган. Ундан турли хил нусхалар кўчирилиб бошқа юртларга тарқатилган.

#### **Авесто китоби 5 бўлимдан иборат:**

1. **Ясит** — якка худо Ахура Маздага бағишланган. (Китоблар) ривоялар ва шеърлардан иборат.
2. **Ясна** — ибодат ибодат пайтида айтиладиган гимнлар. У 72 бобдан иборат.
3. **Вендидот** — бутун борлиқни яратувчи Ахура Мазда тўғрисида. Унда якка ягона, ҳамма нарсада руҳи бор дейилади.
4. **Биспарт** — қонунлар мажмуаси жойлашган. Моварауннахр тарихи, географияси ёритилган.
5. **Хор Авесто** — кичик Авесто.

Ҳозирги кунда ҳам бу китоб мавжуд. Бундан ташқари мерос — мулоқот ҳам борки, у исломда ҳам ўз аксини топган.

- Авестода деҳқончилик, савдо, боғдорчилик, чорвачиликка катта эътибор қаратилган, алоҳида таърифланган Зардушт деган сўзнинг

луғавий маъноси сариқ нургуя дегани.

- Авестода тинч — тотув яшаш, иноқ яшашда дават қилинган.
- Вендидат қисмида ҳунар, илим ўрганишга алоҳида эътибор берилган, кийим — кечагини ўзи тиксин дейилган.
- Авестода тозалikka катта эътибор берилган. Ҳаммом кўриш, уйга арваз қилиш, ювинадиган хона қилиш тавсия қилинган.
- Айниқса ариқ ва ховузлар тозалашга асосий эътибор қаратилган. Ювилмаган кўзада сув олса 5 дарра урилган. Кўчага соя берадиган дархт экиш, меваларини оёқости қилинишига йўл қўйилмаган.
- Қариндош — уруғ қуда бўлиш тақиқланган.
- Қабристонларни четга, боландликка қуриш белгиланган.
- Қабристонларга мева бермайдиган арча, чинор, ва зайтун дарахтлари экиш кўрсатилган. Мевали дарахтлар қабристондан камида 100 қадам нарида бўлиши керак дейилган.
- Никоҳдан ўтмай йигит билан бўлган қизларга 50 дарра урилган, йигитларга эса 50 дарра урилиб, белига темир тавқиланат камари боғлаб қўйилган.
- Мингдан ортиқ ўсимликлардан дори тайёрлаш ёзиб қолдирилган. Табиблар қасамёди ёзилган. Илон ва жом рамзи, симболи берилган.
- Таълим тарбия, ахлоқ одоб масаласи, оила бола, ота — она ахлоқи ва одоби юқори даражада берилган.
- Бировга ҳунарини ўргатмаган ҳунарманда каттиқ қораланган.  
Исломи динида ҳам, ҳадисларда ҳам

ёзишларича, ўз билимини ўргатмаган олимни, хунарини ўргатмаган хунармандни қиёматда оғзига олов солинади дейилган.

Авестода география, тарих ва математикага катта эътибор берилган.

Авестода оила қандай бўлиши, қизни кимга, ўғилни кимга уйлантириши кераклиги ёзилган. Бола туғилса мукофотланган, учта бола туғилса туя берилган. Китобда қадимги халқларнинг оғзаки ижодида инсон ҳаёти ранг—баранг тасвирланган. Кўп маълумотлар босқинчилик туфайли бизга етиб келмаган. Тўмарис, Широқ афсоналари, Афросиёб дostonлари ва хокозоларгина бизгача етиб келган холос.

Маҳмуд Қашғарийнинг «Девони луғати турк» асарида бир мунча ҳикоялар келтирилган. Унда ерда ҳаётни сақлаш билан бирга яхшиликни ёмонликдан ҳимоя қилишлик ўз ифодасини топган. Қаҳрамонлик дostonларида таниқ душманга қарши курашлар тасвирланган. Маъновий тасмон ахлоқ нормалари белгиланган. Ривоят: Қиз билан йигит бир—бирини севади. Йигитни хотини ва 2 та боласи бўлгани учун қиз унга тегиши лозим бўлмайди. Натижада қиз ўзини—ўзи ўлдиради. Афросиёб дostonида асосий воқеа ўз қабиласини ташқи душмандан мудофаа қилиш ҳикоя қилинади.

### **Ўша пайтда яратилган қўшиқ ва шеърлар асосан 5 га бўлинган:**

1. Севги—муҳаббат ҳақидаги қўшиқлар.
2. Илм—фан ҳақидаги қўшиқлар.
3. Халқ қаҳрамонлигини ифодаловчи қўшиқлар.
4. Ота—она ва кариндош уруғларни эвозловчи, ҳурмат қилишга бағишланган қўшиқлар.
5. Баҳор, куз, ёз, қишга бағишланган қўшиқлар.



### **3-мавзу: Миллий давлат динлари**

#### **Режа:**

1. Миллий динларнинг пайдо бўлиши ва унинг тарихий шакллари.
2. Ҳиндистоннинг миллий динлари: хиндуизм, жайнизм, синкхизм.
3. Хитой миллий динлари: даосизм, конфуцийлик.
4. Япон ва исроил давлатининг миллий динлари: синтоизм, иудаизм ва сионизм.

#### **1. Миллий динларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг тарихий шакллари.**

Қулдорлик ва феодализм тузимига миллий этник жиҳатдан ташкил топган давлатлар вужудга келган.

Ҳар бир давлат ҳудудидаги асосий миллат дини миллий дин ёки миллий давлат дини ҳисобланади. Миллий диннинг урф-одат ва маросимлари айнан шу миллат учунгина таалуқлидир.

Миллий динлар узоқ эволюцион ўзгаришни бошидан кечирганлар.

Миллий динлар қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

1. Ахлоқий камолот тарбиясини амалга оширади.
2. Миллий ҳарактерни, миллий руҳиятни шакллантиради.
3. Миллий онгни ўстиради, миллий қадриятни ривожлантиради.
4. Миллий бойликларни кўпайиши учун ундан тежаб фойдаланиш, адолат, билан таҳсимланишни билвосита яхшилайдди.
5. Миллий ҳамжиҳатликни, миллий ўзликнинг тушунишни, гурурни шакллантиради.
6. Миллий озодлик курашларини ғоявий

жиҳатдан таъминлашга ҳизмат қилади.

7. Миллий маданиятни ривожлантиради.

Миллий динлар ибтидоий динларнинг қоршмаси асосида вужудга келган.

2. Ҳиндистоннинг миллий динлари:

Хиндуизм, Жайлизм, Сикхизм.

Хиндуизм эраизмнинг VI асрида вужудга келган. Ҳиндларнинг миллий дини. Хиндуизм кенг тарқалган бўлиб, унга 20 фоиздан кўпроқ хиндлар сифинишади.


Хиндуизм эраизмдан олдин пайдо бўлган брахманизм, ведизм, тотемизм, анимизм каби динлар эволюцияси натижасида шаклланган. Хиндуизм ўзининг ягона бошқарадиган ташкилотга эга эмас.

Хиндуизм инсоннинг туғилгандан то вафотигача бўлган ҳуқуқ ва вазифаларини белгилаб ва чеклаб қўяди. Унда маровичликка кенг ўрин берилган. У ижтимоий тегишчанликнинг оқлайди. Хиндуизм ўзининг ҳаммаслиги ва кўчиб айланиб юриши, қайта тирилиши, гуноҳ ишлари учун жавоб бериши, жаннат ва дўзах каби ақидаларни ўз ичига олади.

Хиндуизм политеистик дин бўлиб, унда кўп худолик элементлари сақланиб қолган. Диндорлар тасарруфида бош худо Брахма коинотнинг ижодкори ва Яратувчисидир. Бундан ташқари Ҳиндлар Вишну ва Шива деган худоларга ҳам эътиқод қилади. Унинг таълимоти олам емирилиб, янгиланиб туради.

Хиндуизм таълимоти жамиятнинг табақаларга бўлинишини акс эттиради. Бу диннинг қорма қонуниятларига асосан инсон ҳаётида 4 та асосий мақсад бор деб тушунилади:

1. Дхарма — оила ва жамиятнинг тартибдорлигини таъминлаш; ий талабларни бажариш;



2. **Ортха** — фойдали ишлар қилиш, зарурий моддий неъматларга эга бўлиш; »
3. **Камо** — муҳаббат туйғусига эришиш, бу ҳис — туйғуларни қадирлаш;
4. **Мақша** — ўзгариш занжиридан бутунлай озод бўлиш.

Вишнуизм ва Шиванзм оқимининг вакиллари ўз худоларига бағишлаб минглаб катта — кичик ибодатхоналар қурганлар. Улар муқаддас жойлар, дарёлар ва бошқа ҳар хил муқаддас нарсаларга сиғинадилар. Турли хайвонлар, ҳукуз, сигир, маймун ва илон кабиларга ҳам сиғинадилар ва уларни муқаддаслаштирадилар. Масалан сигирни саҳийлик, бойлик манбаси, гўзал аёл тимсоли деб ҳисоблайди. Сигирни сўйиб гуштини ейиш тақиқланган.

Ҳинд халқлари учун Ганг дарёси муқаддас ҳисобланади.

Ҳиндуизм оила — никоҳ масалаларига асосий эътибор берган. Олий табақа — брахманлар (Кохинлар) олий задогонлар билан никоҳдан ўтиши мумкин. Паст табақа кишилари шудралар юқори табақа билан никоҳга ўтиши мумкин эмас. Ўрта табақа — вайшийлар: савдогарлар, ҳунармандлар, деҳқонлардан иборат бўлиб, улар ўзаро никоҳда бўлиши мумкин дейилган.

Ҳиндуизмнинг муқаддас ёзувлари (эрамиздан аввалги 2 минг йиллик ўрталарида пайдо бўлган). Ведалар — билимлар демақдир.

#### **Ведалар:**

1. Гимн ва дуолар;
2. Маросимларда ижро этиладиган мадҳия қўшиқлари;
3. Қурбонликка оид қоидалар.;
4. Ёвуз кучларга қарши бўлган дуо ва афсунлар.

Упанишадалари — «Сирли таълимотлар» эрамиздан аввалги 1 минг йилликларда пайдо

бўлган ахлоқий рисоалар: «Махобхората» ва «Рамаяна» дostonлари, турли ҳикматли ҳадислар киради.

Хиндуизм зўрлик ишлатиш, қон тўкиш, азоб бериш кабиларни тақиқлайди. XIX асрда бошланган миллий озодлик ҳаракати мафкурасида хиндуизм актив роль ўйнади.

Хиндуизм Хиндистондан бошқа Бангладеш, Неопал, Ширин-Ланка каби мамлакатларга тарқалган. Хиндуизм табиатни севиш, ватанпарвар бўлишга, авлодлар хотирасини ёзозлашга ўргатади.

Хиндуизм ибодатхоналари юксак эстетик дид билан хашаматли қурилган. Улар қуёш худоси, муסיқа маъбудаси, гўзаллик, саҳийлик, рақс, маъбудалари, афсонавий фаришталар тасвири ва хайкалчаларни қўйилган.

**Жайинизм** — у эрампздан олдин VI асрда вужудга келган. Унинг асосчиси ярим афсонавий пайғамбар Жина номи билан боғлиқ. Бу динга сиғинувчилар 24 та пайғамбарларни улуғлашади, лекин шулардан энг сўнгги — жийини оғини асосчиси Махавира Вардхамана ҳисобланади. Яъни у Жина (ғолиб) деган маънони англатади. Жина ўзининг шогирдлари ҳақида диний китобларни жуда кенг тарқатган. Буларга кўра Жина 5 та ҳақиқатни тарғиб қилган: ўлдирма, алдама, ўғирлама, бу дунё ишларига чексиз боғланиб қолма, ақлли бўл. Бу динда ҳам руҳнинг кўчиб юриши карма (савоб ва жазо) қонунини пайғамбарларнинг вақти — вақти билан пайдо бўлиб туриши тан олинади. Лекин, бу динда касталар бўлиниш якка ҳолда қийинчиликлардан озод бўлиши, ведаларнинг мукаддаслиги каби брахман одатлари инкор этилади.

**Синкхизм** — (синкхизм — ўқувчи демақдир) XV асрнинг бошларида шимолӣ — ғарбий Хиндистонда хиндуизмга қарши йўналиш сифатида пайдо бўлди.

Шундай бўлса — да, улар ўзаро алоқа боғлаб савдогарларнинг феодал зулм ва жамиятнинг қаршилигини ўзида акс эттиради.

Синкхизм манотеистик дин бўлиб, жамоа бўлиб биргаликда ибодат қилишни инкор эдади, руҳонийликни тан олмайди. Моддий оламдаги барча (нарсалар) ҳодисалар синкхизм таълимотига кўра ягона худо — олий кучнинг ижоди, инсонлар эса худо олдида тенг деб қаралади. Бу дин таълимоти «Грант Сохиб» (Жаноб котиб) номли китобда изоҳланган. Синкхизм таълимотига эътиқод қиладиганлар, сиғинувчилар ҳозирги кунда ҳам топилади.

**Конфуцийлик** — бу қадимги Хитойда эраиздан олдинги VI—V асрларда пайдо бўлди. Кейинчалик диний мазмун касб этган бу таълимотга марифатпарвар Конфуций (Кун Цзи, 551—479 йиллар) асос солган.

Конфуцийлик таълимотида дунёқараш масалаларига эмас, балки социал — ахлоқий муаммоларга кўпроқ ўрин берилган. Унда «ахлоқли киши» бўлиш, донишмандлардан таълимот олиш ҳақидаги гоё илгари сурилган. «Жонь» қонунини яъни инсонпарварликка таянади. Инсонпарварлик, камтарлик, онглилик, босиқлик, меҳрибонлик, одиллик, саҳийликдан иборат. Инсон «жень» қонунини ўзгартиш учун жамиятда тутган ўрнига қараб «ли» нормаларини бажариши талаб этилади. Жамиятдаги ахлоқий нормалар, анъаналар урф — одатлар шунга мувофиқ белгиланади. Паст табақа халқнинг «ахлоқий улус» бошлиқларига иттиқ қилиши шу билан оқланган. Конфуцийликда кишиларни юқори ва қуйи табақаларга ажратишда уларнинг бойлиги ёки ижтимоий келиб чиқиши асосий рол ўйнамайди, балки унда юксак ахлоқий фазилатнинг хизмати катта дейилади. Конфуцийликда олий илоҳий куч осмон

ҳисобланиб. Хитой хукмрони эса худолар билан инсонлар ўртасидаги васитачи, «осмон ўғли», деб тақдир қилина бошланган. Хитой императори ҳагто худо даражасигача бориб етган.

Конфуцийликда аجدодларга ва руҳларга эивиниш муҳим ўрин эгаллайди. Шу билан қурбонлик қилиш, туғилиш, оила қуриш, кумини ва бошқа маросимларни тантанали бажарилади. Бу маросимлар давлат ҳокимлари, оила ёки уруғ бошлиқлари томонидан бошқарилади.

Конфуцийликнинг ҳамма классик қонунлари 13 китобда, шарҳи эса 40 томда баён этилган. Уларнинг энг аҳамиятли қисми 9 та китобдан иборат. Булар: «Сншу» (4 китоб) ва «Уцзин» (5 китоб). Бу қонунлар ҳам «муқаддас», ҳам диниймандумлик манбаи ҳисобланади. Конфуцийлик тарафдорлари диний китоблардаги таълимотга катъий риоя қиладилар ва бу таълимот мавжуд гувушнинг энг умаслигини тариб қилганини ачина Хитой феодализмнинг асосини илсолоғияси бўлиб қолди.

**Даосизм** — эраиздан олдинги IV—III асрларда Хитойда пайдо бўлган фалсафий таълимот. Даосизм таълимотинининг туў бояси моддий оламдаги предмет ва ҳодисалар турли — туманлигининг моҳиятини таъминловчи, уларнинг мавжудлиги сабаби ва манбаини ташкил этувчи «дао» гурисидаги тасаввурдан иборат. Эраизнинг II асрига келиб бу таълимот асосида диний қарашлар ҳам шаклланди ва даосизм номини олди. Бу дин қадимги дунё фаласуфи Лао Цзи номи билан боғлиқ. «Дао дэ цзин» китобидаги таълимотга асосланади.

Даосизм оламни бошқарувчи уч худодикдан иборат Шан Ди, Лао Цзи, Пан Гу пайдо бўлди.

Даосизм дастлаб мулкдорлар ҳокимиятига қарши бўлиб, камбағаллар манфаатини ифодалади.

Көпчилик эса у ҳукмрон синфнинг ғоявий қуролига айланди. Манжурлар сулоласи Цин ҳукмронлиги даврида (1644—1911) даосизм диний таълимоти инқирозга учради. Ҳозирги вақтда даосизм динига эътиқод қилувчилар жуда камчиликни ташкил этади.

**Ў · Синтоизм** — (японча — худолар йўли) эрамизнинг IV—VI асрларида Японияда ибтидоий диний тасаввурлар уруғ—қабила худоларига сизиниш, табиатга сажда қилиш асосида пайдо бўлган. Бунда сеҳргарлик ҳатти—ҳаракатлари ўзига хос роль ўйнади. Синтоизмга кўра асосий худо ва айни ҳолда япон императорининг аجدоди Аматаэрасу (қуёш худоси) ҳисобланади.

**Иудаизм** — энг қадимги динлардан бири. У эрамиздан олдин II мининг йиллик ўрталарида пайдо бўлабошлаган. Эрамиздан олдин XIII—XII асрларда кўчманчи яхудий қабилалари Фаластинга кириб келишади ва хоноқолардан баъзи диний тасаввурларни қабул қилишади. Эрамиздан олдин XI—X асрларда дастлабки синфий жамият, давлат пайдо бўлади, у тезда иккига бўлиниб кетади. Исроил ва Иудея. Бунда кўплаб худолардан бири худо—Яхвега сизинишга ўтилади (иуда қабиласи). Эрамиздан олдин 621 йилда Иудея шоҳи Иосия томонидан амалга оширилган реформа натижасида монотеизмга асосланган таълимот расмий идеология сифатида тан олинади. Иерусалимда Яхве ибодатхонаси қурилади.

Эрамиздан олдин I минг йиллик охирида бу диннинг асосий диний китоби—Тора яратилади, бунга 5 инжил китоблари «Борлиқ», «Исход», «Левит», «Сонлар», «Второзаконие» кирган. Бу китоблар эрамиздан олдинги XIII асрдан эрамиздан олдинги V асрлар оралигида яратилган. Буларнинг асосини яхудий халқнинг, шунингдек ассирия—вавилон, Миср, Финикия халқларининг афсоналари

ташқил этади. Эрамиздан олдинги V—I асрларда бу китоблар бошқа муқаддас китоблар билан тўлдирилган—улар Тора билан биргаликда Библия (Ишжил)нинг I—қисми—Эски аҳдни ташқил қилади. Эски аҳдда—худонинг дунёни ва инсонни яратилганлиги, биринчи инсонлар—Адам ва Еванинг жаннатдаги ҳаёти, уларнинг гуноҳга ботишлари, жаннатдан қувилishi, уларнинг авлодлари ҳаёти ҳақида шунингдек, аср бошигача яҳудий халқининг босиб ўтган йўли ҳақида ҳикоя қилади. Бунда ахлоқий ва диний қоидалар, турли маросимлар ҳақида ахборот берилади.

Эрамиздан олдинги VII—VI асрларда ассирия ва вавилон босқинлари натижасида яҳудийларнинг Фаластиндан ташқарига чиқиши содир бўлади, бу ҳолат эрамиздан олдинги IV асрларда А.Македонский босқини, эрамизнинг I асрида Рим босқини билан кучаяди.

Янги шароитда (диаспорада) яратилган адабиётлар эрамизнинг V асрида Талмуд номи билан бирлаштирилади. Бу даврда синагоглар пайдо бўлади. Раввинлар уларнинг асосий шахсларига айланадилар.

Талмуд—ишонч, диний—юридик йўриқлар, ахлоқий нормалар, маросим ва одатларни тушунтирувчи китобга айланади.

Иудаизмнинг асосий ақидалари: ягона Яхве худосига ишониш Махдий (мессия—халоскор)нинг келишига ишониш, жоннинг ўлмаслиги ва нарги дунёнинг мавжудлигига ишониш яҳудий халқларининг худо севган миллат эканлигига ишонишдир.

Яхве Библияда инсонга ўхшаш мавжудод сифатида тасвирланади.



#### 4-мавзу: Жаҳон динлари. Буддизм.

##### Режа:

1. Буддизм тарихи ва таълимоти.
2. Буддизмнинг шимолий мамлакатларга тарқалиши.
3. Буддизмнинг Ўрта Осиёга тарқалиши.
4. Ўрта Осиёдан топилган аргументлар қазилмалар ва ёзма манбалар.

Диннинг тарихий шаклларида бир – монотеистик диндир. Моно – грекча 1 (бир) ва теос – худо, яъни яқка битта худога сифиниш демақдир. Турли мамлакатларда ҳар хил уруғлар, қабилалар, элатлар, миллатлар бирор – бир доирага яқка худога, пайғамбарларга сифинсалар, ўша дин монотеистик диндир.

Монотеистик динлардаги ягона худо тўғрисидаги тасаввурлар фалсафий жихатдан таҳлил этилса, жонли мушоҳададан абстракт тафаккурлашга ўтиши, айрим хусусиятдан, умумий хусусиятни яқлитлаштиришдан иборатдир. Шу фалсафий назарияга кўра, монотеистик динларнинг гносеологик асослари инсоннинг тафаккур, қобилиятининг юксалиши, энг умумий абстракт тушунчаларни яратиш имкониятини юзага келиши билан борлиқдир. Монотеистик диннинг ягона умумий худоси инсон фикрлаш қобилиятининг ўсиши натижасида юзага келган абстракт умумий тушунчасининг илоҳийлаштирган шаклидир. Чунки, ягона худо тушунчаси инсоннинг улуғлик, яратувчилик, холоскорлик сингари фазилатларини абстракция йўли билан инсоннинг ўзидан ажратиш ва самовий мавҳум илоҳий қудрати рамзий образни яратишдан бонқа нарса эмас.

Шу йўл билан табиат кучларини жонлаштириш натижасида дастлабки худолар пайдо бўлди.

Дин тарихида муҳим давр жаҳон динлари: Буддизм, Христианлик ва исломнинг пайдо бўлишидир. Бу динлар миллий динлардан фарқлироқ миллатлараро хусусиятга эга. Бу динлар тарихда жиддий тарихий – ижтимоий ўзгаришлар қила олган динлар эди. Шундай қилиб жаҳон динларининг келиб чиқиши турли халқлар ҳаётида юз берган жиддий тарихий ўзгаришларга боғлиқ эди. Буддизм – эраמידан аввалги VI асрда шимолий Ҳиндистонда ташкил топган қулдорлик давлатининг ғоявий мафкураси сифатида пайдо бўлган. Христианлик – эса эрамининг биринчи асри ўрталарида Рим империясининг инқирозини олдини олиш, бу омонат империя ҳудудидаги қулларни бирлаштириш воситаси сифатида пайдо бўлди. Империяни сақлаб қолиш воситаси сифатида IV аср ўрталарида христианликни Император «Константин» давлат дин деб эълон қилди. Ислом дин тарқоқ араб қабилаларини бирлаштириб, марказлашган араб давлатини барпо қилиш мафкуравий қуроли сифатида вужудга келди.

**Жаҳон динларини вужудга келиши икки хил йўналишда борди:**

1. Давлатларни олиб борган босқинчилик урушлари орқали, босиб олинган халқларга мажбуран ўз динини қабул қилдириш орқали жаҳонга тарқалган;
2. Жаҳон динининг айрим халқлар миссионерлари ташвиқоти, шу диннинг ўша халқларга маъқул бўлганлиги оқибатида ихтиёрий равишда қабул қилганлиги учун жаҳон динлари шакланган. (Россия 988 йил христианликни қабул қилган). Бошқирлар исломни (ҳозир японлар) қабул қилган.

Жаҳон динлари халқларни бир – бирига яқинлаштирди, савдо ишларини кучайтирди.

**Буддавийлик.** Энг қадимги динлардан бири

бўлиб, эрамиздан аввалги VI асрда Шимолий Ҳиндистонда ривожланган қуддорлик жамияти юзага келиб, йирик давлатлар ташкил топаётган шароитда вужудга келди. Буддавийликка ҳозирги даврда 700 миллион киши эътиқод қилади ва дунёнинг 86 мамлакатига тарқалган. Ҳитой, Манголия, Япония, Шири—Ланка, Неопал, Бирма, Тайланд, Вьетнам, Индонезия мамлакатларида кенг тарқалган.

Ривоятларга кўра Будда чексиз қайта туғилиш натижасида турли қиёфада—подачи, раққоса, қурувчи, шоҳ шаклида намоён бўлган. Ана шундай ривоятларда Будда—Гаутама номи кенг тарқалган.

Гаутама—хинд қабиласи хукмронларидан бирининг ўғли бўлган ва зурриёдсиз малика Майд ғойибдан хомиладор бўлиб, уни 45 ёшида туққан. Гаутама туғилишида мўжиза рўй берган, табиий ходисалар, ер қимирлаши, чақмоқ, мамоқолдироқ бўлиб, чақалоқ туғилиши билан етти қадам юриб, гапира бошлаган. Гаутаманинг отаси Мони ўғлини дин йўлига бағишлашга рози бўлмай, унга яхши маълумот берган, яхши шароитларда табиялаган. Ҳеч қандай қийинчилик кўрмасдан ўсган. Узининг донолиги, кучлилиги ва эпчилиги билан ҳаммани хайратга солган. У бир кўр касал ётган кишини, ўликни кўргандан сўнг ҳаётининг моҳиёти, мақсади ва оғирликларини англаб, бу дунёни тарк этган ва дарвиш йўлига кирган. Гўёки шу билан инсонларни бошига тушган кулфатлар, азоб—уқубатлар моҳиятини тушунишга ва улардан қутилиш йўлини топмоқчи бўлган. Унга етти йил зоҳидлик қилгандан кейин, ниҳоят 35 ёшида унга ҳақиқат аён бўлгани, илоҳий билимларини топгани ва у буддага айланиб қолган эмиш. У яна 40 йил ўз таълимотини тарғиб қилган эмиш.

Буддизмнинг моҳиятини тўрт «муқаддас ҳақиқат» ҳақидаги таълимоти ташкил этади.

**Биринчи ҳақиқат** — Азоб — уқубат мавжуддир». Ҳар бир тирик жон уни бошидан кечиради. Ҳар қандай ҳаёт қийноқ, азоб — уқубатдир. Туғилиш — қийноқ, касаллик — қийноқ, ўлим — қийноқ. Буддавийлик таълимотига кўра ҳар қандай нарса Дхарма (элемент)лардан тузилган бўлиб, ҳаракатли ва ҳаракатсиздир. Ҳаракатдаги драхмаларнинг 5 та формаси: тана, сезги, хис — туйғу, ҳаракат, англаш мавжуддир.

**Иккинчи ҳақиқат** — иқноқларнинг сабаблари мавжуддир». Инсон моддий ва маънавий қадриятлардан фойдаланиб яшашга ҳаракат қилади. Келажак учун карма ҳозирлайди. Демак, қайта туғилиш, янгитдан қийноқларга дучор бўлиш давом этади.

**Учинчи ҳақиқат** — «Қийноқларни тугатиш мумкин». Яхши ва ёмон ниятлар, интилишлар нирвона ҳолатига тўғри келади. Бу ҳолда инсон қайта тўғилишдан гўхтайд.

**Тўртинчи ҳақиқат** — «Қийноқлардан қутилиш йўли мавжуддир». Бу йўл — қуйида баён этилган уч нарсага амал қилиш демакдир.

Буддавийлик таълимоти асосан уч амалий қисмдан иборат. медитация, ахлоқ, донолик.

### 1. Медитация:

1. Тўғри тушуниш;
2. Тўғри ният қилиш;
3. Тўғри ўзини туттиш;
4. Тўғри англаш;
5. Тўғри ҳаракат қилиш;
6. Тўғри муомиллада бўлиш;
7. Тўғри фикр юритиш;
8. Тўғри ганириш;

**2. Ахлоқ нормалари** — будда «Панча Шила» насиҳати:

1. Қотилликдан сақланиш;
2. Ўғирликдан сақланиш;

3. Гумроҳликдан сақланиш;
4. Ёмон, қалбаки нарсалардан сақланиш;
5. Маст қилувчи нарсалардан сақланиш;
6. Тушдан кейин овқатланишдан сақланиш;
7. Ҳўш — кулгудан сақланиш;
8. Зебу — зийнат, атир — упалардан сақланиш;

**3. Донишмандлик** — бу буддавийликнинг асосий мақсади бўлиб, нарсалар табиатини тўғри тушиниш.

Буддизмдаги ахлоқ қоидалари бегоналар мулкига кўз олайтирмаслик, фикр — амалда софликни, ҳайр — эҳсонда соҳийликни, тирик мавжудодларни ўлдирмасликни тарғиб қилади.

**Буддавийлик қуддрорлик жамиятида** брахманизм мазҳабларидан бири сифатида пайдо бўлди ва у жонни кўчиб юриши, дўзаҳ, жаннат каби ақидаларни ўзида сақлаб қолди. Буддавийлик диний таълимотнинг асосий манбаи — Трипитака — (уч сават) деб ном олган, диний ёзувларда акс этган. Уч сават таълимот қолдирган.

Биринчи сават — «Виноя — Питака» будда роҳиблик жамоасини ташкил этиш тартиб — қоидалари, панд — насихатлар, ахлоқ нормалари баёнидир.

Иккинчи сават — «Сутта — Питака» унда дуолар, дostonлар афсоналар баён этилган.

Учинчи сават — Абхидхарма — Питака» диний — фалсафий ғоялар баёнидан иборатдир.

Буддавийлик ҳамма нарсанинг асосида билиб бўлмайдиган «руҳ» ётади. Дунё реал мавжуд эмас, у кишиларнинг ҳаётида билиб бўлмайдиган руҳан намоён бўлишида деб таълим беради.

Буддизмда бир неча мазҳаблар пайдо бўлган. Булардан энг йириги I асрда ажралган «Хинояна» (кичик арава — тор йўл маъносидан) бу Шри — Ланка, Бирма мамлакатларида кенг тарқалган. «Махаяна» (кенг йўл, катта арава) Япония,

Муғилистон, Тибет, Узоқ Шарқ, Олтой ўлкаларида кенг тарқалган. Тибет, Муғилистонда «Ламаизм» деган ном билан юритилади. Бу маҳзаб маҳаллий халқлар ўртасида қадимдан вужудга келган бўлиб, диний тасаввур ва урф-одатларни ўзлаштирган. Будданинг яна қайтиб келиши ва ер юзида адолатли жамият ўрнатилиш тўғрисидаги башоратига кенг ўрин берилган.

Ламанизм (лама — олий, самовий) VII — XIV асрларда Махаяна йўналишининг бир оқими сифатида Тибетда пайдо бўлган ва хукмрон динларни бири бўлиб келган. Ламаизм таълимотида 7 та асосий ақида бор:

**Биринчи ақида** — бурхонлар тўғрисидаги таълимот, улар худолар, уларнинг сураглари, бурхонлар атамаси билан аталган;

**Иккинчи ақида** — муқаддас китоблар яъни 2 та тўплам бўлиб, биринчиси Ганжур (тибетга ваҳийлар) 108 жилда ва иккинчиси Данжур (шархлар) 285 жилда.

**Учинчи ақида** — энг майда, ғайритабiiй ўлмас зарралар бўлиб, дхармаларни бириктиридан иборат жон тўғрисидаги таълимот. Дхармалар таналарни вужудга келтиради. Тана ўлади, аммо жон ўлмайди.

**Тўртинчи ақида** — дунёни манзараси тўғрисида, нариги дунё тўғрисидаги таълимот.

**Бешинчи ақида** — диндорлар ва бурхонлар ўртасидаги зарур воситачи сифатида ламалар тўғрисида таълимот.

**Олтинчи ақида** — муқаддас уруш тўғрисида бўлиб, бу уруш оқибатида буддист бўлмаган кишиларнинг ҳаммаси йўқ қилиниши керак.

**Еттинчи ақида** — озоб чекиш тўғрисидаги ақида. Ердаги ҳаёт озоб чекишдир. Унинг сабабларини эса асло йўқ қилиб бўлмайди, деб таърифлайдилар.

Буддавiiйлик таълимотида олам уч босқичли

дого таърифланади:

**Биринчи олам** — юқори олам бўлиб, унда мутлақо осойишталик ҳукмрон. Унда фақат соф руҳ мавжуд дейилади.

**Иккинчи олам** — руҳий мавжудодлар билан тула жаннат бўлиб, уни «бадистова» дейилади. Бу оламнинг ҳоҳиши Амитабадир. Амитаба оламда руҳ гуноҳдан халос бўлган, лекин осойишталик оламига кўтарилмаган авлиёлар яшайдилар.

**Учинчи олам** — энг куйи олам бўлиб, унда одамлар ва ҳайвонлар яшайди. Бу оламда руҳ қиёфасида материянинг чанғалида яшайди. У доимо юқори оламга кўтарилиши учун ҳаракат қилади. Руҳнинг юқори оламга кўтарилиши одамлар қиладиган савоб ишларга боғлиқ.

Буддавийликни ёйилишида миссионерларнинг роли катта бўлган. Пилнинг об — ҳавоси яхши бўлган 9 ой давомида қишлоқма қишлоқ юриб, улар аҳолисини буддавийликка дават қилган Эрамиздан аввалги 273—232 йилларда ҳукмронлик қилган император Ашоқа даври буддавийликни кенг ҳудудга ёйилишига имконият яратди. Ўзи ҳам буддавийликка эътиқод қилди ва кўп минг кишилик миссионерлик ҳаракатига ҳайрихоқлик қилди.

Буддавийлик эрамизнинг I асрида Хитойгача, IV асрда Корёяга, VI асрда Японияга, VII асрда Тибетга, XIII—XVI асрларда Манголияга, XVII—XVIII асрларда Бурятия ва Тувага, XIX—XX асрларда Америка ва Европа қитъаларига тарқалган.

Марказий Осиё ва Шарқий Туркистонда буддавийликнинг ёйилиши Кушонлар салтанати равнақ топган даврлар (эрамиздан аввалги II—I асрлар) билан боғлиқ. У ҳозирги Марказий Осиё, Афғонистон, Покистон, Шимолий Хиндистон ҳудудларини ўз ичига олади. Хиндистондан Марказий Осиёга ва бу ердан «Буюк ипак йўли»

орқали Узоқ Шарқ ва бошқа ўлкаларга ёйилган. Хитой манбаларининг хабар беришича буддавийлик Хитой ҳудудига кириб боришида Самарқанд, Бухоро, Шошдан борган 30 га яқин давлатчи олимларнинг роли катта бўлган. Марказий Осиё халқлари буддавийликни қабул қилиб, ибодатхоналар қурган. Тохирийлар даврида давлатнинг пойтахти Балх шаҳрида будда динига оид 100 га яқин ибодатхоналар бўлиб, уларнинг 3000 дан ортиқ руҳонийлари бўлган. Бундаги ташқари будда динига оид ибодатхоналар Фарғонада, Самарқандда, Поп тумани Чодак қишлоғида, Қирғизистон ва Туркменистон ўлкаларидан топишган.

Ҳозирги пайтда XVII асрда қурилган Бирмадаги ибодатхонада 6 метрли «Олтин будда» хайкали бўлиб, бутун дунё буддистлари шу ибодатхонага борадилар.

Жаҳон динларининг узига хос хусусияти уларнинг тарғиботчилик характерида бўлиши, улар фақат бир қабила ёки халққагина мансуб бўлмай, балки бошқа халқларга ҳам хизмат қила олади. Шунинг учун жаҳон динларининг бошқа халқларга мос келмайдиган айрим томонлари маълум даражада ўзгартирилган.

Бу хусусият уларнинг кенг ёйилишига олиб келган сабаблардан биридир. Масалан: буддизм узоқ давом этган кураш натижасида уруғ – қабила дини – брахман дини устидан волиб чиқди.

Жаҳон динларининг бир – бирига ўхшаш ва умумий томонлари бор. Умумийлиги шундаки, барча динлар ягона худони ер ва бошқа сайёраларнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг табиат ва жамиятнинг «яратувчиси», «ижодкори» деб билади. Шунингдек, барча динлар ягона худо ва пайғамбарларнинг тарғиб қилиш билан бирга, жоннинг ўлмаслиги жаннат ва дўзах тўғрисидаги



афсоналарни ёйиш орқали меҳнаткаш халқнинг динга бўлган эътиқодини мустаҳкамлашга уринади.

## 5-мавзу: Христианлик дини.

### Режа:

1. Христианлик дининг падо бўлиши ва жаҳон динига айланиши.
2. Христианлик таълимоти, ақидалари, маросим ва байрамлари.
3. «Библия» – христианликнинг муқаддас китоби.
4. Исо ҳақидаги ривоятлар.
5. Христианликнинг бўлиниб кетиши. Католизм, православис ва протестанцизм.

Христианлик дини ҳозирги даврда энг кўп тарқалган дин бўлиб, унга сиринувчилар сони 2 миллиард кишига яқиндир. У дунёнинг 254 мамлакатига тарқалган. Христианлик асосан Европа, шимолий ва жанубий Америка, шимолий Африка, Кавказ ва Сибир, австралия, Янги Зеландия ва жанубий Африкага тарқалган.

Христианлик эрамининг биринчи асрида Ўрта денгиз бўйларида ҳукмронлик қилган Рим империясининг шарқий вилоятларида юзага келган. Бу ўз умрини яшаб бўлган, иқтисодий инқирозга учраган қулдорлик тизимининг емирилиши даврига тўғри келади.

Кризисдан қутилиш учун қулдорлар эксплуатацияни кучайтирдилар. Натижада қулларнинг оммавий галаёнлари бошланади. Лекин, хади Рим империяси кучли эди. Галаёнларни ўта шавқатсизлик билан бостирадилар. Натижада омма кураш орқали шаронтини яхшилаш орзу – умидини йўқотди. Бундай вазиятда қуллар «мўжиза», «самовий кучлар», «Илоҳий халоскорлар»га кўз тикишдан бошқа иложи қолмади. Хомҳаёлларга берилиб, тасалли топиш эҳтиёжи вужудга келди.

Бироқ ўша даврдаги бирорта дин ҳам қулларнинг кўп миллатли синфига бундай тасалли бераолмас эди. Бу ҳол мазлумларни ўз ижтимоий махрумликларини ўрнини тўлдиришнинг янги диний шаклларини излашга олиб келди. Изланишнинг натижаси христианлик бўлди.

Халқ оммаси заифлигининг оқибати бўлган христианлик бу заифликни муқаддаслаштирди. У жамиятни ижтимоий адалот асосида қайта куриш учун бўлган иродасини бўғди. Христианликнинг ҳам бошқа динлар сингари ижтимоий прогрессга бўлган салбий муносабати ана шундан келиб чиққан.

Кризис қулдорларга ҳам қаттиқ таъсир қилди. Эртанги кунга бўлган ишончни йўқотди. Улар қулдорликни тугаши жаҳон ҳалокати деб атай бошладилар. Қулдорлик идеологлари ҳалокатдан қутилиш инсон қўлидан келмайди деган фикрни илгари сура бошладилар.

Янги шаклланиб келаётган Христианлик ўша даврда Римнинг Миср, Бобил каби вилоятларида кенг тарқалган динларнинг кўпгина элементларини узига қабул қилди. Айниқса иудаизмдан кўп идеаларни, яъни иудейлар диний китобларининг «Қадимий аҳд» деб аталган тўплами христианларнинг «муқаддас ёзувлари» таркибига кирди. Библиянинг биринчи қисми иудаизмни асослаб берган бўлса, иккинчи қисми (янги аҳд) христианликни асослаб берган.

Рим империясининг мазлум оммаси ўз умидларини «самовий халоскор» порлоқ истиқбол билан боғлаб, бу халоскор қиёфасини иудий халоскори Филон, Логостдан изладилар. Бу қиёфалар Иисус Христос (мусулмон илоҳиётида — Исоин Масох ёки қисқача Исо) деб аталган пайғамбар образини шакллантиришга асос бўлган.

Дастлабки христиан жамоалари қуллар ва

эркин деҳқонлардан ташкил топган. Уларга пайғамбарлар деб аталган шахслар раҳбарлик қилган. Қулдорлик тузими емирилиб борган сари бу жамоаларда бадавлат Рим қулдорлари ҳам пайдо бўла бошладилар. Руҳонийликни касб қилиб олган Клирлар (епископ, руҳоний ва диаконалар)дан ташкил топган. Улар Диндорлар билан биргаликда ~~христиан~~ черкови жамоасини ташкил этадилар.

Жамоалар ижтимоий составини ўзгариши христиан дунёсида ўзгаришларга олиб келди. Христиан тарғиботида ёвузлик билан мураса қилишга, дават кучайиб борган, тавба — тазарру ва сабр тоқат қилиш идеялари белигиловчи тусга кирган. Христианлик космополитик дин бўлгани учун фақат римдагина эмас, ва ташқарида ташкил топган давлатлар учун ҳам мақбул бўлган. Ҳар хил тузумларга мослашиб яшовчанлиги христианликни кейинчалик жаҳон динига айланишига олиб келди. У мазлумларни офир аҳволга кўникишга, «тақдирга тан беришга» чақирди. Шу билан адолатсизликни тугатиш учун курашдан чалғитади. Шунинг учун уни хукмрон синфлар қўлаб — қуватлаб турдилар.

2. Христиан диний таълимоти ни воқеликни бузиб, сирли (хурофий, илоҳий) қилиб тасвирловчи асосий қондалари (ақида) бир неча асрлар давомида таркиб топган. Христианликнинг иймон қалмасига кўра диндорлар уч юзли одам қиёфасида — ота худо, ўғил худо ва муқаддас руҳ — худо (муқаддас учлик) бўлиб гавдаланади. Ягона худога ишонадилар. Ота худо — кўриниб турган оламни ва одамни яратган деб ҳисоблайдилар. Исо эса ўғил худо бўлиб ҳисобланади (инжилдаги таржимаи холидан) Муқаддас руҳ — худо провасловиеда ота худодан, Католизмда ўғил худодан келиб чиққанлиги тан олинади.

Христианлик учун энг муҳим қонда худонинг гавдаланишидир. Бунга биноан эса Исо худолигича

қолган холда гўё Мария исми қиздан (Мария онадан) туғилган одам ҳам бўлиб қолган эмиш. Бу ақида Исога муносиб деб ҳисобланадиган барча инжил панд — насихатларига «илоҳий ҳақиқатларга» хос ҳурматни ёпиштиришга, христианликнинг ўзи эса «худо ато этган дин» деб тақдим қилишга қаратилган.

**Гуноҳни ювиш ақидасига** катта ўрин берилган. Бунга биноан Исо бутга михланиб тортган азоблари ва ўлими билан ўзини одамларнинг гуноҳлари касрига ота худога қурбон қилган ва шу тариқа бу гуноҳларини ювган. Бу билан у гўё одамларга «гуноҳ ҳукмронлигидан» халос бўлиш йўлини очиб берган эмиш.

**Исонинг қайта тирилиши ақидаси.** Христиан диний таълимотида асосий ўринни эгаллайди. Бу тирилиш келгусида одамларни ҳаммаси тирилишининг (исломда қиёмат — қойим) тарови деб эълон қилинади.

**Осмонга чиқиб тушиш** (исломда мерож) ақидаси христианларни Исо тирилгандан сўнг ўз гонаси билан осмонга ота худо ҳузурига чиққанлигига ишониш мажбуриятини юклайди. Бу билан ердаги ҳаёт охирадда кутадиган мангуликка нисбатан ҳеч нарсага арзимади, деб уқтиради. Қолган ақидалари ҳам худди шундай фантастик ҳарактерга эга.

**Иймон калимаси** «Ягона муқаддас, сабор ва аностол черковига» ишонишни, чўқинтириш зарурлигини тан олиши, қиёматда ўликларни тирилтиришни, шундан сўнг савоб эгаларига мангу раҳат, гуноҳкорларга азоб — уқубат кечирishi даври келишига ишонишни буюради.

Диний таълимотни таркиб топиши билан христиан ибодат маросимлари ҳам шаклланди. Христиан маросимларидан бири таинстволар деб аталади.

Булар қаторига қуйидагилар киради: **Чўқинтириш** (сувга шунғуб олиш ёки сув қуйиш воситаси). **Миропомозония** — (чўқинтирилган кимсага хушбўй смола — мироба сурилиб, «муқаддас руҳнинг хузур — халоватини» ўтказиш), **евхаристия** ёки **причашчение** (нон ва винони Исонинг танаси ва қони деб тасаввур этган ҳолда истеъмол қилиш, **тавба қилиш**, (диндорнинг руҳи орқали худодан кечирим олиш мақсадида ўз гуноҳларини унга айтиб бериш), **никоҳ** (ибодатхонада никоҳ ўқитиш), **руҳонийликка фотиҳа бериш** (диокон, руҳоний ёки епископ унвонини бериш), **елосвящение** ёки **соборлаштириш** (беморга муқаддаслаштирилган зайтун мойи — елени) бўяб қуйиш.

Христианликнинг бош ибодати литургия бўлиб, у ҳар хил сеҳр — афсун қилиш, музика чалиш ва ашула айтиш, «муқаддас ёзув»ни ўқиш, бўй эгиб таъзим қилиш, шам ва чироқларни ёқиш, хуш хидди нарсаларни чекиш ва хоказо.

Худони, «муқаддас учлик»нинг ҳар бир юзини, мария онани улуғлаш билан бирга «авлиёларга сиғиниш — худо ёққан» шахсларни ва унинг кароматидан бахраман бўлган» кишиларни улуғлаш ҳам юзага келди. Христианларда бутга сиғиниш ҳам динда катта роль ўйнайди. У Исонинг қатл этилиши қуроли сифатида эмас, балки қайта тирилиш, халос бўлиш сифатида қабул қилинган. Христианлар учун муқаддас мурдалар — авлиёларнинг жасадларига сиғиш объекти ҳисобланади.

Христианларда диний байрамларга катта ўрин берилган. Посха — Исонинг «тирилиш байрами», троица, пятидесятница, рождество — инсоннинг туғулиш байрами ва башқалар.

Христианлик диний таълимоти ва ибодат маросимлари диндорлар онги ҳамда хулқ — атворида ташқи олам ҳақида нотўғри тасаввурларнинг

сақланиши ва мустақамланишига ёрдам беради; бу эса уларнинг маънавий ўсишига жиддий тўсиқлик қилади.

Христианликнинг ташкил топиши ва ривожланишида ички зиддиятлар мавжуд бўлиб, у келажакда бўлиниб кетишга олиб келди. Бу бўлиниш асосан V асрда юз берди Рим империясининг Шарқий қисмидаги Христиан жамоалари Исони ҳам худо, ҳам «худо — киши» деб тан олишдан бош тортадилар. Уни илоҳий табиат деб тан оладилар.

Яна йирик бўлиниш XI асрда содир бўлди; бунда Рим империясининг Ғарбий ва Шарқий (Византия) қисмларига бўлиниши сабабли бўлган эди (Католицизм ва Православ черковлари).

Ниҳоят XVI асрда туғилиб келаётган буржуазия манфаатини ифодаловчи протестантизм черкови ташкил топди. Биз Христиан динини асосий оқимларидан Православие, католицизм ва протестантизмни ёнқача кўздан кечирамиз:

Православие (чинълиқ) - христианликдаги уч асосий йўналишлардан бири. Рим империяси 325 йилда бўлиниб кетгандан кейин расмийлашди. У асосан Шарқий Европада ва Яқин шарқда кенг тарқалган. Православие дастлаб Византия империясининг давлат дини бўлгани учун тарихий тараққиёти хусусиятлари давлат таъсирида бўлган.

Православ таълимотининг асосини муқаддас битик (Библия) ва муқаддас ривоят ташкил этади.

Православ таълимотига кўра ҳар ишга қодир ажралмас учта худо бор («Илоҳий Проицо»). Бу худо биринчидан, одам яшаб турган шу дунёни яратган Ота — худодир. Иккинчидан, Биби марямдан мўъжиза билан туғилган Ўғил — худо бор. Учинчиси — ота — худодан бўлган муқаддас руҳдир.

Православ таълимотига кўра, худо — абадий, ҳаммага яхшилик қилувчи, ҳамма нарсадан

ҳабардор. ҳамма жонда хозир, ҳаммани бахтиёр қилувчи руҳдир.

Проваславда троица билан бир қаторда, илоҳий мавжудодлар, руҳлар, фаришталар, авлиёлар ва ёвузлик қилувчи руҳлар ва шайтонларга ишонишни ҳам илгари суради.

Проваславда христианларнинг 7 сирли маросими алоҳида ўрин эгаллайди. Булар — чуқинтириш, нон ва вино тортиш, руҳонийлик унвонини бериш, тавба — тазарру, миро суриш, никоҳ маросимларидир.

Юқоридаги таъкидланганидек, католицизм 1054 йилда христианликнинг бўлиниши оқибатида пайло бўлди.

4. Католицизм ҳам проваслав ҳам христиан диний таълимотининг асосий қоидаларини эътироф этадилар. Улар ўртасида фарқ ҳам бор.

Католиклар ҳам проваслав сингари «Илоҳий Троица»га яъни Ота — худо, Ўғил — худо, муқаддас руҳга эътиқод қиладилар. Бу масаладаги тафовут шундан иборатики, католиклар «муқаддас руҳ — худо» ҳам Ота — худодан ҳам Ўғил — худодан келиб чиққан деб ҳисоблайдилар, проваслав эса муқаддас руҳ — худони фақат Ота — худодан келиб чиққан деган таълимотни тан олади.

Католицизмнинг муқаддас китобини яъни Инжилни (фақат латин тилида битилган) ёки хаворийлар ривоятини, диний таълимоти манбалари ҳисоблайди. Шунингдек, католик черкови Инжилнинг руҳонийларгина шарҳлаши мумкин деб ҳисоблайди.

Муқаддас ривоятлар масаласига келганда эса, унга черков соборларининг қарздорлари, черков оталари деб атаман кишиларнинг ривоятлари, Рим папасининг қарорлари, қадимий ибодат тажрибалари киритилади.

1517 йилда Германияда бутун аҳоли черковни

реформа қилишни талаб қилиб чиққан ҳаракат бошланди. Бу ҳаракат тарихга «реформация» номи билан кирган.

Реформация ҳаракатининг йўлбошчиларидан бири Мартин Лютер Германияда католик черковини реформа қилишни талаб қилиб чиқди. У Виттенберг шаҳридаги черков эшигига ўзининг динга ишонувчиларга қарата ёзган хитобномасини 95 моддадан иборат тезисларини ёпиштириб қўйди. Бу хитобномада М.Лютер папанинг гуноҳларни кечиш ёрлиқлари — индулгенциялар сотишини қоралади. Германиядаги черковни Рим папаси қаромогидан озод этишни талаб этди. Лютернинг бу фикрлари бутун Германияда хайрихоҳлик билан кутиб олинди. 1525 йилда эса бу ҳаракат деҳқонларнинг феодал зулмига қарши урушига айланиб кетди.

Реформация фақат Германиядагина эмас, балки башқа давлатларга ҳам ёйилди. XVI асрнинг ўрталарига келиб Швейцария, Англия, Швеция, Дания, Норвегия давлатлари католизмдан чиқдилар. Улар католизмга «протест» (норозилик) билдиришди (протестантизм шу сўздан келиб чиққан). М.Лютер реформациянинг барча тарафдорларини протестантлар деб, янги черков эса протестант черкови деб атала бошланди.

## **6-мавзу: Ислом жаҳон динидир.**

### **Режа:**

1. Ислом динининг вужудга келиши ва жаҳон динига айланиши.
2. Ислом динининг Марказий Осиёга тарқалиши.

Ислом жаҳон динларидан бири бўлиб, ҳозирги кунда унга эътиқод қилувчилар 1 миллиард 300 минг кишини ташкил этади. Дунёнинг 172 мамлакатига тарқалган бўлиб, 28 малакатда давлат



дини ҳисобланади. Ислом икки йирик сунний ва шиа оқимларига бўлинган. Сунний оқимидан 17 та, Шиа оқимидан 11 та мазҳаблар ажралиб чиққан.

Ҳозирги пайтда исломнинг пайдо бўлиши тўғрисида Шарқ ва Ғарб исломшунос олимлари турли назарияларни олға сурмоқдалар.

### **1. Исломнинг вужудга келиши ва Ўрта Осиёга тарқалиши:**

Ислом динини бошқа динларга қарама — қарши қилиб, ҳақиқий дин фақат ислом динидир деб кўрсатиш барча ислом идеологларига хос хусусиятдир. Исломшунослардан Мюллер, Ренан ва бошқа ислом дининг келиб чиқиши фақат Муҳаммаднинг фаолиятига боғлаб талқин этадилар. Уларга агар Муҳаммад бўлмаса ислом дини ҳам пайдо бўлмас эди.

Иккинчи назария номоёндалари ислом дининг келиб чиқишига Муҳаммаднинг руҳий касалликка мубтало бўлгани сабаб бўлган деб кўрсатадилар. Уларнинг фикрича Муҳаммад руҳий касаллик туфайли жуда кўп марта алахсираган, талваса вақтида Муҳаммаднинг кўзига турли нарсалар кўрган. У ўзига келиб алахлаган вақтда кўринган нарсаларни фаришта жабройил билан гаплашдим деб ўйлаган. Ислом ақидалари шу асосда вужудга келган дейдилар.

2. Аслида ислом динининг келиб чиқиши сабаблари IV—VII асрларда Арабистонда мавжуд бўлган иқтисодий ва сиёсий муносабатлардан излаш зарур. Ислом дини араб феодалларининг қабилачилик тизимига қарши олиб борилган кураши идеологияси сифатида майдонга чиқди.

Арабистон, Шимолий Африка ва Осиёдаги йирик феодал мамлакатлар ўртасида жойлашганлиги учун шу мамлакатларни бир — бири билан боғловчи асосий карвон йўллари шу ердан ўтарди. Бунинг орқасида Араб қабилалари ўртасида

савдо — сотиқ ҳам тез ривожлана бошлади. Савдо билан шуғуланувчи қабилалар иқтисодий жиҳатдан устун эди. Улар деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғуланувчи қабилаларга ҳам ўз таъсирини ўтказа бошладилар.

Савдо муносабатларининг ривожланиши орқасида Макка шаҳри атрофидаги Қурайш қабиласи энг бой ва таъсири кучли қабилалардан бирига айланди. Қурайш қабиласи вақти — вақти билан Макка шаҳрида савдо бозорларини ташкил қилар ва шу билан бошқа араб қабилаларини савдо муносабатлари гирдобига тортар эди. Савдогар қабилалар кучманчи араб қабилаларидан катта зарар курар эди. Иккинчи томондан араб қабилалари ўртасида иқтисодий ва сиёсий муносабатлар бўлмай, улар ўртасида тинимсиз қонли урушлар бўлиб туради. Бу эса араб қабилалари территориясининг қўшни мамлакатлар томонидан босиб олинishiга имкон берар эди. Қурайш қабиласининг бошлиқлари савдо муносабатларини ривожлантириш, карвон йўлларини хавфсизлигини таъминлаш ва ўз даромадларини ошириш мақсадида араб қабилаларини бирлаштиришга интилдилар. Арабистон иқтисодий ва сиёсий тараққиёт даражаси жиҳатидан ниҳоятда паст ўринда тургани учун, бу ҳаракат мавжуд шароитларда фақат диний формадагина майдонга чиқиши мумкин эди.

3. Ўша даврларда Арабистонда политеистик (кўп худога ишониш) дин ҳукмронлик қилар эди. Диний ихтилофлар кўпинча сиёсий ихтилофларга олиб келар ва қабилалар ўртасида узоқ давом этган қонли урушларга сабаб бўлар эди. Арабистонда политеистик динлар Европадаги мамлакатларга нисбатан узоқроқ ҳукмронлик қилди. Қурайш қабиласининг ҳам бир неча худоси бўлиб уларнинг энг қадимийлари Угал, Аллоҳ, Манат ва Алуза эди.

Аллоҳ сўзи «Ал — иллоҳ» деган араб сўзидан

олинган бўлиб, яратувчи деган маънони англатади. Қурайш қабиласи шу худоларнинг санами турадиган махсус жой қуриб уни «Каъба» (уй) деб атайди.

Қурайш қабиласи бошлиқлари бошқа қабила бошлиқларининг худолари санамларини «Каъба»га келтириб Аллоҳнинг ёнига қўйиш учун кўндирадилар. Натижада «Каъба»га 360 дан ортиқ худоларнинг санамлари қўйилди. Шундай қилиб, Макка Арабистоннинг Савдо марказига эмас балки, диний марказига ҳам айлана борди. Араб қабилаларини ва умуман тарқоқ қабилаларни бирлаштириб йирик давлат барпо этиш мумкин бўлиб қолди.

Хабашистон, Эрон Византия сингари мамлакатларнинг араб қабилаларига қилиб турган халокатли хужумлари тарқоқ қабилаларни бирлаштиришни, ягона марказлашган давлат барпо этишни кун тартибидаги асосий масала қилиб қўйди. Буни хал қилиш учун ижтимоий тараққиётга тўсқинлик қилиб қолган уруғчилик тузимини йўқотиб, феодализм йўлига ўтиш керак эди. Монотеизм учун кураш олиб бораётган араб феодалларининг дунёқарашини ифода этувчи дин сифатида майдонга чиқди.

4. Якка худоликни тарғиб қилишга киришган кишилар Ханифлар «Авлиё»лар деб атала бошланди. Ханифлар, гарчи ислом дини учун курашмаган бўлсалар ҳам уларнинг фаолияти ислом динининг келиб чиқишида катта аҳамиятга эга бўлди. Якка худога, фаришталарга, пайғамбарларга. «нарғи» дунёга ишониш фикрларини Арабистонда биринчи бўлиб Ханифлар олдинга сурган эдилар. Арабларда номоз ўқиш, рўза тутиш, хаж қилиш заковат бериш сингари, урф — одатлар эса ислом динидан олдин ҳам мажуд бўлган эди. Якка худо учун ханифлар олиб бораётган курашнинг бир

босқичида қурайш қабиласидан Муҳаммад ибн Абдулло майдонга келди. Муҳаммад ибн Абдулло Макканинг йирик Савдогарларидан бири бўлиб, жуда катта маблағларни қўлга киритган эди. Унинг хотини Хадича ҳам ўша даврдаги энг бой савдогарлардан ҳисобланарди. Унинг ўзига қарашли катта савдо карвонлари бўлган.

Муҳаммад савдо карвонлари билан бошқа жуда кўп мамлакатларга борди, у ердаги диний қарашлар билан анча яхши танишди. У ўз сафдошлари билан ягона худога ишонишни тарғиб қилувчи дин яратиш ва дин байроғи остида араб қабилаларини марказлашган давлат атрофига бирлаштиришга урунди.

Муҳаммад шу мақсадда 610 йили Макка шаҳрида йирик савдогарлар ва қabila аристократиясининг йирик вакилларида ташкил топган мўминлар тўтарагини тузди. Бу тўтарақ аъзолари орасида Макканинг йирик савдогарларидан Абу Бакр, Хадича, Талха, Зубайра, Усмон ва бошқалар бор эди. Мўминларнинг ислом динини тарғиб этувчи ташкилоти айниқса саҳродаги кўчманчи қабилаларга нихоятда секинлик билан сингди. Қурайшга мансуб бўлган йирик савдогарларнинг бир гуруппаси ҳам мўминлар идеологиясини тантана қилишини хохламади.

Шу даврда Маккада йирик савдогарлар билан майда ва ўрта савдогарлар ўртасида кескин кураш давом этди. Мўминларнинг кўпчилик қисми Хошим номли уруққа мансуб бўлса, йирик савдогарларнинг асосий қисми Умайс ва махсус уруғларига мансуб эдилар. Бу уруғларга мансуб бўлган йирик савдогарлар муминлар идеологиясининг ҳукмрон бўлиб қолишини асло истамас эдилар.

Мўминлар ташкилоти ана шу қарама-қаршилиқлар орасида Маккада ўз фаолиятини давом эттириш учун шароит топмагач, 622 йида ўз

сафдошларидан 100 киши билан бош шаҳар ҳисобланган Ясрибга кўчиб ўтади. Шу даврдан бошлаб Ясриб шаҳри Мадина, яъни авлиё шаҳри деб атала бошлади.

Мадина деҳқончилик ва савдо маркази бўлиб, у ерда аус ва хазроку қабилалари яшарди. Бу қабилалар ислом динида аксорлар, яъни ёрдамчилар деб аталади. Муҳаммад Мадинага келгач, хазраку қабиласи шу ердаги маҳаллий яхудий қабилалари билан шартнома тузади. Бу шартнома ислом динини тарғиб қилиш уни зўрлик билан тарқатиш мақсадида тузилган биринчи расмий хужжатлардан эди.

Мадина мусулмонлари фаолиятларини тобора активлаштириб, ислом идеологиясини зўрлик йўли билан тарқатишга киришдилар. Улар катта қуроли харбий отрядлар тузиб, зўрлик билан турли қабилаларга ислом динини қабул қилдирдилар. Ниҳоятда 624 йилга келиб Мадинадаги мусулмонлар Маккага қарши уруш бошлади. 625 йили Бадра қудуғи ёнида Қурайш қабиласи билан Мадина мусулмонлари ўртасида қаттиқ жанг бўлди. Бу жангда Мадина мусулмон аскарлари ғолиб чиқдилар. Мусулмонларнинг харбий кудрати кучайган сари Қурайш қабиласининг бошлиқлари Муҳаммад билан ярашиш йўларини излай бошладилар. Мусулмонлар Макка шаҳрини қаттиқ иқтисодий қуршовга олган эдилар. Ниҳоят 629 йили Қурайш қабиласининг бошлиғи Халид ибн Волид ихтиёрий равишда Муҳаммад олдига келиб, унга бўйсунди. Шундан кейин Макка билан Мадина ўртасида душманлик муносабатлари тугаб, Ислом Арабистон ярим оролида асосий ҳукмрон динга айланди. Шундай қилиб Муҳаммад ислом байроғи остида араб қабилаларини бирлаштириб, ягона марказлашган мамлакатнинг ҳокими бўлиб олди.

Бирлашган ягона араб давлатининг ташкил

топиши Эрон, Византия ўртасидаги кескин, қонли урушлар даврига тўғри келди. Бу урушлар Эронни ҳам, Византияни ҳам нихоятда кучсизлантириб юборган эди. Бундан фойдаланган араб халифалари Эронни, Сурияни босиб олдилар ва Ўрта денгизда кучли флот ташкил этдилар. Фаластинни босиб олгач у ерда ўзларининг янги босқинчилик ниятларини амалга ошириш учун кучли плацдарим барпо этдилар.

715 йилга келиб араблар Арманистонни, Мисрни, Испаниянинг жанубини, Африканинг шимолий қисмини, Ўрта Осиёни ҳам босиб олдилар. Араб империясининг чегаралари Фарбда Испаниядан Хитойгача кенгайди. Араблар Атлантик океанидан Химолай тоғларигача бўлган асосий карвон йўлларини ўз қўлларига олдилар. Ислом дининг шарқ халқлари орасида тарқалиши жуда қийин бўлди. Араблар зулмига қарши босиб олинган мамлакатларда тез-тез қўзғолонлар бўлиб турди. Ўрта Осиёдаги Муқанна, Озарбайжондаги Бобек қўзғолонлари халқнинг ислом динининг зўрлик билан тарқатилишига чет эл босқинчиларига қарши қаратилган норозиликни ифода этади. Фақат Аббосийлар даврига келибгина ислом дини истило қилинган мамлакатлардаги асосий дин бўлиб қолди.

### 3 . 2.Ислом динининг Марказий Осиёга тарқалиши.

Марказий Осиёнинг қулай ва гўзал табиий иқлими ва шароитида беҳисоб бойликлар ҳаминша арабларнинг диққат эътиборларини ўзига тортиб келган. Манбаларнинг маълумотига қараганда араблар 651 йилда Марказий Осиё чегаралари — Марв, Хирот ва Балх ҳудудларида пайдо бўладилар. Араблар босқини арафасида Моварауннахр ҳудудида феодал тарққлик ҳукм сурарган. Бу ерда 15 дан ортиқ кичик — кичик давлатчалар бўлиб улар ўзаро урушлар олиб борар эдилар. Бу ҳол араблар

томонидан Марказий Осиё ерларини босиб олишни енгиллаштирди. Араблар босқини 2 босқичда олиб борилди. Биринчи босқич 655 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда араблар ватанимиз ҳудудида вақти — вақти билан ҳужумлар уюштириб турдилар, мамлакат бойликларини таладилар, кўплаб одамларнинг қул қилиб ўз юртларига олиб кетдилар ва ўлкани босиб олиш мақсадида ҳарбий маълумот тўплаш билан шуғулландилар.

Марказий Осиё ерларига биринчи бор лашкар тортиб келган ҳукмдор Зиёд ибн Абу Сўфиёндир. У 46 (666) йилда Амударё бўйларигача келган. Марвни эгаллаб катта бойлик ва ўлжалар олиб юртига қайтиб кетади. Тўрт йилдан сўнг 670 йилда (50) Зиёднинг ўғли Убайдуллоҳ Зиёд яна Бухорога қўшин тортиб келади. У Бойканд ва Ромитон ерларини эгаллайди. Бу даврда Бухоро тахтини малика хотун бошқарар эди. Бу Бухоро ҳукмдори бевақт оламдан ўтган, Бидун Бухорхудотнинг беваси бўлиб, ўғли Тоғшода ёш бўлганлигидан давлатни ўзи бошқармоқда эди.

Марказий Осиёнинг бойликлари мол — дунёга ўч араб саҳроларининг тинчлиги ва фароғатини бўзган эди. Ҳар икки ўртада шартнома — битим тузилган бўлсада, Убайдуллоҳ ўрнига Хуросон амири этиб тайинланган Саъид ибн Усмон 56 (25 ноябрь 675 — 13 ноябрь 676) йили Бухоро устига қўшин тортади. У жуда кўп хийла найранглар ишлатиб Бухоро ва унга ёрдамга келган Сўғдиёна, Кеш, Насаф қўшинларини тор — мор келтирди. Бухоро подшоси Хотун ибн Усмоннинг талаби унинг хузурига боришга мажбур бўлди ва жуда кўп ўлпонлар тўлаб, шахзода ва асилзодалардан 80 кишини гаровга берди. Шундан сўнг араблар Маворауннаҳр ва унинг пойтахти Самарқандга юриш қилдилар.

Хуросон амирлигига Муслим ибн Зиёд ибн Абийх тайинланади. У ҳам фаолиятини Бухорога юришдан бошлайди. Бухоро ҳукмдори ҳар галгидек яна туркларга ва сўғидлар ҳоқими Тархунга ёрдам сўраб мурожаат қилади.

Бироқ бу сафар ҳам мусурмон арабларнинг кўли баланд келди. Жуда кўп бойликлар ўлка олинади. Ҳар бир араб аскарларига 10 минг дирҳамдан ўлка улашиб берилади. Хотун билан Муслим ибн Зиёд ўртасида сулҳ тузилди. Араблар Марвга қайтадилар. Аммо бу қайтиш мол — дунё ва бойликка юз тубан кетган саҳройи арабларнинг охири қайтиши эмас эди.

Шундай қилиб, саҳройи араблар дунёнинг энг қадимий ва маданият ўлкаларидан бири бўлиш Маворауннаҳрнинг ўз мустамлакаларига айлантирадилар. Маворауннаҳр ҳудудида яшаган аждодларимиз ижтимоий — сиёсий иқтисодий ва маданий тараққиётда саҳройи арабларга қараганда анчагина олдинда эдилар. Нима сабабдан уларни араб истелочилари нисбатан тез ва осон босиб ола олдилар? Бунинг сабаблари — биринчидан ўлка халқлари ўртасида ижтимоий — иқтисодий ва сиёсий бирликнинг бўлмаганлиги ва феодал тарқоқликнинг мавжудлигидир. Араблар Маворауннаҳр ерларига бостириб келган пайтда ўлкада бир — бирига душман бўлган 15 дан ортиқ кичик — кичик феодал давлатчалар бор эди. Бу холдан араблар усталик билан фойдаландилар. Иккинчидан, араблар кўчманчи турк қабилалари билан маҳаллий ўтроқ халқлар ўртасида мавжуд бўлган қарама — қаршиликлардан ҳам фойдаландилар. Учинчидан, араблар Маворауннаҳрга қадар жуда кўплаб бошқа мамлакатлар ва аҳоли ҳудудларини босиб олган эдилар. Тўртинчидан, араблар Маворауннаҳр ҳудудларига бостириб келганларида бу ерда кўп динлилик ҳукм сурарди. Бу хол арабларга қарши



ўлкамиз ҳудуди халқларининг бирлашувига тўсқинлик қилди ва араб босқинчилари галабасини енгиллаштирди.

### 3. Маворауннаҳрда араблар зулмининг кучайиши.

Араблар Марказий Осиё ҳудудларини босиб олгач, ўлкада мустамлакачилик зулми сиёсатини кучайтирдилар. Энди маҳаллий халқ икки томонлама зулм сиёсати остида қолди. Бир томондан шу пайтга қадар маҳаллий бой ва задогонлар халқни эзиб, жабр — зулим қилиб келган бўлсалар, энди бунга келгинди сахройи арабларнинг зулмкорлик сиёсати ҳам қўшилди. Арабларистилочилари Маворауннаҳрда биринчи кундан бошлаб қаттиқуллик билан араблаштириш сиёсатини олиб бордилар.

Араб босқинчилари Маворауннаҳр аҳолисини араблаштиришда ислом динидан усталик билан фойдаланганлар. Қутайба ибн Муслим хали батамом бўйсундирилмаган. Ўлкада шу боисдан ҳам исломнинг кенг ёйишга катта эътибор берилган. Араблар истелочилари маҳаллий халқ сифиниб келган ва ууларнинг маънавий ҳаётида катта ўрин тутган Зардуштийлик, Буддийзм ва бошқа динларни сохта, хурофий ва ёлғон ғоялар деб эълон қилганлар.

Истеълочилар айни замонда ислом динини қабул қилган ва мусулмон бўлган маҳаллий аҳоли вакиллари ҳар томонлама қулаб — қувватладилар. Жумладан, исломни қабул қилганлар Жузья ва Хирож солиқларидан озод қилинган бўлса, ундан бош тортганлардан бундай солиқлар қаттиққўллик билан ундириб олинган.

Араб истеълочилари маҳаллий халқни ислом мафкурасига бўйсундиришда рағбатлантиришдан ташқари зўрлаш ва мажбурлаш услубидан ҳам фойдаланганлар. Наршахийнинг ёзишича, Бухорода

ислом динини савдогарлар тез қабул қилган бўлсаларда, унга қаттиқ қаршиликлар кўрсатган гуруҳлар ҳам бўлган.

Хуллас, Маворауннаҳр ҳудудида яшаган халқлар орасида ислом динининг киритилишига айниқса ёши улуг кексалар қаттиқ қаршилик кўрсатганлар.

Араб истеълочилари ерли халқни араблаштириш мақсадларини кўзлаб исломни ўрганиш ва уни ташвиқот ва тарғибот қилиш баҳонасида Сўғд, Хоразмий, зардуштийлик қаби маҳаллий халқ ёзувларини батамом йўқ қилиб ташладилар. Араб тили ва араб алифбоси давлат тили даражасига кўтарилди, фан ва адабиёт тили бўлиб қолди. Араб тилининг аҳоли кенг қатламлари орасига ёйилиши ва тарқатилишига тўсқинлик қиладиган ҳамма говлар олиб ташланди ва бу ишга зарраза бўлсада қаршилик қилувчилар шафқатсизлик билан йўқ қилинди.

Араблар Маворауннаҳрнинг табиий ер ости ва ер усти бойликларини талаш билангина чекланмадилар. Улар халқни қаттиқ эксплуатация қилиш ва ишлатишдан келадиган бойликлардан қаноат хосил қилмадилар. Маҳаллий халқ келгинди. арабларга оғир миқдордаги «Жузья» ва «Хирож» деб ном олган солиқларни тўлашга мажбур қилинар эди. «Жузья» жон бошига солинадиган солиқ бўлиб мусулмон бўлмаган фуқаролардан олинган. У асосан пул ва натура шаклида ундирилган. «Хирож» солиғи асосан деҳқонларнинг даромадидан ундирилган ва одатда бу даромаднинг учдан бир қисмига, хатто ундан ортиғига ҳам тенг бўлган. Булардан ташқари халқ оммаси истилочи арабларга «Закот» дини ислом бўйича гуноҳлардан «тозаланиш» учун мол — мулк ва даромаддан бериладиган садақа, хайр — эҳсон деб ҳисобланган ва шариятнинг беш асосий талабларидан бири

бўлган. «Зако́т» ода́тда пул даромадларининг қириқдан бир улушига тенг бўлиши керак эди. Яна «Ушр» арабча ўндан бир деб аталган солиқ ҳам бўлган. Бу солиқ тури давлат фойдасига олинадиган солиқ бўлиб, натура ва пул шаклида асосан деҳқончилик махсулотларидан олинган. Араблар оғир солиқларни ўз вақтида тўлай олмаган фуқароларни ҳақоратлаб, ҳўрлаб тахталарга «қарздор» деб ёздириб, уларнинг бўйнига остириб қўйар эдилар. Жуумладан, Таборийнинг сўзича, Хуросон ва Моварауннаҳрнинг 735—738 йиллардаги ноибни Асал ибн Абдулла Жузья тўлайдиган кишиларнинг бўйнига тамға остирган.

Араблар маданий тараққиётда маҳаллий халқдан орқада бўлсаларда ўзларини ҳар томонлама устун қўяр эдилар, ерли аҳолини назар—писанд қилмасдилар. Улар биз оқсуяк хўжалар, саҳобалар ва саидлар авлодиданмиз деб гердеяр эдилар. Бизнинг даврларимизгача сақланиб келаётган хўжалар ва қоралар деган тушунчалар мавжуд ижтимоий тенгсизликнинг бир кўриниши сифатида ўша даврдан қолган тушунчадир. Албатта араб истилочиларининг маҳаллий халққа нисбатан ўтказган бундай адолатсизлик ва зулмкорлик сиёсатлари омманинг кескин порозилик ҳаракатлари ва қўзғалонлари уюштиришига сабаб бўлган.

#### **4. Араблар зулмига қарши озодлик курашлари.**

Марказий Осиё халқлари араблар истилочилик юришларининг биринчи кунларидан бошлаб ўз эрки ва озодлиги учун муқаддас курашга отланганлар, она Ватан тупроғининг фирор қарич ери бўлсада, уни жангсиз ва курашсиз босқинчиларга бермаганлар. Арабларга қарши олиб бориладиган эрк ва озодлик курашининг энг эътиборли томони шундаки. Бу курашда Моварауннаҳрнинг ўтроқ қадимий ерлик аҳолиси билан турк

қабилалари доимо биргалашиб ягона иттифоқда жанг қилганлар.

720—722 йилларда биринчилар қаторида арабларга қарши Сўғдиёнада қўзғалон кўтарилган. Бу қўзғалонга Самарқанд ҳокими Гурак ва Панжикент ҳукмдори Диваштий бошчилик қилганлар. Ҳар сафар бўлганидек, сўғидликларнинг озодлик ва эрк учун курашларини турклар қўлаб — қувватлаганлар. Егтисувдан, Туркаш хоқони шахзода Курсул бошчилигида катта қўшинни ёрдам бериш учун Самарқандга юборган. Сўғидликларнинг бирлашган кучлари арабларга қарши муваффақиятли жанглар қилиб бир неча сезиларли зарбалар берганлар. Бу пайтда Хуросонда Саид ибн Абдулазиз ноиб эди. Хуросонга янги тайинланган Саид ибн Амр Ал-Хароший сўғидларга қарши кескин чоралар кўрган. У Ироқда кўтарилган халқ қўзғолонини босстиришда ўзининг шафқатсизлиги билан ном қозонган эди. Хароший кўрган кескин чораларидан жабр кўриб норози бўлган Сўғд аҳолиси мамлакатни тарк этиб Фарғонага кўчишга қарор қилган. Сўғд аҳолисидан 10 минг киши йўлга отланиб, Хўжанд шаҳрига етиб келганларида Фарғона подшоси уларни шаҳарда жойлаштира олмай, Исфара ҳудудларида жойлашишини таклиф этган. Бу биринчи гуруҳ эди. Иккинчи гуруҳ Панжикент ҳокими Диваштий бошчилигида Зарафшон бўйлаб тоғлар ошиб Обгар қалъаси олдидан ўтиб илгарилаб борган.

Қўзғалон кўтарган Диваштий бошчилигидаги кучлар Обаргар қалъасидан чиқиб дудшманни қарши олади. Бу жангда арабларнинг қўли баланд келиб, қўзғалончилар Обаргар қалъасига чекинадилар. Қалъа араблар томонидан кўршовга олинади. Кучлар нисбатини тенг эмаслигини ҳисобга олган Диваштий Сулаймонга қалъани

тошширишга рози бўлади. Ўзини эса Мусайёб билан бирга Хороший олдига юборишини сўрайди. Хороший Диваштични қатл этади. У сўғдиклар қўзғалонини бостиргач, Зарафшон ва Қашқадарё водийларида тартиб ўрнатади. У Сулаймон ибн Абуссарийни Кеш ва Насаф шаҳарларига ҳоким қилиб тайинлайди.

Араб истилочиларига қарши кураш бир дақиқа бўлсада тўхтамади. 723 йилда Фарғона подшоси бош кўтарди. Уни Шош, Насаф аҳолиси ва турклар қўллаб — қувватладилар.

725 — 729 йиллар давомида араб халифалигининг солиқ сиёсатига қарши Самарқанд, Бухоро ва Хутталиёнда қўзғолонлар бўлиб ўтди. Бу даврда Ашрос ибн Абдулла Ассулумий ноиб бўлиб, у икки томонлама сиёсат олиб бориб маҳаллий аҳолининг ғазабига дучор бўлган эди. У дастлаб мусулмон динини қабул қилган фуқаролардан ҳеч қандай солиқ олинмайди, деб Хуросон ва Мовароуннаҳр аҳолисининг ишончига сазовор бўлган эди. Ашрос араблар кучи исломда, исломни қабул қилган маҳаллий халқ арабларга ҳеч қандай қаршилик қилмайди, деб ўйлаган эди. Сўғдиклар унинг вадасига ишониб, тезда ислом динига кирган ва мусулмон бўлгандилар.

Илгари халқ томонида туриб арабларга қарши Самарқанд ҳокими Гурак энди, Ашрос сиёсатига қарши чиқади. Таборий маълумотларига қараганда, Ашросга хат ёзади. Бу хатда мусулмонликка ўтганларга нисбатан тутилган сиёсат хирожнинг йўқолиб кетишига сабаб бўлди, хирож оладиган одам қолмади, деб уни огоҳлантирган эмиш. Шундан сўнг Ашрос Гуракнинг ҳақ эканлигига ишонч ҳосил қилиб араблар ҳукмронлигининг кучи хирожда деган шиорни илгари сурибди. Бу тезда Сўғд аҳолисининг кескин норозилигига асос бўлган ва катта қўзғалонларнинг бошланишига олиб

келган. Самарқандда бошланган бу қўзғалонга 7 минг киши қатнашган. Қўзғалон кенгайиб Бухорога тарқалган.

Айниқса, 728 йил араблар учун жуда оғир бўлганлиги қайд этилади. Қўзғалончилар уларни жуда қўплаб ҳудудлардан ҳайдаб чиқарганлар. Фақат Гуракнинг иккиюзламачилик ва сотқинлик сиёсати туфайли Добуссия ва Самарқанд араблар қўлида қолган. Гурак бу озодлик курашидан катта роль ўйнаши мумкин эди. Аммо у бу йўлни танламади. Фақат 729 йилда жуда катта урунишлардан сўнг араблар яна Бухорони қайтариб олишга муваффақ бўлганлар. Туркларнинг қўзғалончиларига кўрсатилган ёрдамидан таъсирланган Гурак кечикиб бўлсада, араблар билан алоқани узди ва сўғидликлар қўзғалонига қўшилди. Бу унинг илгариги обрўсининг тикланишига сабаб бўлди. Таборий айниқса Кеш атрофида арабларга қарши Шош, Фарғона қўшинлари ва турк лашкарларининг қаҳрамонларча жанг қилинганлигини алоҳида кўрсатади. Бу олиб борилган жанглар Самарқанд, Бухоро ва бошқа жойларни истесно қилганда Маворауннаҳр халқининг яна 5 йил мобайнида араблар ҳукмронлигига бўйсунмаган жасоратидан бир намунадир.

736—737 йилларда Тохаристон ва Сўғд арабларга қарши яна қўзғалон кўтарилди. Натижада араблар жуда оғир аҳволга тушиб қолдилар. Оғир вазиятдан қутилиш мақсадида Хуросон ва Маворауннаҳрнинг ноиблари ва амирлари бир неча марта ўзгартирилади. Хусусан, Наср ибн Сайёр даврида қурилган тадбирлар туфайли араб истилочилари ўлкада ўз мавқейларини мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлдилар. У қўзғалонларни бостириш учун Самарқанд, Шош, Фароб ва Фарғонага бир неча бор қўшинлар тортиб борди. Наср ибн Сайёрнинг ноиблик даври

Марказий Осиё ерларининг араблар томонидан қилиниши тарихида янги ва сўнги даврдир. У маълум бир муддат давомида мамлакатда нисбий осайишталик ўрната олди. Наср бунга қандай эришди. Аввало у оқсуяк деҳқонлар ўртасидаги низолардан фойдаланди, уларнинг кўпчилигини ўз томонига оғдириб сақлашга алоҳида эътибор берди. Улар ўртасида қон-қардошлик ва қариндошлик алоқаларини ўрнатишни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлади. Ўзи бу соҳада намуна кўрсатиб, Тоғшода Бухорхуудотнинг қизига уйланди. Ва ниҳоят Наср ибн Сайёр молиявий ислоҳот ўтказди. Унга кўра ислом динини қабул қилган барча кишилар жузья солиқларидан озод қилиндилар ва барча муусулмонлар ҳуқуқ жиҳатидан тенглаштирилди. Ер эгаси эса қайси эътиқодда бўлишидан қатий назар, хирож солиғи тўлаши шарт қилиб қўйилди.

Албатта, Наср ибн Сайёр давридаги ўлка осойишталиги вақтинчалик ва нисбий характерда эди. Халифаликнинг шарқий мустамлакалари ҳисобланган Марказий Осиё ҳудудлари эрк ва озодлик учун курашга бел боғлаган авлод-аждодларимизнинг улуғвор янги чиқишлари арафасида турар эди.

## **7-мавзу: Қуръон-ислом манбаси.**

### **Хадисшунослик.**

#### **Режа:**

1. Қуръон тушунчаси, Қуръоннинг ваҳий қилиниши. Қуръоннинг ёйилиш тарихи.
2. Қуръондаги ақидавий таълимотларни ёритиб берилиши.
3. Хадислар, уларнинг мазмуни, йўналишлари.
4. Машҳур хадиснавислар: Имом Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Имом Ал-Мотрудий ва бошқалар.

## Қуръон-ислом манбаси.

Қуръон суралари парча-парча ҳолда Муҳаммад пайғамбарга 22 йил (ҳижрий йил ҳисобида 23 йил) мобайнида ваҳий қилинган. Эшитувчилар бу сураларни ёд олиб, баъзиларини эса ёзиб олганлар.

«Қуръон» арабча «караъа» — ўқимоқ, оддий ўқиш ҳам шунингдек, маълум матнни оҳанг билан ўқиш, яъни яъни «қироат қилиш», «Тиловат қилиш» мазмунидаги феълдан, «ўқув», «ўқиладиган китоб» маъносини беради.

Муҳаммад пайғамбар саводли киши бўлмаганлиги учун (Расулумлоҳнинг саводи бўлмаганлиги тўғрисида Қуръоннинг 7-ал — Аъраф сурасининг 156-оятда «ар-расул ан-на-бий ал-уммий» деган сўзларни учратамиз. Бундаги «уммий» сўзи «хат ёзиш ва ўқишни билмайдиган одам» деб тафсирланган ёки 29-ал — Анкабут сурасининг 47-оятда: «Во мо кунта татлу минг қаблиҳи мин китабин ва ло тухаттуху би яминака», яъни «Бундан (Қуръондан) олдин сен бирор китобни ўқимаганмисан ва ўз қўлинг билан хат ёзмаган ҳамсан», дейилганки пайғамбар саводсиз эканини айтилиши ҳеч кимга малол келмаслиги лозим) ваҳийни ёддан ўқиган, тарғибот вақтида мусулмонларни ҳам уни ёд олганлар. Қуръон сураларини тўла ёдлаб олган мусулмонлар кўп бўлган ва улар «хуффоз ал-Қуръон» (Қуръонни ёд билганлар ёки Қуръон ҳофизлари) деб юритилган. Абу Бакр ҳукмронлиги давридаги жангларда ана шундай хуффозлардан бир қанчаси ҳалок бўлган. Маълумотларга кўра, барча сураларни тўла ёд билган фақат 7 та киши қолган, бошқалари эса бир қисм сураларнигина ёд билганлар, холос. Муҳаммад пайғамбар умрининг охириги беш йили давомида унга котиблик қилган Зайд ибн Собит битта суранинг охиригинигина билмаган, қолган барча



сураларни ёд олган. У кўпинча суараларни ёзиб борган.

Бинобарин, яна бир неча жангдан сўнг сураларни ёд билганлар қолмаслиги ва Қуръон матнини тиклаш мумкин бўлмай қолиши ҳавфи юзага келган.

Шуни ҳисобга олиб, халифа Абу Бакр энг яқин сафдоши Умар маслаҳати билан 633 йилда Қуръон сураларини тўплаб, дастхат (қўлёзма) қилдириш вазифасини Зайд ибн Собитга топширган. У пайғамбар масжидида бу вазифани бажаришга киришган, яъни саҳобалардан ҳар бири ўзи билан сураларни ўқиган, Зайд ибн Собит эса ёзиб борган. Ҳар бир сура, парча ёки оятлар гуруҳини аввал бир киши ўқиб, сўнгра иккинчи киши ўқиганда айнан мос келса, ўшани ёзиб олган. Бу усул Қуръон сура, оятлари аниқ ёзилишини таъминлаган, аниқ ва ишонарли қилинган.

Бу тўлам Сухуф (саҳифалар) деб ном олган бўлиб, унда жаъми 109 та сура бўлган, яъни сухуф таркиби тўла бўлмаган. Чунки унда 1, 34, 41, 45 ва 96 — суралар ҳам мавжуд эмас эди. Орадан 17—18 йил ўтгач, илгаридан ўз ихтиёри билан сураларни ёзиб юрган ва алоҳида тўлам қилиб олган айрим кишилар қўлидаги нусхаларнинг халифаликнинг ҳокимиятларида (вилоятларида) ўқиш ва ибодатларда улардан фойдаланиш кенгайиб борган сари ана шу нусхалар билан Сухуф орасидаги тафовутлар сезилиб қолган ҳамда давлатни бошқариш, келажакдаги хилма—хиллик маълум муаммоларни келтириб чиқаришининг олдини олиш зарурияти туғилган. Халифа Усмон ибн Аффон 651 йилда барча дастхатларни тўплаб таққослаб чиқиш ва улар асосида Қуръоннинг ягона нусхасини тайёрлашга фармон берган ва ўзи би ишга бевосита бошчилик қилган.

Бу вазифани бажариш учун, тарихий

манбаларда кўрсатилишича, 4 кишилик гуруҳ белгиланган. Унга яна Зайд ибн Собит раҳбарлик қилган, унинг таркибига Қуръоннинг яхши билган саҳобалардан Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр, Саъд ибн ал-Ос, Абд ар-Раҳмон ибн Хорис, ибн Хишом киритилган. Бу гуруҳ барча нусхалар ва топилган сураларни қайтадан текшириб таққослаш асосида ягона нусхани тайёрлаган. Илгариги шахсий нусхаларнинг барчаси куйдириб йўқотилган. Янгидан дастхат қилинган ягона нусха «Мусхаф», аниқроғи «Халифа Усмон Мусхафи» деб ном олган.

Мусхаф — қадимий араб тилида пергамент, яъни ўрама қоғозни англатган. «Мусхаф» куфа ёзиш усулида ва сажъ шаклида (ғазал) ёзилган. Унга халифа Абдул Малик (685—705 йиллар) ва Ироқ ҳокими Ал-Хажжож (694—714 йиллар) даврида асос солган. Асосан 697 йилда адиб Абдул-Асвад ад-Дувалий томонидан ҳарфларнинг устига ва остига нуқталар қўйиб чиқилиб Қуръонни ўқишдаги чалкашликларга барҳам берилган. Лекин «Усмон Мусхафида» бу нуқталар йўқ эди. Қуръон VII асрга оид қадимий ёдгорлик бўлгани сабабли ички тузилиши, ёзилиш услуби, мазмуни, иборалари жиҳатидан ўзига хос хусусиятларга эга бўлган китобдир.

У 114 та сура, 6236 оятдан иборат. Суралар «оятлар тўплами» («оятлар тизмаси») маъносини билдиради. «Оят» сўзи фақат Қуръоннинг ўзига хос ибора бўлиб «муъжиза», «илоҳий белги» маъносини англатади.

Қуръон матни сура ва оятлардан ташқари яна 30 та «жузъ» (ўзбекча «пора») га бўлинган. Жузъ — кейинчалик Қуръон матнини ўқишга осон бўлиши учун теппа-тенг 30 га бўлинганлигидан пайдо бўлган.

Масалан, Қуръондаги энг катта 2-ал-Бақра сураси икки порадан кўпроқ, кейинги 37 та кичик

суралар жамланиб бир порага киритилган.

Суралар Қуръонда ўз мазмуний изчиллигига ёки нозил бўлган вақтига, яъни муддатлар тартибига қараб эмас, балки ҳажмига қараб жойлаштирилган. Бундан фақат бир неча сура мустасно. Масалан, фақат 7 оятдан иборат 1 – сура («Фотиҳа») олдинга жойлаштирилган, чунки бу сура мазмуни иймон учун жуда муҳим ҳисобланади.

Суралар 114 та бўлиб, улардан 90 таси Макка даврида ва 24 таси Мадина даврида нозил бўлган. Қуръонда диний – фалсафий тасаввурлар ва ривоятлар: қабила – уруғчилик ҳаёт тарзига хос анъана, урф – одат ва маросимлар, ижтимоий – иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий ва ахлоқий қонун ва қоидалар, жумладан, оила – никоҳ, аждодлар ва авлодларга муносабат, мулкчилик ва ворислик, савдо – сотиқ ва қарз муаммоларига хос кўрсатмалар ўз ифодасини топган. Қуръоннинг инсоф, виждон, ҳалоллик каби ахлоқий таълимотлари умумбашарий қадрият ҳисобланади.

Қуръон халқ орасида уни ёддан ўқийдиган «қорилар» орқали кенг тарқалган. Лекин «қорилар» Қуръоннинг мазмуни билан деярлик шуғулланмайдилар, улар фақат оятларни қироат билан ўқишга одатланган бўладилар.

Қуръоннинг мазмунини изоҳлаш (тафсир қилиш) билан шуғулланадиган уламолар «муфассирлар» (яъни тафсирчилар) деб аталган. Исломдаги «аҳли сунна» (Суннийлар йўналиши) да 6 та тафсирчи бўлган.

Қуръонда диний – фалсафий дунёқараш иймон ва эътиқод асослари ундаги ақидаларда баён қилинган.

Қуръонда сунний йўналишдаги мусулмонлар қуйидаги 7 та ақидага эътиқод қиладилар:

1) Якка Оллоҳдан бошқа худо йўқ, у ҳеч кимдан

туғилмаган, ҳеч кимни туғдирмаган. Оламни йўқдан яратган одамларни, барча жонли ва жонсиз нарсаларни, инс — жинсларни, фаришталарни фоний ва боқий дунёларнинг эгаси, у ҳамма нарса, ҳодисаларни кўтариб, билиб туради. Унгагина буйсунаман, унинг тўғри йўлидан олиб бораётган Муҳаммад пайғамбарга ишонаман, унга тақлид қиламан.

2) Фаришталарга ишониш, уларни Оллоҳ оловдан яратган жонсиз, кўзга кўринмайдиган руҳлар, деб тасаввур этилади. Фаришталар Оллоҳга итоат этадилар, унинг хизматини бажарадилар, деб ишонадилар. Масалан, фаришта Азроил жон олувчи, Жаброил фаришта Оллоҳдан Муҳаммад пайғамбарга ҳуш хабар келтирган. Мункир ва Накир деган фаришталар вафот этганларни сўроқ қилиб гуноҳ ва савобини аниқлайди ва хоказо.

3) Муқаддас китобларга амал қилиш. Муқаддас китоблар: Қуръон, Ҳадислар, Ахбор, Таврот, Талмуд, Забур, Библия (Инжиллар), Трипитака, ведалар ва бошқалардир. Бундан Қуръон осмондан тушган энг сўнгги, энг мукамал, ҳақиқат ва Оллоҳнинг сўзлари битилган «она китоб»дир.

4) Пайғамбарларга ва Муҳаммаднинг Оллоҳнинг элчиси эканлигига ишониш, Оллоҳ ер юзидаги барча одамларни ўз элчиси Муҳаммадга ваҳийлар орқали бошқариб, уларни тўғри йўлдан бошлаб бориш вазифасини пайғамбарга, ундан кейин эса падшоларга юклаган, деб тасаввур этилади. Қуръонда Муҳаммаддан бошқа яна Нух (Ной), Иброҳим (Авраам), Исҳоқ (Исаак), Якуб (Иаков), Аюб (Иоф), Юнус (Ион), Мусо (Моисей), Хорун (Аарон), Исо (Иисус Христос), Яҳъё (Иоанн Чўқинтирувчи), Марям (Мария), Дову

Сулаймон, Юсуф (Иосиф Прекрасный) каби пайғамбарлар тўғрисида ҳам гап боради. Қуръондаги айрим суралар пайғамбарлар номи билан ҳам аталган, масалан, Муҳаммад, Иброҳим, Юсуф каби.

- 5) Охиратдаги ва боқий дунёдаги ҳаётга ишониш. Қуръондаги охиратда ўлганлар тирилади, худо уларни сўроқ қилиб гуноҳкор дузахдан азоб тртишга, савоб қилганлар эса жаннатда абадий раҳат — фароғатда ҳаёт ккечиришга ҳукм қилиши айтилади. Бу дунё фоний, яъни ўткинчи, алдамчи, бир лаҳзали, асосий ҳаёт эса боқий дунёда эаклиги таъкидланиб, ҳар бир киши сабр — тоқатли, инсофли, адолатли бўлиб, савоб қилиш керак, ана шундагина жаннат ҳаёти унга насиб этади, дейдилар.
- 6) Инсонлар тақдирини худо томонидан олдиндан белгилаб (пешонасига ёзиб) қўйилганлиги тўғрисидаги тасаввурлар. Бу ақидага кўра худо ҳамма нарсани устидан, шу жумладан, одамларнинг тақдири устидан тўла ҳукмронлик қилади. Инсонда хоҳиш ва ирода эркинлиги йўқ бўлиб, инсон фақат худо хоҳлаганини, пешонасига ёзилганини кўради, деган ғоя илгари сурилади. Бу ақида ижтимоий муносабатларга тегишли бўлиб, ислом оламида кўп тортишувларга сабаб бўлган.
- 7) Ислоннинг охириги ақидаси — бу ўлгандан кейин тирилишига ишонишдир. Бу ақиданинг вужудга келишида қадим дунёдаги анимизм ва авлодлар руҳига сифиниш динларнинг бевосита таъсири сезили туради. Ислондаги Шиа мусулмонлари эътиқоди бешта ақида: тавҳид (якка худолик), имомат (имомлар ҳокимияти) ва қиёмат (охират куннинг келиши ва ўлганларнинг тирилиши)ни тан олишдан иборат.

## Ҳадислар ва уларнинг мазмуни, йўналишлари.

### Исломдаги машҳур ҳадиснавислар.

Қуръон илк исломда якка — ю ягона манба эди. Аммо араблар истилолари натижасида вужудга келган халифалик ҳудудларида яшаётган турли халқлар талаб — эҳтиёжларига Қуръон тўла жавоб бера олмас эди. Шу тариқа ўзгарган тархий шароитдаги талаб ва эҳтиёжларга жавоб берадиган янги манбалар вужудга келиши зарур бўлди. Ислом олимлари Муҳаммад пайғамбарнинг ҳаёт йўли, у айтган ҳикматлари, ибратли хабарлари, кўрсатган йўл — йўриқлари, унинг ва саҳобаларнинг яхши ишлари ўғит ва насиҳатлари билан шахслардан эшитиб тўплай бошлаганлар. Бу янги маълумотларни «ҳадис», яъни «ҳикоя», «хабар», «ҳикмат» деб айтиш мумкин. Ҳадислар тўплами — Сунна деб юритилади. Сунний йўналишидаги мусулмонлар тан олган, ҳадисларнигина сунна ҳисобланиб, у Қуръондан кейинги иккинчи манба ҳисобланади. Ҳадисларнинг дастлаб Муҳаммаднинг қариндошлари, халифалар, саҳобалар ишлатган, яъни улар бирон — бир кўрсатмани (аввало ҳуқуқий ҳарактердаги кўрсатмани) қонунийлаштириш учун ўзлари Муҳаммаднинг сўзидан эшитган сўзларни далил қилиб келтирганлар. VII — IX асрларда минг — минглаб ҳадис тўпланган ёки тўқилган. Ҳадисшунослик савоб иш ҳисобланган, ҳадисларни тўплаш мустақил bilimга айланган, бу ишга ихтисослашган илоҳиёт пешволари эса муҳандислар, деб аталганлар.

Ҳадисларнинг аксарият ҳуқуқий ва ахлоқий нормаларни, маросим ва урф — одатлар, оилавий муносабатлар, касб — кор, савдо — сотиқ, илм, ота — она, фарзанд, қариндош — уруф, дўстлик, яхшилик ва ёмонликка оид бўлган. Аммо тарихий мазмунга эга бўлган. Муҳаммад таржимаи — ҳолини халифалар саҳобалар фаолиятини баён этган ҳадислар ҳам

бўлган. Исломда таниқли ва нуфузли ҳисобланган кишилар томонидан етказилган ҳадислар (саҳиҳ) деб эътироф қилинган.

Ҳадисларни етказган кишилар ишончли бўлса, бу ҳадисдан ажратиш энг муҳим иш ҳисобланган. Бу ишда ҳам қиёслаш, таққослаш усулларидан фойдаланилган. Масалан, бирон ҳадис турли шахсларни, бир — биридан узоқ жойларда солиштирилган улар айнан тўғри келса ўшандай ҳадис саҳиҳ, яъни чин ҳадис ҳисобланган, агар бир — бирга биронта сўзда, маънода ўғри келмаса ундай ҳадис сохта ёки заиф ҳисобланган ва ташлаб юборилган.

IX — X асрларда ҳадисшунослик ва ҳадисларни тўплаш тугалланган. Тўпланган ҳадисларни ҳажми, чинлиги, тиртиби, аҳамияти билан мусулмон оламида олти муҳаддис (ҳадис тўпловчи), машҳур бўлган. Шулардан учтаси Марказий Осиёдан чиққан. Муҳаддислар орасида энг обрўлиси ва машҳури Имом Муҳаммад ибн Исмоил ал — Бухорий (809 — 870 йиллар)дир. У Бухорода туғилиб, шу ерда ўз давриномларини, айниқса диний билимларни ҳар томонлама ўрганган. Сўнг ўз билимларини мукаммаллаштириш мақсадида Макка, Мадина, Бегдод, Дамашқ, Ҳижоз, Куфа, Нишопур каби шаҳарларга борган. Бу шаҳарларда жуда кўп олимлар: диншунослар, муҳаддислар, билан учрашган, ҳадислар тўплаган, сўнг Бухорога қайтган. У Самарқанд яқинида бафот этган. Унинг мақбараси ҳозир таъмирланган ва зиёратгоҳга айлантирилган.

Бухорийдан бизга жуда кўп мерос қолган. Унинг ислом диншунослигига оид 20 тага яқин катта ҳажимдаги асарлари мавжуд. «Ал — Жомеъ — Саҳиҳ», «Ат — тарих ал — Кабир», «Ат — тарих ас — сагир», «Ал — Адаб ал — Шуфрад» кабилар шулар жумласига киради.

«Ислом оламидаги ҳазари имом Бухорий ва у кишининг имом Муслим иккалаларининг икки саҳих китоби пайдор бўлгач, олиму муҳаккиклар жуда нозик дид билан текшириб, баҳс юритганларидан кейин энг ишончли эканлигига қалблари таскин топди. Олдоҳнинг китоби Қуръони Каримдан кейин Исломнинг иккинчи манбаси — «Энг олий ва энг саҳих» манба деб шу икки китобни тасдиқладилар».

Бухорийни бутун мусулмон оламига машҳур қилган асари тўрт жилди «Ал — Жомеъ ас — Саҳих» (Ишончли тўплам) бўлиб, у «Саҳих — ал — Бухорий» номи билан ҳам маълумдир. Бу асар 160 қисмдан иборат бўлиб, 3450 бобни ўз ичига олади. Чунки, Бухорий 20 мингдан ортиқроқ ҳадис тўплаб, булардан 7250 тасини мана шу китобга киритган. Бухорий тўпламига ҳақиқий билган ҳадисларнигина киритган. Унинг бу китобдаги ҳадисларида инсон учун тарбиявий аҳамияти, унинг маънавий юкселиши, поклиги, донолиги, яхши — ёмонни ажрата билиши каби ғоялар баён этилган.

Ҳадисларни асосий мақсади — дўстлик, адолат, ўзаро яхши муносабатларни мустаҳкамлаш, инсонни ёмонликдан асрашдир. Исмоил Бухорийнинг «Саҳих»и ҳозир тўртгала жилди ўзбек тилига таржима қилиниб, ундан халқимиз фойдаланмоқда.

Бухорийнинг яқин шогирдларидан бўлиши машҳур муҳандислардан бир Имом Исо ат — Термизийдир (824 — 892 йиллар). Ундан «Жамеъ ал — кабир», «Жомеъ ат — Термизий», «Аш — Шамоил ал — Набавия», «Ат — Тарих», «Китоб аз — Зухд» каби ундан ортиқ асарлар қолган. Термизийнинг мусулмон оламига машҳур қилган асари «Жомеъ ат — Термизий» бўлиб, унда инсонпарварлик ғоялари кенг ифодаланган ифодаланган. Ўғирлик, зўравонлик, ёлгончилик, ичкиликбозлик, манманлик



каби салбий ахлоққа зид қусурлар қаттиқ танқид қилинган.

Исломда машҳур бўлган мухаддислардан яна бир Абу Абдурахмон ан-Насойидир (850—915 йиллар). У Ниса (Туркистон) шаҳрида туғилиб, ҳорижий шарқ мамлакатларида, хусусан Мисрда ўз билимини оширган. У Фаластиннинг Ромла шаҳрида вафот этган. Унинг «ат-сунаи ал-Кубро» китоби машҳур бўлган. Қолган яна учта ҳадис ёзганлар Эрон ва Араб мамлакатларида эди.

Ҳадислар Қуръон каби муқаддас манба сифатида мусулмонларнинг таълим—тарбия, фиқҳ системасида, онлавий тарбияда ҳамон катта аҳамиятни сақлаб келмоқда.

## **8-мавзу: Тасаввуф ва унинг тариқатлари.**

### **Режа:**

1. Тасаввуфнинг вужудга келиши ва ривожланиши.
2. Тасаввуф таълимотида шахснинг маънавий қиёфаси.

Тасаввуф Шарқ мусулмон халқининг маънавий ҳаёти тарихида ўчмас ва қодирган ижтимоий—фалсафий омилардан биридир. У ўзининг ўн асрдан ортиқ тараққиёти давомида даврнинг ижтимоий, маданий, ғоявий ва ахлоқий талабларига мос равишда турли шакл ва йўналишларда ривожланиб келди. тасаввуфнинг келиб чиқиши ва ривожланишига ўтишдан олдин уни нима маъно беришини аниқлаб олиши керак. Тасаввуф—олим билан жоҳил ўртасидаги курашдан иборат бўлган қараш, қалбнинг нурга боғланишидир. Аллоҳ мен қалбларингизда бўламан дейди. Дарвишлар қалбини поклаш учун Аллоҳга ўзини бағишлаганлар. Дарвиш ҳақ ва ҳақиқатга ташналик дегани. Ҳақ мутлоқ борлик тушунчаси билан боғлиқ. Бу дунё ҳақ эмас, Аллоҳнинг ўзи ҳақ.

Кўринадиган нарсалар реаллик эмас, ўзгарса реаллик эмас, руҳ ҳақиқий ҳақдир. Комилликка эришиш — комил мусулмон бўлиш демакдир. Ўзида жаъми яхшиликларни бирлаштира, у комил инсон бўлиши мумкин. Бундай комил инсонлар учрайди. Бу фалсафий қарашлар инсонга қаратилган. (Дукчи Эшон, Беҳбудий ва ҳаказо). Бизда тариқат 30 — йилларгача бўлган. Аммо улар Эрон ва Туркияда бор. Бу тариқатнинг аҳамияти шундан иборатки, у инсон камолотига хизмат қилган. Шунинг учун ҳам уни ман қилиб бўлмайди. Ҳозир ҳам керакли. Боболаримиз одамларни бахтли қилиш, одамларни ва жамиятни тарбиялашга хизмат қилган.

Тариқат табиатни, оламни иккига: маъно ва шаклга бўлади. Маъно деб — парвардигорни, шакл деб қолганларини тушунади. Ботил инсон қалби билан боғлиқ нарсалар дейди. Улар ҳам иккига Гайб ва дунё илмига бўлади. Улар бир — бири билан боғлиқ. Илм — бу шакл. Дунёни ақл билан билса бўлади, аммо Аллоҳ илмини билиб бўлмайди. Гайб илмини Латун илми дейилади. У авлиёлар илми. Тақвадор худодан кўрқиб эътиқод қилади. Аксинча худони севиш керак. Худодан жаннатни сўрамай, дўзах азобидан кўрқмай, Аллоҳни севиш керак дейилади. тасаввуф илми исломдан ташқари дея олмаймиз. Тасаввуф мазҳаблар ўртасидаги кураш жараёнида вужудга келган илmdir. Дарвишлар охиққа одамларга ибрат, кўзгу бўлган. Илгари подшолар дарвишлар олдига борган. Чунки дарвишлар подшога, мол — дунёга, дабдабали ҳаётга қарши бўлган. Ривоят: Подшога дарвиш таъзим қилмайди, мен сендан манфаатдор эмасман дейди.

Сўфийлар ва дарвишлар назарида жаннат амнида тоат ибодат қилиш таъмининг бир кўринишидир. Сўфий учун на дунёдан ва на охираддан таъма бўлмаслиги керак. Ягона истак бу — худонинг дийдоридир, холос.

Машхур сўфий Робия Адвия (714–801) тангрига муножотларида нола қилиб айтар экан: «Эй парвардигорим, эй ёри азиз, агар жаннатнинг таъмасида тоат – ибодат қиладиган бўлсам, жаннатингдан бенасиб эт, агар дўзахингдан кўрқиб ибодат қиладиган бўлсам, мени дўзах ўтида куйдир – минг, минг розиман! Аммо сенинг жамолинг деб тунлари бедор ўтказар эканман, ёлвораман, мени жамолингдан маҳрум этма!» Тангри учун сўфийлар Аллоҳни жон дилидан севиш, васлига етишиш, лаззатланиш ғоясини тарғиб қиладилар. Сўфий дегани – жуундан тўқилган мато қийган деган арабча сўздан олинган.

тасаввуф илмини такомиллашувида Кубробий, Нақишбандия, ва Яссавия тариқатлари асосий ўрин эгаллаган. Яссавий даврида зикр тушиш оммавий тусга кирган. Асарлар ёзилган. Профессор Нажмиддин Комиловнинг кўрсатишича, сўфий арабча «сўф» сўзидан ҳосил бўлган деган фикрни билдирадилар. «Сўф» сўзининг луғавий маъноси жун ва жундан тўқилган матодир. Сўфийлар кўп ҳолларда жун чакман ёки қўй терисидан пўстин кийиб юришни одат қилганлари учун уларни жун кийимлар (форсча – пашминапуш), яъни сўфий сўзининг «сўф» сўзидан ясалиши араб тили қонун қоидаларига мос келади.

Агар «сўф» сўзидан «сўфий» ясалган бўлса, ўз навбатида «сўфий» дан «тасаввуф», «мустасуф» сўзлари ҳосил бўлган. Мустасуф ўзини сўфийларга ўхшатиб, тақлид қилиб юрадиган, аммо асл мақсади амал – мансаб, молу – мулкка интилиши бўлган кишиларга нисбатан ишлатиладиган сўз бўлса, мутасуф тариқат ва ҳақиқатга муайян манзилларни эгаллаган, буюк сўфий даражасига кўтарилмаган кишидир. Мутасаввуф – қалбақ сўфиёна ғояларга майл, тасаввуфни эътиқод – мақсад қилиб олган, лекин тариқатнинг амалиётини ўтамаган

расман сўфи бўлмаган одам. Тасаввуфни тадқиқот мавзусига айлантирган кўп олимларнинг таъкид этишларича исломдаги бу оқим VII асрнинг охири ва VIII асрнинг бошларида келиб чиққан бўлиб, у Муҳаммад пайгамбарнинг ҳамда датлабки 4 халифанинг яшаган давларига тўғри келади. Сўфийлик ислом дини асосида вужудга келиб, ўз таълимотини Қуръон ва Хадисларга асосланиб ривожлантирди. Бироқ у ислом динига қадар бўлган эътиқодларнинг ҳамда бошқа динларнинг таъсирида ҳам ривожланади.

✚ **Кубровия тариқати.** XII асрда Ўрта Осиёда вужудга келган, яна бир йирик тасаввуф тариқати — «Кубровия» мусулмон оламидаги энг забардаст мутасаввуф донишмандлардан бири Шайх Нажмиддин Кубро номи билан боғлиқдир. Унинг тўлиқ исми — Аҳмад ибн Умар Абул Жанноб Нажмиддин ал — Кубро ал — Хиваки ал — Хоразмий бўлиб, 1145 — 1146 йилларда Хоразмдаги Хива шаҳрида туурилган. Нажмиддин Кубро ўз даврида «Шайхи валитарам» яъни «валилар тарбиялайдиган шайх» номи билан ҳам машҳур бўлган. Нажмиддин Кубро тасаввуф фалсафаси ҳақидаги турли қарашларни, ҳақиқатни, билиш жараёнига ёндашишнинг ўша давларда ҳукмрон бўлган шаклларини чуқур ўрганди.

Олим Нажмиддин Кубронинг кўрсатишича Кубронинг хислатлари олами Кабир ва олами Сағир ўртасидаги муносабатларни изоҳлашда яққол кўзга ташланади. Олами Кабир — илоҳий олам, олами Сағир эса — инсон. Ҳақиқатни билишда олами кабирнинг ўрни, аҳамияти катта. Инсон ички руҳий кечинмалар, тоат — ибодат йўли билан олами Кабирдаги илоҳий ҳаракатларни излайди, унга дили ва иймони билан аста — секин яқинлашаверади. Худони билиш, унинг бирлигини тан олиш, илоҳ қудратининг моҳиятини дил билан англа.

интилиши ҳам олами Кабирни билиш йўлидир. Инсон олами Кабирнинг бир қисмидир. Олами Сағир ҳақидаги билимларсиз олами Кабир ҳақидаги қарашларни ҳам тўла деб бўлмайди.

Тасаввуфга инсон муаммосини олиб кириш ҳам Нажмиддин Кубронинг буюк хизматларидан биридир. Тасаввуф мавҳум тафаккур, тарки дунёчилик доирасидан келиб чиқиб, ҳақиқий инсон муаммосини ҳам ўргана бошлагач, фалсафага айланди. Кубровия тариқати ўзидан олдинги тасаввуф таълимотларидан инсон муаммосини кўпроқ ўртага қўйиши билан ажралиб туради. Унда инсон фақат илоҳиётга интилувчи, ўзини бутунлай унитиб юборган мавжудот эмас, балки ижтимоий имкониятлар бор бўлган гуч сифатида ҳам талқин этилади.

Кубровия тариқати мукамал диний, фалсафий таълимот сифатида Нажмиддин Кубро Миср, Эрон ва бошқа мамлакатларда юрган даврларидаёқ шакланган ва кўпчиликка маълум бўлган.

**Яссавия тариқати.** Яссавия тариқати туркий ислом дунёсида буюк мусаввуф олим, Шарқ тасаввуфида чуқур из қолдирган «Яссавия» тариқати асосчиси ва туркий классик шеърингнинг улуғ вақилларидан бири бўлмиш Хожа Аҳмад Яссавий XII асрда яшаб ижод этган.

Хожа Аҳмад Яссавий хижрий V аср ўрталарида Сайрамда Шайх Иброҳим оиласида туғилган. Унинг вафот этган вақти кўпгина қўлёзмаларда хижрий 562 мелодий (1166—1167) йил деб қайд этилган. У XII асрнинг энг кўзга кўринган сўфийларидан бири бўлган. Унинг шуҳрати бутун Туркистонни Маворауннаҳру Хоразиму Хуросонни тутган, Яссавийнинг муридлари ҳам сон-саноксиз бўлган. Яссавий тариқатида бойлик, бу дунё лаззатлари инобатга олинмайди, у қораланади.

Чунки улар инсоннинг худога интилиши йўлида ортиқча халал берувчи бир нарса. Уткинчи бу дунёга, бойликка хирс қўйиш Худога ишқ қўйишга халал берувчидир, унга қарама — қаршидир. Шунинг учун бойликка интилишдан, умуман бу дунё лаззатларидан воз кечиш керак. Бошқача қилиб айтганда Яссавийда қўлни ҳам, дилни ҳам бу дунёдан ўзиб, уларни Худога боғлаш керак. Яссавий Аллоҳ ишқида 63 ёшида ер остига кириб тоат — ибодатга берилади. Унинг фикрича, Аллоҳ жамолига мушаррафлик фақат узлатхилватда, зикри самодадир. Аллоҳ ишқида ёниш ва пировард натижада у билан қўшилишга интилиш ҳар бир сўфийнинг олий мақсади бўлганлиги учун А.Яссавий ўзининг «Мавту қибла анта мавту» «ўлашингиздан бурин ўлингиз», «ўзлагингиздан кечингиз» шиорини илғор суради. Шу сабабли бўлса керак хазрат Навоий Аҳмад Яссавийни «Туркистон мулкининг шайхул машойихидир» деб атаган.

Бироқ шунини ҳам қайд этиш лозимки, Яссавий тариқати чуқур инсонпарварлик адолатпарварлик, меҳнаткашларга раҳм — шавқат руҳи билан сўғорилган. Буни унинг шеърияти тасдиқ этади.

**Нақшбандия тариқати.** Бу тариқатга Баҳоуддин ибн Муҳаммад Ал — Бухорий Нақшбанд асос солган. Баҳоуддин (диннинг нури, шуъласи, равшанлиги) унга кейинчалик берилган фахрий номдир. Нақшбанд (нақш солувчи, пул берувчи), унинг отаси ва ўзининг касб — ҳунари бўлгани учун шундай лақаб берилган.

Нақшбанд 1318 йилда Бухоро ёнидаги Қасри Хиндувон қишлоғида туғилади. Ёш Баҳоуддин ўша даврлардаги атоқли мутасаввуф Сайид Амир Қуллодан таълим олган.

Тасаввуфнинг машҳур билимдони, атоқли шарқшунос Е.С.Бертельснинг ёзишича, Нақшбанд

таълимотининг асосида ихтиёрий равишдаги фикрлик ётади. Шунга биноан. Бахоуддин Нақшбанд умри бўйи деҳқончилик билан, ўз қишлоғида унчалик катта бўлмаган ерига буғдой ва мош экиб кун кечирган. У уйида ҳеч қандай мол — дунё ва бойлик сақламаган. Қишда қамишлар устида, ёзда эса бўйра устида ётиб кун кечирган, уйида хизматкорлар ҳам бўлмаган. Нақшбандия тариқатининг бош шiori «Дил баёру даст бакор». Бу демак солих ичида ҳамиша худога кунгил қўйиши шарт. Нақшбандиянинг бошқа шiorлари ҳам ўзида дунёвийликни мужассам ётади, шу тариқа бу тариқат тасаввуфни ҳаётга яқинлаштиради, уни меҳнат қилишлари шароитига мослаштиради.

Бахоуддиннинг тасаввуфга оид панд — насихатларидан иборат мақоматлари Хожа Муҳаммад Персонинг «Рисолайи кулсия». Мақомати «Хожа Нақшбанд», Абдул Мухсин Муҳаммад Бохир Алининг «Мақомати хазрати Нақшбанд» китоби ва бошқаларда сақланиб қолган.

Ўрта Осиё халқлари Хожа Бахоуддин Нақшбандни жуда юксак қадрлайдилар. Халқимиз ул Хазратга биланд эътиқод қўйиб, «Бахоуддин — билагардон!» — дея беҳад эъзозлайдир.

Ўзбекистонимиз ҳозирги мустақиллик йўлидан ривожланаётган бир шароитда «Яссавия», «Кубровия», «Нақшбандия» каби ўлкамизда вужудга келган тариқатлар ҳам ҳар томонлама чуқур ўрганилмоқда. Хожа Аҳмад Яссавий, Шайх Нажмиддин Кубро ва Хожа Бахоуддин Нақшбанд сингари буюк мутафаккир, мутасаввиф донишмандларнинг поклик, тўғрилиқ, ҳуудожўйлик, меҳр — шавқат, инсоф, имон, меҳнатсеварлик каби илгорумумбашарий фикрларидан халқимиз тўла баҳраманд бўла бошлади.

## 9-мавзу: Шариат-ислом ҳуқуқи ва қонун-қоидалари.

### Режа:

1. Шариат тушунчаси. Унинг асосий манбалари.
2. Шариатда ижтимоий муносабатлар, оила, никоҳ, мерос масалаларини қўйилиши.
3. Диний – ҳуқуқий мазҳаблар.

Ислом VII аср бошларида Арабистон ярим оролида Янги идеология сифатида майдонга келди. Унинг пайдо бўлишига арабларнинг ўша даврдаги иқтисодий тарққиёти сабаб бўлди. Ислом дини идеологиясининг таркибий қисми бўлган шариат эса шаклланиб келаётган араб феодализи баъзасининг устқурмаси сифатида пайдо бўлди. Гарчанд, шариат сўзининг арабча луғавий маъноси аниқ, муносиб йўл деган маънони берсада, мазмунан у мусулмон феодалари ва руҳонийларнинг моддий ва маънавий манфаатини ҳимоя қилади. У сиёсий ва бошқа тенгсизликларни оқлаб, гўё тенгсизлик кишилик жамиятига хос нарса деб ўқтиради.

Шариат қонун – қоидалари мажмуи сифатида, асосан, тўрт манбага: Қуръон, Сунна, ижмо ва қиёсга асосланади. Шариатнинг асосий манбаи Қуръондир. Қуръон диний ақидалар, афсона ва ривоятлар ҳуқуққа доир материаллар йиғиндисиدير.

Қуръон ва сунна мусулмон ҳуқуқшунослигининг тарихий, ижмо ва қиёс эса антиқий асосини ташкил этади. Шариат уч хил (ҳаж ва макка, вақф, мулк) ерлари борлигини белгиловчи қилади. Макка шариатига мувофиқ муқаддас ер деб юритилади.

Мусулмонларнинг «муқаддас» урушда босиб олган ерлари мулк ерлари ҳисобланади. Мулк ерлари сотилиши, сотиб олинishi, меросга берилиши мумкин. Меҳнаткаш аҳоли кун кўриш



учун ана шу ерларни ижарага олиб ишлашга ва хирож тўлашга мажбур эдилар.

Вақф ерлари мусодара қилинмайдиган ва солиқлардан озод қилинган мулк бўлиб, ундан келадиган даромадни асосан мусулмон руҳонийлар ўзлаштириганлар, қабристонлар ва бошқа диний муассасаларга қарашли ерлардир. Вақф ерлари сотилмаслиги, сотувга қўйилмаслиги, бировга инъом қилиб берилмаслиги, мусодара қилинмаслиги лозим. Шариатда ҳозирги, жузья, фидоя, закот каби солиқлар бор.

Хирож мусулмон бўлмаган кишиларнинг ерига, жузья бўлса уларнинг жон бошига солинади, фидоя эса мусулмонлар қўлига тушган ажнабийларнинг, ҳарбий асирларни сақлаган кишилардан ундирилади. Солиқларни юқорида қайд қилинган турларидан бошқа яна бирқанча хиллари ҳам бор эди. Лекин солиқлар ичида энг асосийси закот бўлиб, у ҳар бир мусулмонга унинг мол — мулкани ва бошқа даромадлари маълум миқдорга етгач, даромаднинг маълум фоизини (яъни 40 дан бир) тўлаш йўли билан олинади. Руҳонийлар, амалдорлар ва бошқа лавозимга эга бўлган кишилар солиқлардан озод қилинар эди. Меҳнаткаш оммадан эса 55 хилга яқин турли солиқлар ундириб олинар эди.

Шариат жиноятнинг уч хилига, айниқса жиддий эътибор беради. Жиноятнинг биринчиси қонли жиноят бўлиб (бировни ўлдириш ёки яродор қилиш) у ўғирлик ва қароқчилик каби жиноятлардан ҳам оғирроқ жиноят деб юритилган. Бундай жиноятга йўл қўйган кишилар ўлимга ёки тан жароҳатига маҳкум қилинади ёки ўлдирилган кишининг хунини тўлашга мажбуур этиларди.

Жиноятнинг иккинчи хилига диндан қайтиш, зино, ўғирлик, қароқчилик ва шу кабилар кирди. Бундай жиноятга йўл қўйган кишиларни шариат

шафқатсиз жазолаган (ўлимга махкум этиш, тан жазоси бериш ва ҳақозолар).

Юқорида айтилганлардан бошқалари, шариатга номувофиқ бошқа ҳатти ҳаракатлар жиноятчининг учинчи хилни ташкил этади. Шариат қонунлари бунинча бундан жиноятчилар зиндонга ташланарди, қамчи билан саваланар ёки оларнинг мулки тортиб олинарди.

Шариат — ислом қонун — қоидаларини, моддий ва маънавий ҳаётини мусулмонлар бажариши лозим бўлган томонларини белгилайди. Ижтимоий — иқтисодий, гражданлик, ахлоқий ва диний фаолият ва ҳатти — ҳаракатлар бўйича қонун — қоидалар ва нормалар мажмуасидир, шариат диний ва ахлоқий талаблар системасидир.

Шариат тушунчаси ва унинг талаблари доираси кенг бўлиб, инсоннинг ахлоқий ва диний ҳаётини қаттиқ назорат остига олган ва диний қонунлар даражасига кўтарилган. Шариат диний маросимлар, оила, ифода, талоқ масалалари, олди — сотди ва иқтисодий мулк муносабатлари мусулмонларнинг ҳаётига хос масалалар. У дин томонидан ижозат берилган ёки тақиқланган ҳатти — ҳаракатлар, суд ва жазолаш масалаларини ўз ичига олади.

Муҳаммад алайхис — салом Мадинада мусулмонлар жамоасига раҳбарлик қилган даврларида шариат тушунчаси вужудга келмаган эди. Мадина жамоасида Муҳаммад алайхис — салом яқка ҳукмрон сифатида диний маросимчилик, ижтимоий — иқтисодий соҳаларда, шахсий оилавий ҳаёт масалаларида дуч келган муаммоларни ўзи ҳал қилган. У Мадинада ҳам ҳоким, ҳам қози, харбий йўлбошчиликни, ҳам имомликни ўз қўлига олган эди.

Унинг панд — насиҳатлари, ҳукмлари Қуръон ва ҳадисларга киритилган, ҳадисларда акс

эттирилган. Пайғамбарларимиз тириклик давриларида ҳеч қандай қонун — қоидаларга эҳтиёжи ҳам бўлмаган. Пайғамбаримиз вафотидан кейинги дастлабки йилларда Қуръон шариат қонунлари вазифасини бажариб келган.

Мусулмонлар давлати кейинги йилларда кенгайиб борган сари янги — янги масалалар пайдо бўлиб, бунга Қуръон тўла жавоб бермай қолади. Натижада ҳуқуқшунослар Муҳаммад алайҳис — саломнинг Қуръонга кирмаган сўзлари, ҳукмлари, ҳати — ҳаракати, оғзаки айтиб келинган ривоятларига асосланадилар. Бу сўзлар, ҳуқумлар ва қилмишлар тўпланиб, тартибга солинди ва Қуръондан кейинги иккинчи манба сифатида амал қилина бошлади.

### Шариат манбалари:

1. Қуръони карим.
2. Сунна (IX аср иккинчи ярмида).
3. Имжо (имжо ал — умма) жамоа фикри.
4. Таққослаш, қиёслаш.

Шариат қонунларини ишлаб чиқиш Муҳаммад алайҳис — салом вафотларидан кейин қарийб 5 аср давом этди. Бу давр ичида шариат манбаалари ишлаб чиқилади. Шариат қонунлари расмийлаштирилди ва шариат тўпламлари вужудга келди. Натижада «илм фиқих» вужудга келди. Бу илм билан шуғулланувчи кишиларни «фақихлар» деб аталган. Фиқих илми IX — X асрларда кенгайиб чуқурлашиб борди. Исламнинг сунийлар оқимида ҳам дастлабки диний — ҳуқуқ масалалари ёки диний ҳуқуқшунослик системалари вужудга келди. Булардан 4 таси Ханафия, «Имом Молик», аш — Шофий ва Ибн Ханбал масхаблари ҳозир ҳам мавжуд.

Ханафия мазхаби. Унга Нуъман ибн сабит, Абу ханифа (696 — 767) асос солган, Имом аъзам (буюк имом) тахаллуси билан аталади. Абу ханифа

исломда йирик ҳуқуқшунос ҳисобланади. Бу мазҳабдагилар Туркия, Афғонистон, Хиндистон, Покистон, ва айрим араб мамлакатларида яшайди.

Моликия мазҳаби. Унга Мадиналик Малик ибн Анас (719—795) асос солган. Унга шимолий Африка, Испания мусулмонлари мансубдир.

Шофия мазҳаби. Унга Абу Абдулло аш-Шофий (769—820) асос солган. Қисман Арабистон ярим ороли, Мисрда Шириланка ва Индонезияда кенг тарқалган.

Ханбалия мазҳаби. Унга Ахмад Абу Абдуллох ибн Ханбал (780—855) асос солган. Саудия Арабистони аҳолисининг асосий қисми шу мазҳабга мансубдир. Бу мазҳаблар исломда тенг ҳуқуқли ҳисобланади. Қохирадаги Ал—Азҳоб университетида 4 тала мазҳаб ўргатилади. Алоҳида мударрис дарс беради.

Барча ҳатти—ҳаракатлар шариат нуқтаи назаридан 5 та категорияга бўлинади:

1. Фарз — Қуръон талаблари.
2. Суннат — «Макзуб» — бажарса савоб, бажармаса гуноҳ эмас.
3. Мубох — (ихтиёрий) савоб ҳам гуноҳ ҳам бўлмайди.
4. Макрух — гуноҳ ҳисобланмайди.
5. (Харом) махзур қаттиқ тақиқланган.
6. Вожиб — ҳукмдорнинг фармон ва буйруқларини бажариш.

### **Диний—ҳуқуқий мазҳаблар:**

Жаҳондаги 1 миллиард 300 миллион мусулмонлар қуйидаги 4 та диний—ҳуқуқий мазҳабларга мансубдир:

1. Хонафия мазҳаби — 47%
2. Шофий мазҳаби — 27%
3. Моликия мазҳаби — 17%
4. Ханбалия мазҳаби — 1,5%

Мазхаб — арабча оқим, йўл, таълимот. Ислом — итоат, ихлос, омонлик деган маънони билдиради.

## 10—мавзу: Ислом динидаги оқимлар ва мазхаблар.

Режа:

1. Исломдаги Сунний ва Шиа йўналишларининг пайдо бўлиши сабаблари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Сунний ва Шиа йўналишларидан келиб чиққан турли мазхаблар.

Ислом дини пайдо бўлганидан кейинги дастлабки ўн йиллар давомидаёқ мусулмонлар иккита йирик оқимга — суннийлар ва шиалар оқимига бўлиниб кетишган. Бу икки оқим қисқача айтганда халифалик тахти учун олиб борилган сиёсий кураш натижасида ва илк исломда ички зиддият, ўзаро норозилик ва душманлик туғилиши муносабаби билан содир бўлган. Бу оқимлар ҳозиргача сақланиб қолган бўлиб, улардан биринчиси, яъни суннийлар дунёдаги барча мусулмонларнинг 80% фоизи, шиалар эса 20% фоизини ташкил этади.

Ҳозирги пайтда суннийлар асосан араб мамлакатларида Туркия, Афғонистон, Индонезия, Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш, Хитой, Болгария, Албания, Югославия ва бошқа мамлакатларда яшайдилар. (Бу мамлакатларнинг баъзиларида шиалар ҳам бор). Бизнинг мамлакатимизда, Ўрта Осиё республикаларида, Қозоғистон, Волга бўйида, Шимолий Кавказ ва Дағистонда яшовчи мусулмонлар суннийлардир. Суннийларнинг муқаддас шаҳри Саудия Арабистонидаги Катъа ибодатхонаси жонланган Макка ва Мухаммад қабри қўйилган Мадина ҳиобланади.

Суннийлар дастлабки турт халифа — «чорёрлар» — Абу Бакр, Умар, Усмонлар

ҳокимиятини қонуний деб ҳисоблаганлар, улар шаънига чексиз мадҳиялар ўқиб уларни беҳад улуғлаганлар. Улар ўзларини «тўғри йўлдан боровчилар» деб ҳисоблаганлар. Суннийлар оқимининг номи «Одат», «Ривоят» маъноларини ашлатувчи арабча «сунна» сўзидан олинган. Суннийлар илгари (ҳозир ҳам) исломда кўпчиликни ташкил этиб, ҳадислар тўплами Суннани Қуръондан кейинги ва унга қўшимча муқаддас манба деб даъво қилганлар. Бу тўплам асосан давлат, жиноят, мулк, оила, ҳуқуқ, ахлоқ нормаларини жорий қилиш, тавсифлаш зарурияти туфайли пайдо бўлган.

Сунна – Муҳаммаднинг ҳаёти, фаолияти ҳақидаги ҳадислар ҳамда гўё унинг айтган ҳикматли гапларидан иборат бўлган ривоятлар тўплами. Суннада яна ҳаётининг турли ҳолатидаги гўё пайғамбар изхор этган фикр ва мулоҳазалар ёзилган. Мутакаллимлар фикрича, сунна қуръонга қўшимча ва шарҳ бўлиб, исломда шу муқаддас китобдан кейинги иккинчи ўринни эгаллайди. Сунна VII аср ўрталарида йвғила бошланиб, бир ярим икки аср давомида унинг ҳадислари жуда кўпайиб кетди. Унда Араб халифалигидаги синфий муносабатлар, ижтимоий зиддият, ислом идеологияси атрофидаги кураш ва келишмовчилик ўз ифодасини топган. Турли синфлар ижтимоий гуруҳларнинг вакиллари кўплаб ҳадислар тўқиб ўз манфаатларини ифодаладилар. Табиий бир – бирига тескари, зид ҳадислар юзага келиб, маълум масала юзасидан ҳар хил фатво тўқиш, хулоса чиқариш мумкин бўлиб қолди. Ниҳоят, IX асрга келиб, «Ривоятлар илми» деб номланиб бир системага солинди. Бу илм ҳадислардан ҳар бирининг ҳақиқийлигини исботлаш керак эди. XI асрда гўё Муҳаммадга ҳақиқатан ҳам дахлдор бўлган ҳадисларнинг 6 та тўплами вужудга келди. Шулардан иккитаси – Бухорий тузган «Саҳих

Бухорий» мусулмонлар орасида айниқса муътабар ҳисобланади. Сунна Қуръон билан бир қаторда дин, ахлоқ, фикҳ (қонун)нинг муқаддас манбаига айланди. Бунда Суннанинг тўпламлари кўпгина масалалар бўйича Қуръонга зид келиб қолганлиги маълум бўлди. Сунна Қуръодан келиб чиққани, вақелик мукамалроқ акс эттирилгани учун мунозара, зиддият, конфликт чиққанда ун афзал кўриб, унга суянадиган бўдилар. Суннада социал масалалар кўпроқ ўрин олгани учун у мусулмон ҳуқуқшунослигининг манбаларидан бири хизматини ўтайди. Ҳозирги замондаги кўпчилик уламолар Қуръон билан бирга Суннани ҳам муқаддас ёзувга киритиш учун ибодатда, юридик, ишларда шак – шубҳасиз уни қўлаш, шартсиз – писандсиз суяниш керак, деб чиқмоқдалар. Ислом модернистлари Қуръон ақидалари каби Сунна оятларини ҳам ҳозирги замон талаблари, социал – иқтисодий шароит, мусулмонларнинг савияси ҳаёти ва эҳтиёжларига мослаб «янгиламоқ»далар, замонавийлаштираётирлар. Сунна тарафдорларини суннийлар деб, унинг мухолифларини эса шиалар деб аташ одат тусига кириб кетган.

Шиизм «гуруппа», «партия», «тарафдорлар» деган маънони берувчи арабча «шиа» сўзи бўлиб, ўзининг аҳамияти ва тарафдорларининг сонига кўра исломнинг иккинчи оқимидир. Шиалар мусулмонлар орасида озчилигини ташкил қиладилар. Улар Яманда, Ироқнинг жанубида, Эронда, Покистонда кенг тарқалган. Озарбайжон, Арманистон, Доғистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистонда ҳам бир қисми яшайди. Бу оқим VII асрнинг иккинчи ярмида, яъни ислом биринчи асрининг биринчи ярмида Ироқда мусулмонларнинг махсус ва сиёсий гуруҳаси сифатида пайдо бўлган бўлиб, у чорёрларнинг тўртинчиси – халифа Алининг тарафдорларини,

узида бирлаштирган.

Шидлар оқими, Арабистонда пайдо бўлган бюрократик давлат халифалигидаги олий ҳокимият учун олиб борилган кескин сиёсий кураш жараёнидан келиб чиққан. Халифаликнинг барча бош лавозимларида 644 йилда бошлаб қурайш қабиласига мансуб бўлган халифа Усмон бошлиқ маккалик аристократлар қўлига ўтади. Улар ислонга бўйсундирилган. Башқа халқлардан ташқари мусулмон арабларни ҳам қаттиқ эксплуатация қилади. Бундан норози бўлган араблар, Усмонга қарши қўзғалон кўтариб, уни мадинада бўлдиришади. Али тарафдорлари, Али пайғамбарнинг қариндоши унинг амакиваччаси, ва куёви бўлганлиги сабабли халифа бўлиши керак, унинг вафотидан кейин эса бу лавозим унинг авлодларига мерос бўлиб ўтиши керак, деб чиқишди.

Нихоят 656 йилда халифалик лавозимига Али кўтарилди. Бироқ у ўз ҳокимиятини қурайш аристократиясидан ҳимоя қилишга мажбур эди.

Тахт учун курашда Сурия ҳокими Муавия бошлиқ қурайиш задогонлари ғолиб чиқади. Халифа Али тириклик вақтидаёқ Муавия халифа деб эълон қилинади. Ривоятларга қараганда 661 йилда Ироқдаги Куфа шаҳри маҳалладаги жума номозини ўқиб чиқаётган халифа Алини сиёсий душманлар томонидан учи захарланган қилич билан қаттиқ ярадор қилинади. Али ўлими олдидан (қотил) душманни ўлдиришни, ўзини жасадини туяга боғлаб чўлга қўйиб юборишни ва туя қаерда тўхтаса ўша ерга дафн қилишни васият қилган эмиш. Афсонада айтиладики, 20 километр юргандан сўнг, халифани жасади ортилган туя чуқкалайди. Унинг тарафдорлари уни ўша ерга дафн қилиб, кабр устини баланд қилиб кўтардилар, атрофига узларини чодирларини қурадилар.



Наджаф шаҳри мана шундай пайдо бўлган. «Наджаф» арабчасига тепа, баландлик деган маънони англатади. Ҳозирги кунда ҳам салобатли кўринишга эга бўлган жойлари халифа Алининг мақбараси ва шу билан бирга мечит биносидир. Атрофи баланд девор билан ўралган. Бу кириш жойи бир нечта бўлган узундан узун бино. Марказий залнинг гүмбазини ташқарисидан юқа олтин билан қопланган. Ичкарилари садаф билан нақш солинган. Марказий залда чиройли қилиб ишланган, қумуш панжара орасида оддий формадаги катта қабртоши бор. Мавзолей деворлари мрамор билан қопланган.

Ҳозирда хар йили Наджафга бир неча минг зиёратчи келади, албатта улар қимматбаҳо совғалар билан келишади. Ривоятларга кўра Алининг қўли билан ёзилган Қуръон ҳам шу ерда сақланади.

Шиалар Алининг ўғиллари Ҳасан ва Хусанни ҳам ғоят улуғлайдилар.

Наджафдан 80 километр шимолда шиаларнинг яна бир муқаддас шаҳри Карбало жойлашган. Вилоят маркази ҳисобланган бу шаҳарда фақат шиалар яшайдилар. Суннийларнинг яшаши ўринсиз, христианлар яшаши ва ишлаши тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бу ерда халифа Алининг ўғли ва Муҳаммад пайғамбарнинг невараси, шиаларнинг энг ҳурматли муқаддас жойи — имом Хусайиннинг қабри бор.

Ироқ тарихчилари ўртасида шаҳар номининг келиб чиқиши тўғрисида турлича мулоҳаза мавжуд. Лекин кўплар уни «Кар — бал — илоҳ» (оллоҳ билан ёнма — ён) ёки «Қур — бабель» (Вавильон райони) ёки «ал — қурб ва ал — бало» (мотам ва фалокат) деган сўзлардан олинган деб ҳисобламақда. Лекин оддий ироқлик онгида Карбало шаҳарини халифа Али уруғига қайтармоқчи бўлган имом Ал — Хусайин ва у дафни қилинган жойини тушунади.

Би-инингча «ал — қуриб ва ал — бало», яъни мотам ва фалокат рўй берган жой деган мулоҳаза ҳақиқатни билдиради.

Шиа-лар мусулмон жамоасини беш имоми деб халифа Али ва қизи Фотима орқали Муҳаммад пайғамбарни тан олишади. Халифанинг ўғли жасур ва қўрқмас ал — Хусайин ироқ арабларига таяниб, давлат учун кураш бошлади. Халифа Муавия Умийдан сўнг у Маккага кўчиб ўтди ва Муавиянинг меросхурларига қарши жангга тайёрланди. Ироқ араблар у билан учрашиб унга ёрдам беришга ваъда бердилар. Куфага юборилган ал — Хусайиннинг қариндоши Ироқ мусулмон аҳолиси сени тарафингда урушга тайёр деб хабар беради.

Лекин воқеалар Хусайин фойдасига хал бўлмади. Куфа керакли вақтда ёрдамга келмади. 680 йилда Карбало даштида халифанинг ноиб, «Язид» катта отряд билан 300 кишилик ал — Хусайин отряди билан тўқнашади. Ал — Хусайин мудофага ўтди. Ҳужум қилаётганлар канални йўлини тўсиб уларни сувдан махрум қилдилар. Иссиқдан қийналган ва чонқақдан холдан кетган кишилар мудофаани бас қилиб, учинчи кун ҳужумга отилдилар, лекин ҳаммалари ҳалок бўлдилар.

«Карбало фожиаси»га ҳар йили мусулмон календари бўйича шиитлар Мухаррам ойида шахид ва жафокаш ал — Хусайин шарафига мотам маросимини ўтказишади. Карболонинг ҳамма кўчасида сув тўла баклар туради. Зиёратчиларга қўйилган бу бакларда сувни ташкил қилган кишиларнинг исми ёзилган. Бакларга ёки кўчага ниқазилган сув тармоғи жумрагига занжир билан кружкалар боғланган. Баъзи бир сув манбалари олдида қора материалга шундай нарсалар ёзилган: «Сувдан ич ва ўлдирилган ал — Хусайинни эсга ол», «Ич чанқаган йўловчи, сувдан ич ва язидга

лаънатлар ўқи».

Ал — Хусайин қабри устига қурилган мачит архитектура бўйича Нажафдаги Али мачитидан фарқ қилмайди: у ҳам катта майдон марказига жойлашган, мақбараси ҳам кумуш панжара билан ўралган. Гумбаз ва 2 та миноралар олтин парчалар билан қопланган. Майдонга ҳам садаф билан ишланган баланд ва қошин билан безатилган тўртта дарвоза орқали кирилади.

Шаҳарнинг бошқа четида ота томонидан ал — Хусайиннинг амакиси Ал — Аббос қабри устига ҳам мачит қурилган. У ҳам ал — Хусайин билан жангда бирга халок бўлган эди. Мачитни жихозланиши аввалгилари билан бир хил. Лекин усти камтарона безатилган: фақат гумбаз олтин парчалар билан қопланган, миноралар эса оддий сопол билан безатилган. Ал — Хусайин ва ал — Аббос мачитни турган деворларда яшил, қора ва қизил алвонлар шамолда хилпираб турибди. Яшил — исломнинг анъанавий ранги.

Эрондан келтирилган пўстлоққа солинган расмлар Муҳаммад пайғамбар ва Халифа Али доимо яшил саллада тасвирланадилар. Аббосий халифаларнинг қора байроғи — Али авлодлари ўлимига тугилган мотам маросими рамзи ҳисобланади.

Мусулмон ривоятларига кўра, имом Ал — Хусайин отряди халифа аскарлари билан қизил байроқ остида жанг қилган. Шувинг учун мусулмон байрамлари куни Ироқ қишлоқларидаги лой кулбалар тепасида давлат байроғи билан биргаликда яшил, қора ва қизил байроқлар ҳам хилпирайди. Шиаларнинг муқаддас шаҳарларида бу байроқлар бошқаларидан баландроқ осилади.

Ал — Хусайин мачитига олиб боровчи дарвозалардан бири олдида дўқончалар жойлашган. Бу дўқончаларда лойдан ясалган кичкина тахта ва

уларга ёзилган қандайдир сўзлар бор нарсалар  
ётилади. Бу плиткчалар жанг бўлган ва Ал—  
Хусайин ўлдирилган Карбало даштидаги тупроқдан  
осалган. Номоз вақтида бу плиткчаларни шиалар  
оқдиларига қўйиб, унга «Ал—Хусайин қони томган»  
деб пешоналарини тегизадилар.

Ҳар йили Муҳаррам ойининг 1—10 кунларида  
Карбалога мингларча зиёратчилар келишади.  
Уларни қанчалигини ҳеч ким айта болмайди. Улар  
бутун меҳмонхона ва карвонсаройларни эгаллаб  
олишади. Сигмаганлар шундай Ал—Хусайин ўлган  
кунни Муҳаррамнинг 10 кунни соат эрталабки 4 да  
Карбалога иккита мачитда ниҳоятда кўп одам  
гўпланади. ва «аза» бошланади. Тунда олдида ўз  
кўкрагига муштлаётган одамлар боради. Улар қора  
гўйлак кийиб олган. Группа олдида ва улардан  
кейинда «Карбало фажиаси» ва Ал—Хусайин  
ўлишини қаттиқ гапирадиган ходи сўзгачиқади.  
Иккинчи группа қатнашчилари ҳам қора кийим  
кийган улар бўйинларига ва баданларига занжир  
билан урадилар. Баъзида занжирга кичкина  
михчалар жойлаштирилади ва михлар кўйлакларни  
дабдала қилиб баданларини тиркаб юборади. Бу  
группа охирида ҳам Карбало жанги ва Ал—  
Хусайиннинг ўлими ҳақида баланд овозда ваъз  
айтаётган ходи боради. Учинчи ва энг қийин жойи  
шуки, азада иштирок этаётган эркаклар қилич  
билан бошларига 3—4 урадилар ва ёрадилар. Қон  
оқиб, кўйлак ва юзларига тўшишига қарамай, узун  
тўғри қилични орқаси билан уришни давом  
этирадилар. Кўплари қаттиқ уришганидан хушдан  
кетадилар ва уларни санитар машинасида  
касалхонага олиб кетилади. Аза тутагандан кейин  
ёрилган жойга халқ табибчилигига доир бўлган  
дори—малҳам билан лой аралаштириб ёпиштириб  
қўйишади. Карбалода аза маросими Ал—Хусайин  
ва Ал—Аббос мачитида бошланиб, яна шу ерга

қайтилади. Бу маросимлар музика садолари остида бўлади: нигора ва думбиралар, мис идишлар чалинади, шунга мослаб ҳар хил сўзлар, ёки ходини овозига қўшилиб қичқирилади. Бунақа аза маросимлари муҳаррам ойининг 10 кунини мобайнида Куфада, Нажафда ва иккита шиа имомлари дафн қилинган. Ироқ пойтахтидаги Эл — Козимайида ҳам ўтказилади.

Азага бир неча кун қолганда Карбало ва бошқа шиалар шаҳри марказида Карбалодаги жанг, Ал — Хусайн отрядининг камали ҳақидаги воқеаларини кўрсатувчи театрлаштирилган томоша кўрсатувлари — «ташабих» кўрсатилади. Томошабинлар баъзида Ал — Хусайнни ўлдирувчи кишига тошлар отишади — шунинг учун бу ролга актёр топиш қийин. Ироқ президенти бу маросимларда давлатга қарши чиқишлар бўлаётгани сабабли «ташабих» ва аза маросимларини тақиқлаган. Баъзи вақтда Ал — Хусайн ўлимини гапириб берувчи ходи замонавий воқеаларни ҳам қўшиб гапиради. Чунки Ал — Хусайнни ўлдирган халифа каби, Ироқ президенти ҳам суннийлардан шунинг учун камбағал шиалар президент теварагида турган кишиларни ёмон кўришади. Кўп асрлар шиаларнинг муқаддас шаҳри ўзгармай келган. Лекин вақт ўзини кўрсатапти. Сўнмас мотамлар шаҳарларни секин — аста янги ҳаётга тартиляпти. Бир қанча юз йил олдин қурилган уйлар орасида янги кўчалар пайдо бўлмоқда, мачитлар майдони тозаланиб, янги каналлар, канализациялар ўтказилляпти. Куфада ва Карбалода янги муассасалар қурилмоқда, эски кварталлар йўқолиб бормоқда, янги диний мактаблар очилмоқда. Бажим бир қанча вақтлар ўтар, Ал — Хусайн ва Ал — Аббос мақбарасига зиёрат қилувчилар ёки йўқолиб кетар. Шиалар Алидан бошқа барча сунний халифаларини узурпаторлар

(яъни сиёсий ҳакимиятни зўравонлик йўли билан қўлга олган кишилар) деб ҳисоблайдилар ва Алининг авлоди бўлган 12 имомдан иборат ўз династияларини уларга қарши қўядилар. Шиалар Амини, унинг ўғиллари Хасан ва Хусанни ҳамда уларнинг авлодларини шахид яъни дин учун жангда улган деб ҳисоблашади. Уларнинг охиргиси Муҳаммад исимли бўлиб, шиалар уни имом Махди деб аташади. Унинг вафот этган жойи ва вақти ноаниқ. Шунга кўра, шиалар уни мусулмонларнинг халоскори сифатида қайтариб келади ва ер юзида адолат ўрнатади, деб ишонадилар. Шиалар қуръонни шартли равишда муқаддас китоб деб тан олмадилар. Бироқ улар Қуръоннинг бизгача етиб келган Усмон нусхасига Алининг улуғлигини кўрсатувчи «Икки нур» сура (шиалар Қуръондан тушиб қолган деб ҳисобловчи бу сурада гўё оллоҳнинг Муҳаммадга қарата айтган қуйидаги ибораси бор эмиш: «Агар сен бўлмаганингда мен оламни яратмасдим, лекин Али бўлмаганда эди, мен сени ҳам яратмаган бўлардим») суннийлар томонидан атайлаб киритилмаган, деб ҳисоблашади. Агар Қуръонга «икки нур» сураси ҳам қўшилсагина шиалар учун ҳам «каломи шариф», «Калом — ал — Иллоҳ» яъни Қуръон тўла деб қабул этилган бўлур эмиш.

Шиалар ислом ривоятларидан иборат сунна гўпламининг Муҳаммаднинг саҳобаларига асосланган қисмларини тан олмайдилар, балки суаннанинг фақат Али ҳамда унинг авлодларига асосланган қисмини тан олишади. Бунгача қўшимча равишда уларнинг яна бошқа ўз муқаддас ривоятлари «Ал — ахбор» яъни хушхабарлар гўпламига ҳам эга. Бу ривоятлар Али ва унинг авлодларига бағишланган.

Вилоятимиз территориясида шиа мазҳабига мансуб диндорлар бўлмасада, аммо айрим

диндорлар ашурлик маросимини ўтказадилар. Имом Хусайн шарафига катта зиёфатлар қиладилар.

### Ислом мазҳоблари

Ислом дини тарқалган мамлакатларнинг тарихий тараққиёти жараёнида уларда юз берган иқтисодий – сиёсий ўзгаришлар натижасида турли даврларда мусулмонларнинг турли группалари пайдо бўла бошлади. Бу группалар мусулмонларнинг ҳам суннийлар оқимидан, ҳам шиалар оқимидан ажралиб чиққан бўлиб, мусулмон мазҳаблари дейилади. Мусулмон мазҳаблари суннийлар халифасини ҳам шиалар имомини ҳам тан олмайди. Улар ўзлари учун шариат кўрсатмаларини ҳам мажбурий деб ҳисобламайдилар.

Ислом мазҳаблари мусулмонларнинг мустақил диний ташкилотлари бўлиб улар мусулмон мамлакатларининг даярли ҳаммасида мавжуддир. Суннийлар оқимидан ажралиб чиққан мазҳаблар: Аҳмадийлар, Алавийлар, ибодийлар, идрисийлар, қодирийлар, муридийлар, радишийлар, солихийлар, сомонийлар, бодавийлар, дархавийлар, равонийлар, сенусийлар, тонбейлар, тижонийлар, шодимийлар, ваҳобийлар ва бошқалар. Шиалар оқимидан пайдо бўлган мазҳаблар: хорижийлар, исмонлийлар, зейдилар, низорийлар, ионаашариатлар, корматлар, друзлар, алавийлар, бахорийлар, исмоилилар, жаъфарийлар ва бошқалар. Ислом мазҳабларидан баъзиларига қисқача тўхталамиз.

**Хорижийлар мазҳаби** исломдаги мазҳаблардан бири ҳисобланади. У Али билан Муавия ўртасида халифаликнинг олий лавозимини қўлга олиш учун олиб борилган кескин кураш жараёнида пайдо бўлган. Учинчи халифа Усмон ўлдирилгач Мадина шаҳрида пайғамбарнинг қариндоши Али халифа этиб сайланди. Бироқ Усмон ҳукмронлиги даврида, ўзининг иқтисодий ва

ишчи аҳволини мустақкамлаб олган араб илдогонлари Алининг халифалигини тан олмайдилар. Сурия ҳокими Муавия бошлиқ қурайиш задогонлари Алидан ўч олишга киришади. Уни хатто Усмонни ўлдирилишида ҳам иштирок этган деб эълон қиладилар. Али билан Муавия тарафдорлари ўртасида шиддатли сиёсий кураш бошланади. Али ўзининг туриш жойини Ироқнинг Куфа шаҳрига кўчириб, Ироқ ва Эрондаги араб қабилаларига таянади. Хорижийлар ҳаракатининг пайдо бўлишига Алининг Муавияга қарши курашда кўрсатилган қатъиятсизлиги, унинг ўз душманига қарши бериши сабаб бўлган. Алининг бу қатъиятсизлиги ўз тарафдорларининг норозиликка олиб келди. Али армиясидан ажралиб (хориж) чиққан 12 минг жангчи Али томонидан туриб Муавияга қарши жанг қилишдан бош тортади. Алининг ўзига қарши душманга айланган, улар хорижийлар ташкилотини тузиб, ҳам Алига, ҳам Муавияга қарши жангавор кураш бошлаган.

Хорижийлар 661 йили Алини ўлдиришган. Муавия ҳукмронлиги йилларида (661–680) VII–IX асрларда йирик хорижий қўзғалонлари бўлиб ўтган. Хорижийлар X асрда шимолий Африкада хатто ўз давлатларини – рустамийлар сулоласини ҳам яратишга мувофиқ бўлишган. Хорижийлар айрим араб қабилаларининг оддий аъзолари бўлмиш меҳнаткашларнинг айниқса деҳқонларнинг орзу – умидларини ифода этган. Улар ўз давлатларида бир мунча демократик шиорларни олға суришган. Бу мазҳаб тарафдорлари ҳозирги пайтда аввалги сиёсий активлигини йўқотган бўлиб, улар Жазоир, Уммон, Заңжибар, Тунис, Ливия каби мамлактларда учрайди.

**Зейдилар мазҳаби:** Феодал низолар заминида VIII аср ўрталарида шиа мусулмонлари сафидан яна бир гуруҳ ажралиб чиқиб, у мустақил зейдилар



мазхабини ташкил этади. Бу мазхаб 740 йили Куфада уммавий сулоласидан бўлган халифа Хишонга қарши курашган халқ қўзғолонига раҳбарлик қилган Зейт ибн Али номи билан аталади. Зейд Алининг эвараси ва учинчи шиалар имоми Хусайиннинг набираси бўлиб, халифа қўшинлари билан бўлган жангда ўз тарафдорлари билан бирга халок бўлган.

Зейдилар 864 йили Ироқнинг Шимолида ўз давлатини тузган. Бу давлат 300 йилча яшаган. 901 йили эса улар Яманда давлат ҳокимиятини қўлга олишган.

Зейдлар диний таълимотнинг шаклланишига мутаазийлар ва хорижийлар муҳим таъсир этган. Улар тақдирга ишонишни, Қуръоннинг «азалдан» мавжудлигини, оллоҳнинг сўзи эканлигини тан олмайдилар. Зейдлар кўпгина шиа маросимларига амал қилишади, бироқ ўз турмуш шароитларига кўра суннийларга яқин туради.

**Исмоилийлар мазхаби:** Бу мазхаб тарафдорлари шиалар орасида энг кўпчиликини ташкил этади. Мазхаб VIII асрнинг иккинчи ярмида Бағдод халифалигида пайдо бўлган ва имом Жаъфарнинг ўғли Исмоил номи билан аталади. Исмоилийлар диний таълимоти гўё бутун оламини яратган «дунёвий ақл» ва «дунёвий руҳ»га эътиқод этиш асосий ўрин эгаллайди. Исмоилийлар таълимотига неоплатончилар фалсафаси ва буддизмнинг катта таъсири сезилади. Исмоилийлар турли даврларда халқларга турли пайғамбарларнинг юборилиши — «дунёвий ақл» нинг ерда намоён бўлишидир, деб ҳисоблашади. Улар еттита пайғамбарни — Одамато, Иброҳим, Нух, Мусо, Исо, Муҳаммад ва Исмоилни тан олишади. Уларнинг фикрича имомлар пайғамбарларнинг ворислари ҳисобланади.

XI асрдан бошлаб Исмоилийлар мазхаби

сифий зиддиятларнинг кучайиши натижасида турли мазхабчаларга бўлиниб кетди. Ҳозирги пайтда Исмоилийлар Ўрта Шарқ мамлакатларида, Хиндистон, Уганда, Кения, Танзанияда ҳам Тожикистоннинг тоғли районларида яшайди.

**Друзлар мазхаби:** Ўз таълимотига кўра, бу мазхаб Исмоилизмдан келиб чиққан. Друзлар оллоҳнинг ягоналигига эътиқод қилишади ва 998—1021 йилларида ҳукмронлик қилган фотимийлар халифи Ҳакимни «Худо йўлини кўрсатувчи» илоҳий куч деб ҳисоблайди. Улар ҳакимни ҳалоскор сифатида ерга иккинчи марта келади, деб ўйлашади. Улар ўзларининг «муқаддас» китобларига эга. Уларда диний маросимлар унчалик ривож топмаганю Шу сабабли мачитларига ҳам эга эмас. Барча мазхабчилар каби друзлар ҳам шариатни, шиа имомларини ва муннийларнинг халифаларини тан олмайди.

Друзлар XVI—XVII асрларда турк ҳукмронлиги даврида нисбатан мустақилликка эришганлар. Улар биринчи жаҳон урушидан кейин (айниқса 1924—1925 йилларда) Сурия ва Ливанда француз мустамлакачиларига қарши бошланган миллий—озодлик ҳаракатида актив иштирок этганлар.

## 11-мавзу: Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар.

### Режа:

1. Ўзбекистонда виждон эркинлигининг жорий қилиниши. Янги қонунни қабул қилиниши.
2. Виждон эркинлигини ҳаётга тадбиқ этилиши. Дин ва диний ташкилотларга муносабатни ўзгариши.
3. Дунёвий давлат ва дин.

Демократик, инсонпарвар ва дунёвий давлат бўлган Ўзбекистон Республикасида 100 дан ортиқ

халқ ва миллатлар, 15 диний конфессия вакиллари ишламоқда. Республикамизда ислом динига эмас, балки яхудийлик, христиан конфессиялари — Рус православие, Рим — католик, Арман — григорян, Аютгеран черковлари, баптистлар ва бошқа жамоалар фаолият юритмоқда.

Барча динлар, диний уюшмалар кенг фаолият кўрсатаётган республикамиз қишлоқ ва шаҳарларида миллий мустақиллик қўлга киритилгандан кейинги йилларда барча динлар, шу жумладан ислом дини қадриятлари қайта тикланди.

Ислом динига сифинувчилар сафи кенгайиб бормоқда, ёшлар динни қизиқиб ўрганмоқда, диний маросимлар, хусусан исломий хайитлар тикланиб, бу табаррук хайитлар халқимизга кўпдан — кўп маънавий кайфият бағишламоқда. Минглаб мадраса, масжидлар қайта таъмирланди, кўплаб янгилари қурилди. Ҳозирги даврда Ўзбекистонда 3,5 мингдан зиёд мачитлар расман рўйхатга олинган ва улар фаолият кўрсатмоқда. Тошкентда 1999 йили ислом университети очилди. Мусулмонлар диний идораси иш олиб бормоқда. Ушбу идоралар кўплаб чет мамлакатларидаги ислом идоралари билан алоқа қилмоқда, делегатлар қелмоқда, диний кадрлар тайёрлаш, диний адабиётлар тайёрлаш соҳаларида ҳамкорлик қилинмоқда.

Диндорларнинг ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қонуний асосларда аниқ белгилаб қўйилган. «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади». Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қадриятларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди. (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Ўзбекистон. Т. 1992. 31 — модда).

Дунёвий давлатларда, яъни давлатдан дин, диний ташкилотлар ажратиб қўйилган

тамлакатларда, инсонпарвар, демократик жамиятларда виждон эркинлиги таъминланган.

Виждон эркинлиги нима? Динларга, диний урф — одатларга, иймон — эътиқодларга ҳар бир фуқаронинг амал қилиши ёки ҳеч қайси динга амал қилмаслик ҳуқуқларини жорий этилиши ва улардан шахсларнинг бемолол фойдалана олиши бу виждон эркинлигидир.

Виждон эркинлиги инсоният тарихида турли шаклларда амал қилинган бўлиб, улар ҳукмрон диний мафкура, дунёқараш талабларига нисбатан иддиятда бўлиб келган.

Виждон буюрган эътиқодни расмий диний мафкурага қарама — қарши бўлган эркин фикрловчилар эътиқоди виждон эркинлигидир. Улар тарихда турли шаклларда бўлган.

**1. Деизм** — табиатни худо яратган, худо билан табиат ажралмайди, деб ҳисобловчи эътиқод эди. Шамол худоси, денгиз худоси, осмон худоси; ер ёсти худоси деган тасаввурлар деизм туфайли мавжуд бўлган.

**2. Пантеизм** — табиат ўз сабабларига кўра, унга ососланиб ривожланади, унга худолар таъсир қилолмайди, деб ҳисобланган. Табиатдаги ҳамма нарсаларни худо томонидан яратилганлигига қарши унинг мафкурасига қарши таълимот эди. Пантеизм — табиатшунос олимлар томонидан ишлаб чиқилган. Пантеизм виждон эркинлигининг тарихий шакли сифатида ҳозир ҳам айрим олимлар қарашларида мавжуд.

**3. Мутазилийлик** — ислом дининг расмий мафкураси бўлган калом фалсафасининг, яъни оллоҳ якка, у хоҳлаганини қилади, бандаларига ҳеч қандай ўз фикр, хоҳиш — ирода эркинлиги бўлиши мумкин эмас деган ақидаларни тарғиб қилувчи руҳонийлар мутакаллимлардан норози бўлган исломдаги хурфикрлик мавкидаги олимлар

таълимоти эди. Мутазилилик таълимоти Оллоҳ яратган ҳар бир одам ўз ҳатти — ҳаракати учун ўзи жавобгар, яхши ва ёмон қилган ишлари учун ўзи Оллоҳ олдида жавоб бериши лозим. Инсон эркин фикрлашга ҳақли деб ҳисоблайдилар. Бу таълимот халифалар Хорун ар — Рашид ва Маъмун (IX — X асрлар) даварларида халифаликнинг расмий мафкураси бўлган эди.

**4. Қўш ҳақиқат** — бу таълимотга асосан дунёда оллоҳга маълум бўлган барча яхши ишлар исломий ҳақиқат бўлиб, уни тан олоқ керак. Бу биринчи, ҳақиқатдир. Бу ҳақиқатга кўра Қуръон, хадис шариат, ислом, ақида ва маросимлари, ахлоқ — одоблари, боқий ва фоний дунё каби барча фикр — мулоҳазалар айни ҳақиқатдир. Бироқ бир гуруҳ олимлар, исломий тафаккирлар дунёвий илмлар очаётган янгиликлар ҳақиқат деб ҳисобладилар, бу иккинчи ҳақиқатдир. Иккинчи ҳақиқат тарафдорлари одатда хурфикрлилик мавқеида турадилар. Улар биринчи ҳақиқатни инкор қилмайдилар, аммо улар оламга, дунёвий фанлар очаётган ҳақиқатнинг кучига ҳам ишонадилар. Фаробий, Ибн Сино, Беруний, ал — Хоразмий, Умар Хайём, Улуғбек, Навоий, Жомий каби олимлар қўш ҳақиқат мавзесида ижод қилишган.

**5. Атеизм** — XVIII асрда Францияда марифатпарварлар, файласуфлар томонидан олға сурилган таълимот эди. Ф.Вольтер, Д.Дидро, Лометри, Гольбах ва бошқалар Франция Республикасининг биринчи конституциясига виждон эркинлиги тўғрисида моддалар киритиш, бу моддаларда ҳар бир фуқарога динга амал қилиш ёки қилмаслик, динларнинг тенглигини эътироф этиш, диний ташкилотлар ва динни давлатдан ажратиб қўйиш, мактабни черковдан ажратиш каби ҳуқуқларни кафолатга олишни талаб қилдилар. Шунингдек, улар динга қарши илмий асосланган

тарғибот — ташвиқот олиб бориш ҳуқуқларини талаб этадилар.

Бу ишлар кўпгина бошқа давлатларда, жумладан собиқ СССРда ҳам мавжуд эди. Собиқ шуролар даврида динни йўқ қилишга қаратилган атестик тарғибот энг ваҳшиёна усулларда олиб борилди. Мачит, мадраса, черковлар йўқ қилинди, диний уламолар қатоғон қилинди. Диний урф — одатлар, маросимлар ва уларни бажариш тақиқлаб қўйилди.

1991 йил 31 август Ўзбекистон мустақилликка эришди. Шу йил 14 июнда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Бундан ташқари 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. Бу ҳужжатда Ўзбекистон дунёвий давлат сифатида динга ўз муносабатини билан қилди.

Конституциямизнинг мазкур моддасини мазмунини изоҳлаб Президент И.А.Каримов шундай фикрларини ёзган. Ҳозирги кунда республикамизда 15 та диний конфессия уюшмалари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг бир қисми ноанъанавийдир. Давлат улар билан ўзаро муносабатда ўз дунёвий хусусиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги тамойилларга амал қилмоқда.

1. Диндорларнинг диний туйғуларни ҳурмат қилиш;
2. Диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларнинг хусусий иши деб тан олади;
3. Диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни тақиб қилишга йўл қўймаслик;
4. Маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий кадриятларни қарор топтириш ҳамда турли

диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўлларини излаш зарурияти;

5. Диндан бузғунчилик мақсадида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси дунёвий давлатдир. Шу сабабли Конституциянинг 61-моддасида шундай деб ёзиб қўйилган: «Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда улар қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди». Мазкур моддага асосан диний ташкилотлар диний ишлари билан шуғулланадилар, улар давлат сиёсатига аралашмайдилар ва давлат қонунларига ҳурмат билан қарайдилар. 1991 йил 14 июндаги қонунга асосан диндорларга барча имкониятлар берилди, (номоз ўқиш, болаларни ўқитиш, мачитлар очиш). Лекин бу имкониятларни диний фундаментализм, экстремизм, ваҳобийлик руҳидаги «Хизбу — Тахрир», Нур каби панисломизм ҳаракетидаги бузғунчилар нотўғри таҳлил қиладилар. Натижада Конституциянинг 57-моддаси қўпол равишда бузиляпти. Ушбу моддада Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўйувчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, миллий ва сиёсий, диний руҳдаги партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади. (конституциядан).

Ушбу моддадаги кўрсатмалар қўпол равишда бўлганлиги сабабли Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунига янги моддалар қўшилиб, янги тахрирда 1998 йил 1 май куни қабул қилинди.

5-модда: Давлатдан дин — диний ташкилотлар

ажратиб қўйилганини кўрсатиш билан бирга, динлар уларнинг ташкилотлари тенг ҳуқуққа эгаллиги, /диндорлар орасида ўзаро низолар чиқариш, хориждан келиб даъват қилиш қонун билан тақиқланади.

6 — модда: Барча вилоят, туман ва маҳаллаларда, ушбу қонунга тўғри амал қилиш учун маъсуллиги ва жавобгарлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

7 — модда: Республикада халқ таълимининг борга тузилиши диндан ажратиб қўйилганлиги, таълим тизими дастурларига диний билим бериш киритилмайди. деб ёзилган.

8 — модда: 18 ёшдан ўтган фуқаролардан 100 нафари диний жамоа тузишга рухсат этилиши кўрсатиб ўтилган.

9 — модда: Хусусий тарзда динни ўқитилиши ман этилади.

11 — модда: Қонуний рўйхатга олинмаган ва рухсат қилинмаган диний ташкилотлар ёки жамоа ташкил этган шахс жавобгарликка тортилади.

14 — модда: Жамоат жойларида диний хизматдагилардан бошқа фуқароларга диний либосда юриш ман этилади.

19 — модда: Хориждан келтирилган диний адабиётлар, диний экстремистик мазмунда чоп этилган материаллар, кино, фото, видео материаллари тайёрлаш, сақлаш ва тарқатиш тақиқланади.



**«Диншунослик асослари» фанидан  
таянч сўз ва иборалар:**

**1-вариант.**

- |   |                                    |
|---|------------------------------------|
| 1. Диншунослик фанининг мақсади.            | 6. Диний дунёқараш.                |
| 2. Диншунослик фанининг асосий хусусиятлар. | 7. Диннинг келиб чиқини сабаблари. |
| 3. Дин тушунчаси.                           | 8. Жамият ҳаётида диннинг ўрни.    |
| 4. Диний онг.                               | 9. Экстремизм.                     |
| 5. Диний мафкура.                           | 10. Дўзах.                         |

**2-вариант.**

- |                             |                |
|-----------------------------|----------------|
| 1. Жаннат.                  | 6. Анимизм.    |
| 2. Диний ахлоқ.             | 7. Фетишизм.   |
| 3. Диннинг ижтимоий илдизи. | 8. Шоманизм.   |
| 4. Ҳозирги замон ва дин.    | 9. Магия.      |
| 5. Тотемизм.                | 10. Политеизм. |

**3-вариант.**

- |                |                   |
|----------------|-------------------|
| 1. Миллий дин. | 6. Конфуцийчилик. |
| 2. Хиндуизм.   | 7. Синтоизм.      |
| 3. Жайнизм.    | 8. Иудаизм.       |
| 4. Синкхизм.   | 9. Сионизм.       |
| 5. Даосизм.    | 10. Зардуштийлик. |

**4-вариант.**

- |                                     |                            |
|-------------------------------------|----------------------------|
| 1. Авесто.                          | 6. Буддавийлик.            |
| 2. Авестода ахлоқ ва одоб масаласи. | 7. Трипитаха.              |
| 3. Мониий таълимоти.                | 8. Ведалар.                |
| 4. Маздак таълимоти.                | 9. Христианлик.            |
| 5. Монотеистик дин.                 | 10. Исо ҳақидаги тасаввур. |

### 5-вариант.

- |                        |                     |
|------------------------|---------------------|
| 1. Католизм.           | 6. Христианликнинг  |
| 2. Православие.        | динининг маросим ва |
| 3. Протестантизм.      | байрамлари.         |
| 4. Христиан ақидалари. | 7. Папа.            |
| 5. Библия.             | 8. Монах.           |
|                        | 9. Манастир.        |
|                        | 10. Патриарх.       |

### 6-вариант.

- |                               |                       |
|-------------------------------|-----------------------|
| 1. Ислом.                     | 6. Вахий.             |
| 2. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ.     | 7. Қуръони Карим.     |
| 3. Ханифлик ҳаракати.         | 8. Исломнинг жаҳон    |
| 4. Муҳаммаднинг макка даври.  | динига айланиши.      |
| 5. Муҳаммаднинг мадина даври. | 9. Саҳобалар.         |
|                               | 10. Мўминлар жамоаси. |

### 7-вариант.

- |                           |                        |
|---------------------------|------------------------|
| 1. Қуръон – ислом манбаи. | 6. Имом Бухорий.       |
| 2. Ислом ақидалари.       | 7. Имом ат – Термизий. |
| 3. Фарз.                  | 8. Шариат.             |
| 4. Мазҳаблар.             | 9. Диний ҳуқуқий       |
| 5. Ҳадислар.              | мазҳаблар.             |
|                           | 10. Суннийлик.         |

### 8-вариант.

- |                       |                         |
|-----------------------|-------------------------|
| 1. Шиалар.            | 6. Аҳмад Яссавий.       |
| 2. Ислом маросимлари. | 7. Баҳовуддин Нақшбанд. |
| 3. Суфий.             | 8. Нажмиддин Кубро.     |
| 4. Тасаввуф.          | 9. Алишер Навоий.       |
| 5. Дарвеш.            | 10. Бобораҳим Машраб.   |

### 9-вариант.

- |                   |                     |
|-------------------|---------------------|
| 1. Имом Матрудий. | 6. Идда.            |
| 2. Домла.         | 7. Никоҳ.           |
| 3. Имом.          | 8. Талоқ.           |
| 4. Қози.          | 9. Хижрат.          |
| 5. Замзам булоғи. | 10. Фундаментализм. |

### 10-вариант.

- |                        |               |
|------------------------|---------------|
| 1. Экстремизм.         | 6. Монастир.  |
| 2. Терроризм.          | 7. Черков.    |
| 3. Мадраса.            | 8. Эътиқод.   |
| 4. Лайлат — ул — қадр. | 9. Хайт.      |
| 5. Мачит.              | 10. Мусуамон. |

### 11-вариант.

- |            |                      |
|------------|----------------------|
| 1. Шиа.    | 6. Хаж.              |
| 2. Сунний. | 7. Дунёвий дин.      |
| 3. Мазхаб. | 8. Миллий дин.       |
| 4. Мүфтий. | 9. Виждон эркинлиги. |
| 5. Наврӯз. | 10. Диний мерос.     |

### 12-вариант.

- |                 |                       |     |
|-----------------|-----------------------|-----|
| 1. Диншунослик. | 6. Муҳаммад           | ибн |
| 2. Диний ахлоқ. | Абдуллоҳ.             |     |
| 3. Хиндуизм.    | 7. Ислом ақидалари.   |     |
| 4. Авесто.      | 8. Ислом маросимлари. |     |
| 5. Православие. | 9. Домла.             |     |
|                 | 10. Терроризм.        |     |

### 13-вариант.

- |                             |                       |
|-----------------------------|-----------------------|
| 1. Дин тушунчаси.           | 6. Ханифлик ҳаракати. |
| 2. Ҳозирги замон ва<br>дин. | 7. Фарз.              |
| 3. Жайнизм.                 | 8. Суфий.             |
| 4. Моний таълимоти.         | 9. Имом.              |
| 5. Протестантеизм.          | 10. Мадраса.          |

### 14-вариант.

- |                          |                         |
|--------------------------|-------------------------|
| 1. Диний онг.            | 6. Муҳаммаднинг макка   |
| 2. Ҳозирги замон ва дин. | даври.                  |
| 3. Синкхизм.             | 7. Мазхаблар.           |
| 4. Моздак таълимоти.     | 8. Тасаввуф.            |
| 5. Христиан ақидалар.    | 9. Қози.                |
|                          | 10. Лайлат — ул — қадр. |

### 15-вариант.

- |                     |                        |
|---------------------|------------------------|
| 1. Диний мафкура.   | 6. Муҳаммаднинг мадина |
| 2. Тотемизм.        | даври.                 |
| 3. Даосизм.         | 7. Хадислар.           |
| 4. Монотеистик дин. | 8. Дарвеш.             |
| 5. Библия.          | 9. Зам — зам булоғи.   |
|                     | 10. Мачит.             |

### 16-вариант.

- |                                   |                   |
|-----------------------------------|-------------------|
| 1. Диний дунёқараш.               | 6. Вахий.         |
| 2. Анимизм.                       | 7. Имом Бухорий.  |
| 3. Конфуцийлик.                   | 8. Аҳмад Яссавий. |
| 4. Буддавийлик.                   | 9. Идда.          |
| 5. Христиан динининг маросимлари. | 10. Монастир.     |

### 17-вариант.

- |                                      |                        |
|--------------------------------------|------------------------|
| 1. Динларнинг келиб чиқиш сабаблари. | 6. Қуръони Карим.      |
| 2. Фетишизм.                         | 7. Ат — Термизий.      |
| 3. Синтоизм.                         | 8. Бахоуддин Нақшбанд. |
| 4. Трипитака.                        | 9. Никоҳ.              |
| 5. Папа.                             | 10. Черков.            |

### 18-вариант.

- |              |                      |
|--------------|----------------------|
| 1. Рўза.     | 6. Ислом жаҳон дини. |
| 2. Шомонизм. | 7. Ислом мазхаблари. |
| 3. Иудаизм.  | 8. Нажмиддин Кубро.  |
| 4. Ведалар.  | 9. Талоқ.            |
| 5. Монох.    | 10. Эътиқод.         |

### 19-вариант.

- |                 |                   |
|-----------------|-------------------|
| 1. Диний билим. | 6. Саҳобалар.     |
| 2. Магия.       | 7. Шариат.        |
| 3. Сионизм.     | 8. Алишер Навоий. |
| 4. Христанлик.  | 9. Хижрат.        |
| 5. Хаж.         | 10. Хайитлар.     |

### 20-вариант.

- |                         |                      |
|-------------------------|----------------------|
| 1. Дўзах.               | 6. Мўминлар жамоаси. |
| 2. Хаж.                 | 7. Суннийлар.        |
| 3. Политеизм.           | 8. Хижрат.           |
| 4. Зардуштийлик.        | 9. Экстремизм.       |
| 5. Исо ҳақида тасаввур. | 10. Муслум.          |

### Асосий адабиётлар:

1. Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли». Т. Ўзбекистон. 1992 й.
2. Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура». Т. Ўзбекистон. 1996 й.
3. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳафсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари». Т. Ўзбекистон. 1997 й.
4. Каримов И.А. «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда». Т. 1999 й.
5. Каримов И.А. «Ўзбекистон буюк келажак сари». Т. Ўзбекистон. 1998 й.
6. «Эътиқод эркинлиги қонуний асосда бўлсин». (Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Олий Мажлис XI сессиясида сўзлаган нутқи). «Халқ сўзи». 1998 йил, 5 май.
7. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. 1992 й. 48 – бет.
8. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар

тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси  
Қоиуни. (Янги таҳрирда). Халқ сўзи. 1998 й.  
15 май, 2 бет. Қонунлар тўплами № 19.

### Қўшимча адабиётлар:

1. Мўминов А.К. «Диншунослик асосларини ўқиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси». Т. 1999 й.
2. «Диншунослик асослари» дарслик. Ўзбекистон. 1997 й.
3. Т.Жўраев, С.Саиджонов. «Дунё динлар тарихи». Т. 1998 й.
4. А.Абдурахмонов. М.Бойдадаев. Э.Бозоров. «Дин ва сиёсат». Наманган—2001 й.
5. Инжил. Туркия. 1995 й.
6. «Ўзбекистон энциклопедияси». Т. 1975 й.
7. Дунёвий давлат ва дин. Кўнгилдаги бурилиш. Т. 1998 й.
8. Н.Комилов. «Тасаввуф тарихи ва таълимоти». «Тафаккур» журнали. 1998 й. 1—2 сонлар.
9. Қуръони Карим. Т. 1994 й. Аловуддин Мансур таржимаси.
10. Усмонов М.К. «Қуръони Карим ва жаноби расулуллоҳ амаллари». Т. 1993 й.
11. Радугаи А.А. «В ведение в религиоведение». М. 1996 г.
12. Мень А. История религин. М. 1994 г.
13. Библия. Москва—1997 г.
14. Ҳасанов А.А. «Макка ва Мадина тарихи». Т. 1992 й.
15. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. Т. II—том.
16. Усмон Кески ўғли. «Ҳазрати Пайғамбар ҳаёти». Т. 1992 й.
17. Маҳмуд Асвод Жушон. «Тасаввуф ва нафс тарбияси». Т. Чўлпон. 1998 й.
18. Ал—Жазорий, Муҳаммад Нуриллоҳ Сайида.

«Тасаввуф сирлари». Т. 2000 й.

19. Сулаймон Бақирғоний. «Бақирғон китоби». Т. 1991 й.
20. Мўминов А. «Маворауннаҳр уломлари». Т. Шарқшунъслик. 1990 й.
21. Мухтасар: (Шариат қонунларига шарҳ). Т. Чўлпон. 1994 й.
22. Азимов А. «Ислom ва ҳозирги замон». Т. 1992 йил.

## Мундарижа:

1. Диншунослик курсининг предмети ва вазифалари. ....	2
2. Ибтидоий жамиятдаги гастлабки динлар. ....	6
3. Миллий давлат динлари. ....	17
4. Жаҳон динлари. Буддизм. ....	25
5. Христианлик дини. ....	33
6. Ислom жаҳон динидир. ....	40
7. Қуръон—ислом манбаси. Ҳадисшунослик. ....	55
8. Тасаввуф ва унинг тариқатлари. ....	65
9. Шариат—ислом ҳуқуқи ва қонун—қоидалари. ....	72
10. Ислom динидаги оқимлар ва мазҳаблар. ....	77
11. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар. ....	90
12. «Диншунослик асослари» фанидан таянч сўз ва иборалар. ....	97
13. Асосий адабиётлар. ....	101
14. Қўшимча адабиётлар. ....	102



